

СУРХОНДАРЁНИНГ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ABDUNAZAROV E.E.

**СУРХОНДАРЁНИНГ ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРИ**

Термиз-2017

СҮЗ БОШИ

Шифобахш ўсимликлар инсоният учун ўтмишдан маълум бўлган. Жумладан, ватандош алломаларимиздан бири Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари асрлар мобайнида нафақат араблар, балки Европа шифокорлари учун ҳам дастур амал бўлиб хизмат қилган. Абу Али ибн Сино 900 га яқин шифобахш ўсимликларга таъриф берган ва улар билан даволаш усулини ёзма равишда қолдирган.

Ҳозирги пайтда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти томонидан бугунги кунда ҳалқ табобатининг тавсиялари ва фаолиятининг жуда ҳам муҳим эканлиги қайд этилган. Дунёning 120 дан ортиқ мамлакатида ҳалқ табобатига расмий мақом берилган. Бир қатор мамлакатларда ҳалқ табобати Академиялари, илмий-тадқиқот институтлари, табобат дорилфунунларида табобат тизими учун илмий-амалий мутахассислар тайёрлаш бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки дунё миқёсида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50% и доривор ўсимликлар хомашёсидан тайёрланмоқда. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фармацевтика саноати ва дорихоналарни ўсимликлар хомашёси билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган, фермер, ўрмон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида энг кўпи билан 42 тагача доривор ўсимликлар турлари ўстирилади.

Мутлоқ кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини жадаллик билан ривожланиши бундай корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар захираларининг чегараланганлиги туфайли фармацевтика саноати корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабини, асосан, доривор ўсимликлар ўстириш орқалигина қондириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 83-сон йигилиш баёни қарори билан тасдиқланган “Сурхондарё вилоятида иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янада ривожлантириш дастури” нинг 24-бандига асосан “Бойсун туманини фармацевтика саноати марказига айлантириш, соҳани ривожлантириш ва инвесторлар учун кенг имтиёз ва проференциялар яратиб бериш орқали фармацевтика соҳасида инвеститцион фаолликни жадал ошириш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида факат фармацевтика соҳаси учун “Эркин иқтисодий зона” ташкил этиш кўзда тутилган. Бойсун туманида фақат фармацевтика соҳаси учун “Эркин иқтисодий зона” ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш” режалаштирилмоқда.

Республикамизда рўйхатда ўтган ва биокимёвий таркиби ўрганилган 600 турга яқин табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар мавжуддир. Уларнинг аксарияти тоғ ўрмонларида тарқалган. Ушбу доривор ўсимликлардан 230 турининг хом-ашёси фармацевтика саноати эҳтиёжлари учун тайёрланади, кўпчилиги маданийлаштирилган ҳолда этиштирилади ва уларнинг хом-ашёси асосида 254 турдаги яқин доривор препаратлар тайёрланади.

Биз табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишимиз билан бир қаторда, қимматбаҳо хом ашё манбаи ҳисобланган, юқори сифатли дори маҳсулотларини берадиган истиқболли шифобахш ўсимликларни плантацияга айлантирсақ, хом ашё манбаи янада мустаҳкамланар эди. Бу тадбирларни амалга оширилиши билан доривор ўсимликларнинг юқори сифатли турли-туман янги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, натижада нафақат ижтимоий самарадорликка эга бўлишга эришилади, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам фойда қўрилади.

Демак, ҳалқ табобати ва замонавий тиббиётнинг ривожланиши учун тарихий тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш, доривор ўсимликларни ўрганиш, Республикализ иқлим шароитида табиий ҳолда мавжуд бўлган доривор ўсимликларнинг турларни асраш,

интродуцент турларни мослаштириш ва кенг масштабли плантацияларини ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур рисолада Сурхондарё вилояти табиий шароитида ўсадиган доривор ўсимликлар ҳамда интродукция шароитида ўстириб, доривор хом-ашё етиштириш имконияти бўлган ўсимликларнинг турлар таркиби, ботаник тавсифи, географик тарқалиши, кимёвий жиҳатлари ва тиббиётда ишлатилиши каби илмий-таҳлилий маълумотлар келтирилди. Бу маълумотларни тизимли кўпайтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Термиз давлат университетини бир гурӯҳ етук мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари, илмий натижалари ўз ўрнига эга ҳисобланади.

“Сурхондарёнинг доривор ўсимликлари” чоп этилган дастлабки рисола бўлиб, унда баъзи камчиликлар, мунозарали фикрлар ҳамда терминлар учраши мумкин. Шу сабабли, рисола хақида ўз фикр ва мулоҳазаларни билдирган касбдошларга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИ

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг жанубий қисмида жойлашган. У айни бир пайтда Ўрта Осиёning ҳам жанубий қисмида жойлашган бўлиб, унинг худуди қуруқ субтропик иқлимий мінтақага тўғри келади. Вилоят худудини $37^{\circ}10' - 39^{\circ}02'$ шимолий кенглик ва $66^{\circ}32' - 68^{\circ}25'$ шарқий узоклик чизиқлари кесиб ўтади.

Сурхондарё вилоятининг чекка (айни бир пайтда жанубий географик) ўрни унинг бошқа вилоятларга нисбатан кўпроқ хорижий давлатлар билан чегараланишини тақозо қилган. У хорижий давлатлар Тожикистон билан шимол, шимолий шарқ ва шарқ томондан, Туркманистон билан ғарб томондан, узоқ хорижий давлат Афғонистон билан эса жанубий томондан Амударё ўзани орқали чегараланади. Шунингдек, вилоят ғарбда баланд тоғлар орқали мамлакатимизнинг Қашқадарё вилояти билан ҳам катта масофада чегараланади. Бу чегаранинг сарҳад чизиги республикамизнинг энг баланд тоғи Ҳисор тизмасининг кирраларига тўғри келади. «Дунё осмони» деб ном олган Помир тоғига мансуб бўлган Ҳисорнинг қудратли девор тарзида чўзилган тизмалари: Қуштанг (унинг вилоят худудида жойлашган энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан 3723 м га тенг), Кетмончопти (3168), Саримас (1890 м), Сувсиз тоғ (2122 м), Кулбатоғ (2130 м) орқали ўтган бу чегара яхши ажратилган. Вилоят худуди эгри чизилган учбурчакни эслатади. Унинг ўлчамлари: шимолдан жанубга 220-250 км, ғарбдан шарққа эса 150-170 км га чўзилади. Демак, у шимолдан жанубга анча чўзилган. Вилоят уч томондан тоғлар билан ўралган, чегараси жанубий томонга очиқ, унинг жанубидаги Амударё ўзани орқали Афғонистон давлати билан ўтган чегараси эса дарё ўзанига кўра ғоят эгри бугриди. Сурхондарёнинг ғарбий ва шимолий ғарбий чегараларида жойлашган баланд тоғлар вилоятда ўзгача иқлимий шароит ҳосил қилувчи омиллардир. Сурхондарё вилоятининг географик ўрни, яъни Ўрта Осиё қуруқлигининг анча ичкари қисмида жойлашганлиги, океанлардан ва ёғин- сочин келтирадиган совуқ ва илиқ ҳаво массаларидан, қуёш нурининг худудга нисбатан тик тушиши, уч томондан иклим ҳосил қилувчи омиллардан бири-тоғлар билан ўралганлиги ва жанубий қисмининг очиқлиги унинг табиатига ва хўжалигига таъсир кўрсатиб туради. Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг ягона субтропик регионидир. Воҳанинг иқлимий шароити қуруқ, кескин (континентал), қуёш нурларига бой, кунлик ва йиллик ҳаво ҳарорати кескин ўзгариб туради, ёғин-сочин эса кам бўлади. Иқлиминг қуруқлиги вилоятнинг шимолий-ғарбидан жанубий шарқига борган сари ортиб боради. Шу йўналиш бўйича ёзги ҳаво ҳарорати кўтарилади, қишида эса пасаяди, фасллараро юз берадиган бундай ўзгариш жойнинг ер усти тузилиши (рельеф) ўзгариши билан боғлиқ. Иқлимий шароитдаги кескин ўзгариш айниқса тоғли худудларида кузатилади. Вилоятнинг текислик қисмида ҳаво ва тупроқнинг юза қисми ҳарорати баланддир. Ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати 17 даражага тенг. Вилоятнинг жанубий қисмида унинг шимолига нисбатан ўртacha ҳаво ҳарорати анча баланд. Ойлар, фасллар ва ўртacha йиллик ҳаво ҳароратидаги фарқлар катта. Июль ойи регионнинг аксарият худуди учун энг иссиқ ой ҳисобланади, бу пайтга келиб сояда ўртacha кунлик ҳаво ҳарорати Деновда +28,4, Қумкўрғонда +29,0, Термизда +31,4 ва Шерободда +32,1 даражага тенг бўлади. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди зоналарида ҳаво ҳарорати нисбатан юмшоқ. Масалан, денгиз сатҳидан 1243 м баланликда жойлашган Бойсунда июль ойининг ўртacha кўрсаткичи 27,8, январники 0,8 ва ўртacha йиллик ҳарорати 14,5 даражага тенг. Шундай қилиб, Сурхондарёнинг текислик қисми унинг тоғ зонасига нисбатан қуруқ ва илиқ бўлиб, ёз узоқ давом этади, анча жазирама кечади. Вилоятнинг тоғли (денгиз сатҳидан 3000-3200 м баландлик) зонасида эса июль ойи ҳаво ҳароратининг ўртacha кўрсаткичи 20 даражага, январники эса -6-8 даражага тенг. Вилоятда ёз ойлари ўта иссиқ кечади. Сурхондарёнинг иқлимини чукур таҳлил қилган проф. Л.Н. Бабушкиннинг таъбирича, вилоятнинг айrim худудларида йил бўйи ўсимлик вегетацияси давом қиласи. Ёз эса 6 ойгача чўзилади. Сурхондарё мамлакатимизнинг энг иссиқ ўлкаси бўлиши билан бирга, бу ерда булутли кунлар ғоят камдир. Термизда бир йилда очиқ кунлар 166 кунга етади. Айниқса, июндан

токи октябргача очиқ кунлар кўп бўлади. Булутсизликнинг кўпга чўзилиши, мамлакатимизнинг ҳаво ҳароратидаги абсолют максимумнинг шу регионда бўлишилиги тупроқ қурғоқчилигини келтириб чиқаради. Ҳаво ҳароратининг турлича юқори кўрсаткичлари ва айниқса, +10 даражадан юқори бўлган ҳаво ҳароратидаги фойдали кўрсаткичлар вилоятнинг қатор географик нуқталарида вегетация муддатининг ҳар хил бўлишини таъминлаган. Кўп йиллик метеорологик маълумотларга таяниб, вилоятнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилиши жадал кечадиган текислик худудларида ҳаво ҳароратининг фойдали кўрсатгичи муддати чўзилганлигини кўрамиз. Вилоят бўйлаб кузнинг ва баҳорги тупроқ юзаси музлашининг кечикиши мамлакатимизнинг бошқа худудларига нисбатан илиқ кунларнинг чўзилишига олиб келган.

Вилоятда ҳаво илиқ давр 226 дан токи 266 кунгача чўзилади. Кеч пишар толали ғўзанинг тўлиқ пишиб етилиши учун эса ўртacha 180-200 кун талаб қилинади. Совуқ бўлмайдиган кунларнинг узоқ давом этиши, ҳаво ҳароратидаги юқори ижобий ва фойдали кўрсаткичлар йифиндиси вилоятда ҳар қандай кеч пишар ғўза навларини ва жанубий мамлакатларга хос қимматбаҳо экинларни районлаштириши тақозо қилган. Ҳаво ҳароратининг ижобий (0 даражадан юқори) кўрсатгичи Деновда-5146, Термизда-5770, Шерободда-5945 даражага бўлгани ҳолда фойдали кўрсатгич мазкур худудларда 2677:3306:3441 даражага, экинчилик учун зарур бўлган мухлат 1 апрелдан токи 1 сентябргача бўлган даврга эса 2597:3210:3295 даражага тенг. Иқлим шароитидаги маълум фарқлар айниқса, ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати ҳамда ижобий ва фойдали ҳаво ҳароратидаги фарқлар вилоятнинг турли қишлоқ хўжалик районларида ўсимликларнинг эрта, ўрта ва кеч пишар навларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириши тақозо қилган. Шу жихатдан Сурхондарё иккига ажралиб туради:

Вилоятнинг жануби. Бу ерда нисбатан ҳаво ҳарорати баланд, вегетация муддати кўпга чўзилади. Ҳаво ҳароратидаги ижобий ва фойдали кўрсаткичлар узоқ вегетация даврини талаб қиласиган ингичка толали ғўза навлари учун ўта қулай.

Вилоятнинг шимоли. Бу ерда ҳаво ҳароратининг барча кўрсаткичлари унинг жанубига нисбатан паст, фойдали даражага миқдори кам. Қишки ҳаво ҳароратининг ўртacha кўрсаткичлари бир мунча юмшоқ кечадиган вилоятнинг бу қисмида субтропик, цитрус мевали ўсимликларни экиш ҳамда етиштириш имкониятлари катта. Ёғин-сочиннинг миқдори ва жойдан-жойга ўзгариб туриши Марказий Осиё давлатларига хос табиий қонуният бўлиб, фасллараро кескин фарқ қиласи: кузда у кам тушади, ёз деярли ёмғирсиз ўтади. Термиз метеорологик станциясининг маълумотларига кўра, баҳор фаслида йиллик ёғин - 44,3%, қишида- 45,9%, кузда- 9,0% ва ёзда- 0,8% тушади. Вилоятнинг айрим худудлари бўйлаб йиллик ёғин-сочин миқдори 131 мм дан 625 мм гача фарқланади. Унинг текислик қисмида, жумладан айниқса, жанубида йиллик ёғин-сочин миқдори шимолий худудларга нисбатан 4-5 марта кам тушади. Метеостанцияларнинг кўп йиллик маълумотларига кўра, йиллик ёғин - сочин миқдори Термезда-133 мм, Қумқўрғонда 164 мм, Шўрчида 228 мм, Деновда 360 мм, Сарижўйда 490, Дашибобода 577 мм га тенг. Ёғин-сочиннинг тақсимланишида вертикал минтақаланиш қонунияти ҳам ҳукмрон. Худуднинг дengiz сатҳидан баландлиги ошган сари ёғин-сочин миқдори ҳам ошиб боради. Масалан, Наушаҳарда (дengiz сатҳидан баландлиги 300 м атрофига) йиллик ёғин миқдори 131 мм, Шерободда (444 м) - 154 мм, Бойсунда (1243 м)-445 мм, тоғли Шарғунда эса 625 мм га тенг. Вилоятнинг мураккаб орографик хусусиятига кўра, ҳаво ҳарорати ва ёғин-сочин тақсимотидаги вертикал минтақаланиш агросаноат мажмуасининг тармоқ тузилиши, унинг жойлашиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Ёғин-сочин кўпроқ тушадиган тоғ ён бағирларида ва адирликларда лалмикор дехқончилик, яйлов чорвачилиги ва паррандачилик, иқлими нисбатан юмшоқ, ёғин-сочин эса кўп тушадиган тоғли худудларида эса мевачилик (айниқса олма, жийда, ёнгоқ, дўлана, бодом, писта, нок этиштириш) кенг ривожлантирилган.

Тупроқлари. Воҳанинг тупроғи нейтрал, яъни pH 6,5-7,5 га тенг. Тупроқ Сурхон табиатнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, у ўзида жонлиз табиий бойликни

мужассамлаштирган ҳосиладир. Вилоят ҳудудининг мураккаб орографик хусусиятлари унда тупроқ она жинсининг ҳар хиллигини келтириб чиқарган. Бу ерда чўл зонасига хос тупроқлар тарқалган бўлсада, улар бир бутун яхлит майдонлар ҳосил қилмайди, балки жойнинг рельеф хусусиятлари, сизот сувларининг кимёвий таркиби, чукурлиги ва бошقا табиий омилларга биноан тупроқ типлари алмашиб туради. Сурхондарёда бўз тупроқ кенг тарқалган. Унинг уч типи учрайди: тақирли бўз тупроқ, типик бўз тупроқ ва тўқ тусли бўз тупроқ.

Тақирли бўз тупроқ. Тақир тупроқ билан бўз тупроқнинг ўткинчи зонасида кенг тарқалган. Бу тупроқлар гранулометрик таркибининг оғирлиги, текис юзали рельеф кўринишига эга бўлганлиги билан ажралиб туради. Тақирнинг юза қатлами одатда зич бўлади, сув ўтказмайдиган қатлам ҳосил бўлади. Бу нарса эса ўсимликнинг ривожланишига таъсир этади. Шўрланган бу тупроқларда чиринди кам ($0,40-1,03\%$ атрофида). Тақирли бўз тупроқ оч тусли бўз тупроқ билан алмашади. Оч тусли бўз тупроқ эса вилоятнинг текислик зонасида кенг тарқалган. Унинг тарқалиш географияси денгиз сатҳидан 300 метр баландликдан токи 500-700 метргача боради. Чириндининг асосий қисми ҳайдалма қатламда бўлиб, пастга томон кескин камайиб кетади. Типик бўз тупроқ ясси тоғлар ва уларнинг ёнбағирлари, лалмикор ерлар билан сугорма дехқончилик қилинадиган ҳудудларнинг бир қисмida тарқалган. Бу тупроқ денгиз сатҳидан 700 м дан токи 1100-1200 метргача бўлган баландликларда кенг тарқалган. Тупроқнинг ишчи қатлами анча унумдор. Вилоядда бўз тупроқ эгаллаган ерлар 300-340 минг га атрофидадир. Унинг бир қисмida сугорма, қолган қисмida лалмикор дехқончилик қилинади. Тўқ тусли бўз тупроқ умумий қонуниятга кўра, вилоятнинг тоғли ва баланд тоғли зоналарида денгиз сатҳидан 1100-1200 м дан баландликда жойлашган. Уларнинг таркиби оч тусли тупроқларга қараганда 2,5 марта, типик бўз тупроқга нисбатан эса 1,5 марта чириндига камбағал. Тўртламчи даврга оид лесс ва лессимон (созтупроқ) ғовак ётқизиқ жинсларининг 20-60 м (баъзан бундан ҳам кўп) қалинликдаги қатламларида таркиб топганлиги, аксари жойларда қияликнинг 15-20 даражага бориши, иклимининг куруқ ва илиқлиги, ёғин-сочиннинг камлиги ва нотекис тақсимланганлиги маҳаллий шамолларнинг тез-тез юз бериши, ўсимлик қопламишининг сийраклиги ва ер юзасининг тез (ўсимлик қовжираб қуриши билан) очилиб қолиши, яъни Марказий Осиёга хос бўлган «яланғоч тоғлик» шароити ва бошقا географик омиллар тупроқ эрозиясининг кенг ривожланишига олиб келган.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ ШАРОИТИДА ТАРҚАЛГАН
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР**

| № | Ўсимликнинг иљмий номланиши | Расми | Ҳаётий шакли, хом-ашё манбаи | Ватани, доривор моддалар ва уларнинг шифобахшлик хусусиятлари |
|----------|---|---|--|---|
| 1 | Acanthophyllum gypsophiloides Rgl. Етмак, бех |  | Кўп йиллик ўт, ер устки ва остки қисми | Алкалоидлар (аконитин, талатизин, талатизидин), тритерпен сапонинлардан тиббиётда фойдаланилади. |
| 2 | Acanthophyllum paniculatum Rgl. Бех, етмак |  | Кўп йиллик ўт, ер устки ва остки қисми | |
| 3 | Achillea biebersteinii C. Afan Кичик бўймадарон |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 4 | Achillea filipendulina Lam. Дастарбош |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Гулларидаги эфир мойи, К ва С витаминлар, аспарагин, смола, ошловчи, гликоалкалоидлар таркибидаги ахиллеин, бетоницин, азулен, туйон моддалари қон тўхтатувчи хисобланади ҳамда меъда- ичак касалликларида, қон оқишини тўхтатиш учун гомеопатияда ва халқ тиббиётида фойдаланилади. |
| 5 | Achillea millefolium L. Бўймадарон, бошоғри ўти |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 6 | Achillea santolina L. Бошоғрик ўти бўймадарон |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 7 | Aconitum talassicum M. Pop. Оқ парпи |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Аконитин ва бошқа алкалоидлардан (псевдаконитин, аконин, хемизаконитин ва б.) невралгия ва бодни даволашда қулланилади. |
| 8 | Aconitum zeravshanicum Steinb. Парпи |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 9 | Acorus calamus L. Игир |  | Кўп йиллик ўт, ер устки ва остки қисми | Каламус мойи, акорин гликозиди, каламин ва холин алкалоидлари, илдизпоясида инсектидлар мавжуд. Бод, безгак, тинчлантирувчи, йўтал, ошқозон, чипқон, тропик малакатларда “Фил касали” касалини даволашда қулланилади. |

| | | | | |
|----|---|---|--|---|
| 10 | Adonis chrysocyanthus Hook. Сувурӯт |  | Кўп йиллик ўт, ер устки ва остки қисми | |
| 11 | Adonis parviflora Fisch. Мушукӯт, сассиқматал |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 12 | Adonis turkestanica Adolf. Гулизардак, сариқгул |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Гликозид, строфантидин, цимарин, К-страфантин, флавоноидлар, сапонинлар, азотли бирикмалар, кумарин, органик кислота, смола, адонит спирти, аминокислоталардан тиббиётда фойдаланилади. |
| 13 | Agrimonia asiatica Iuz. Сариқчой, аломатчой |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 14 | Allium kugitangi F.O. Khass. Аллим кугитанги |  | Кўп йиллик ўт, Ер устки ва остки қисми | Эфир мойи, С ва В витаминлари, фитонцидлар, гликозидлар, сахароза моддаларидан стимулирлашда, дезинфекциялаш, рахит, безгак, склероз, ўсма, яра ва тери касалликларини даволашда қулланилади. |
| 15 | Allium schubertii Zucc. Чучқапиёз |  | Кўп йиллик ўт, Ер устки ва остки қисми | |
| | Allium suvorovii Rgl. Суворов пиёзи, анзор пиёз |  | Кўп йиллик ўт, Ер устки ва остки қисми | |
| 16 | Althaea officinalis L. Доривор гулхайри |  | Кўп йиллик ўт Ер устки ва остки қисми | Илдизидаги доривор моддалардан фармакопеяда кенг фойдаланилади. |
| 17 | Amygdalus bucharica Korsch. Аччиқбодом |  | Бута, ер устки қисми, меваси | |
| 18 | Amygdalus petunikowii Litv. Итбодом, ёввойи бодом |  | Бута, ер устки қисми, меваси | ЁF, сахароза, B ₁ , ва B ₂ витаминлар, эмульсин ферменти, оксил, олеин, линол кислоталари ич юмшатувчи дори сифатида қўлланилади. |
| 19 | Amygdalus spinosissima Bge. Бодомча |  | Бута, ер устки қисми, меваси | |
| 20 | Amygdalus ulmifolia (Franch) M. Pop. Хотинёнгоқ |  | Бута, ер устки қисми, меваси | |

| | | | | |
|----|--|---|--|---|
| 21 | <i>Anabasis aphylla</i> L. Итсигек, Болтириқ, Қора бароқ |  | Күп йиллик ўт, ер устки ва остки қисми | |
| 22 | <i>Anabasis eriopoda</i> (Schrenk) Benth. Қирбуюргин, қиркбўғин |  | Күп йиллик ўт, Ер устки ва остки қисми | Инсектисид алкалоиди, анабазин (никотин измери), лупинин, афиллин, афиллидин моддаларидан қичима ва тери ¹ касалликларида ² фойдаланилади. |
| 23 | <i>Anabasis salsa</i> (CAM) Benth. Биорғин |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 24 | <i>Anagallis arvensis</i> L. Совунёт |  | Бир йиилик ўт, ер устки қисми | Қанд моддалари, сапонинлар, флавоноидлар, шилимшиқ моддаларидан ўпка сили ва шамоллаши касалликларида ² фойдаланилади. |
| 25 | <i>Anchusa italicica</i> Retz. Хўқизтили, говзабон |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга |
| 26 | <i>Andrachnerotun difolia</i> L. Кўқмараз |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Пентуарин, цианин гликозидларидан сийдик хайдовчи, кўййутал қовук оғриқларини даволашда ² қўлланилади. |
| 27 | <i>Artemisia tenuisecta</i> Nevski. Эрмон |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойи, аччик гликозидлар қаҳрабо, олма ва аскорбин кислоталар, каротин, арабсин, лактонлар, артемизетин флавоноиди хамда ошловчи моддалар асаб тизими касалликларини даволашда ² қўлланилади. |
| 28 | <i>Asparagus officinalis</i> L. Сарса бил |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Аспарагин алкалоидан тери ¹ касалликларини даволашда ² қўлланилади. |
| 29 | <i>Asparagus brachyphyllus</i> Turcz. Шококил |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | |

| | | | | |
|----|--|---|--------------------------------|---|
| 30 | Berberis integrifolia Bge. Қызылзирк, зирк |  | Бута, ер устки қисми, меваси | Берберен, хелидотоксин, Е витамин, каротин моддаларидан гомеопатия, цинга касаллигини даволашда қўлланилади. |
| 31 | Berberis oblonga Schneid. Қорақанд, қоразирк |  | Бута, ер устки қисми, меваси | |
| 32 | Brassica juncea (L) Czern. Хартол |  | Икки йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойидан антисептик мақсадда фойдаланилади. |
| 33 | Bryonia alba L. Абужаҳил тарвузи |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 34 | Bryonia dioica Jacq. Тарвузпалак |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Гликозидлар (тетрациклик тритерпен сапонилар, бриомарид, бриодулькоизид, бриобиозид, брионол, стерин), сапонин, смола, ошловчи моддаларидан бод, астма, кўййуталда фойдаланилади. |
| 35 | Bryonia melanocarpa Nab. Сирттан |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 36 | Capparis spinosa L. Ковул |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Каппаридин, рутин шамоллашда фойдаланилади |
| 37 | Carum carvi L. Қора зира |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Флованоид ошловчи моддалар, эфир мойидан тери касалликларини, ичак ва оғриқ колдирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилашда, сийдик ҳайдовчи восита сифатида, мъеда касалликларида фойдаланилади. |
| 38 | Chenopodium botrys L. Тошолабута |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 39 | Chenopodium vulvaria L. Сассиқола бута |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойи, глистоген, аскаридол моддаларидан антиспазм, йўтал, астма, асаб тизимида фойдаланилади. |

| | | | | |
|----|--|---|-------------------------------|--|
| 40 | Cichorium intybus L. Сачратқы |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Инулин, фруктозадан гижжа касалларларда фойдаланилади. |
| 41 | Cnicus benedictus L. Құшқұнмас, сарықул |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Смола, камед, магнезия, кицин ошловчи моддалардан иштаханы очувчи ва овқат ҳазм бўлишини яхшилашда фойдаланилади. |
| 42 | Colchicum luteum Baker. Савринжон, бойчечак |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Колхицин моддасидан подагра, бод, астма, сийдик ҳайдовчи восита ўрнида фойдаланилади. |
| 43 | Conium maculatum L. Бодиёни руми, зангпоя |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Конин, холин, конидрин алкалоидларидан мускул тиришиши, тинчлантирувчи сифатида фойдаланилади. |
| 44 | Convolvulus subhirsutus Rgl. Et Schmalh. Мингбош, оқпартак |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Смола, камеддан фармакопияда фойдаланилади. |
| 45 | Crambe kotschyana Boiss. Қатрон |  | Күп йиллик ўт, Ер устки қисми | Мойидан фармакопияда фойдаланилади. |
| 46 | Cynanchum sibiricum Willd. Сутпечак, илонпечак |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга |
| 47 | Delphinium camptocarpum F. et M. Тасмачўп |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Алкалоидлар (дельсемин, ликоктонин, флаваноидлар (изорамнетин, кверцетин) мавжуд. Кон томир, шамоллаш, паркинсон касаллигига ишлатилади. |
| 48 | Dictamnus angustifolius G. Тоғ турбид Don. |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга. |
| 49 | Dodartia orientalis L. Такасоқол |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга. |

| | | | | |
|----|--|---|---|---|
| 50 | <i>Dracocephalum komarovii Lipsky</i> Тоғбұзnoch, тошбұзnoch |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Эфирмойли, асал-ширали ўсимлик бўлиб, тери касалликларинида фойдаланилади. |
| 51 | <i>Eminium albertii (Rgl) Engl.</i> Иткучала |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 52 | <i>Eminium lehmanii (Bge) O. Ktze.</i> Чўлкучала, иткучала, қорақулоқ |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 53 | <i>Eminium regelii Vved.</i> Қорақулоқ, кучала |  | Күп йиллик ўт, Ер остки қисми | |
| 54 | <i>Ephedra equisetina Bge.</i> Қизилча |  | Бута, ер устки қисми | Алкалоидлар (эфедрин, псевдоэфедрин), флавоноидлар, фенолкислоталар, ошловчи моддалардан невроз, атеросклероз касаллигига фойдаланилади. |
| 55 | <i>Ephedra intermedia Schrenk.</i> Чўлқизилча |  | Бута, ер устки қисми | |
| 56 | <i>Ephedra regeliana Florin.</i> Тошқизилча |  | Бута | |
| 57 | <i>Eremostachys nuda Rgl.</i> Жавдар |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 58 | <i>Evonymus semenovii Rl. Et Hern.</i> Нормушк |  | Бута, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 59 | <i>Ferula assa-foetida L.</i> Коврак, сассикковрак |  | Күп йиллик монокарп, ер остки қисми | Крахмал, смола, эфир мойи, умбеллиферон кумарини, ферула кислотаси, елим-смола мейда, буйрак, талоқ, жигар касалликларини даволашда хамда бачадондан қон оқишини тўхтатувчи, иштаҳа очувчи, сийдик ҳайдовчи, |
| 60 | <i>Ferula Joeschkeana Vatke.</i> Оқшаир, шаир |  | Күп йиллик монокарп, ер остки қисми | |

| | | | | |
|----|---|---|-------------------------------|--|
| 61 | Ferula moschata (Reinch.) K. Pol. Сүмбул |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | бўғинлар оғриганда оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. |
| 62 | Ferula schair Borscz. Шаир |  | Кўп йиллик монокарп | |
| 63 | Fritillaria ferganensis Los. Кўзилола |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | |
| 64 | Fritillaria olgae Vved. Зарафшон |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Фритиллин алкалоидан тиббиётда фойдаланилади. |
| 65 | Gentiana olivieri Gris. Газаўт, эрбаҳоси |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Генциопикрин, генциомарин, генцианин моддаларидан иштаха очувчи ва овқат ҳазм қилишда фойдаланилади. |
| 66 | Geranium collinum Steph. Анжабор |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Эфир мойидан тиббиётда фойдаланилади. |
| 67 | Geum (Orthurus) kokanicum Rgl. Et Schmalh. Ерчой, ширчой |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Геин гликозид, эфир мойи, ошловчи моддалар, альдегид, органик кислоталардан тишнинг кариес, периодонтит касалини даволашда фойдаланилади. |
| 68 | Glaucium fimbrilligerum Boiss. Ўрмонқора |  | Бир йиллик ўт, ер остки қисми | Дориворлик ва шифобахшилик хусусиятига эга. |
| 69 | Glycyrrhiza aspera Pall. Мия |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Алкалоидлар (пахикарпин, софокарпин, цитизин, матрин, алоперин), глизиризин, сапонин, сахароза, смолаларидан адиссон, ошқозон яраси, ўсма ксалликларини даволашда қўлланилади. |
| 70 | Glycyrrhiza glabra L. Қизилмия, ширинмия |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | |
| 71 | Goebelia alopecuroides (L) Bge. Оқмия, аччиқмия |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Алкалоидлардан (пахикарпидин, софорамин, софокарпин, матрин) спастик ва гипертония, мускул дистофия ларида ҳамда туғишини тезлатиш учун ишлатилади. |
| 72 | Goebelia pachycarpa (Schrenk.) Bge. Аччиқмия, талхак, эшакмия |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | |

| | | | | |
|----|---|---|--------------------------------|--|
| 73 | Gypsophila alsinoides Bunge. In Arb. Качим |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Сапонин моддасидан фармацияда фойдаланилади. |
| 74 | Haplophyllum latifolium K. et K. Кенгбаргли тошбақатоли |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 75 | Haplophyllum perforatum (M.B.) K. et K. Тошбақатоли |  | Бута, дараҳт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 76 | Helichrysum arenarium Moench. Бўзноч |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойи, флавоноид гликозидлар (салипурпурозид, кемпферол, изосалипурпурозид), инозит, витаминлар, ошловчи моддалар, ёғ кислоталари, микроэлементлар минерал тузлар антибактериал, сийдик ҳайдовчи, сийдик қопи, билирубин ва холестеринни меёrlашда иилатилади. |
| 77 | Helishrysum maracandicum M. Pop. Ўлмасёт |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 78 | Heliotropium dasycarpum Ldb. Қизилчойчуп, кўкмараз |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга |
| 79 | Hippophae rhamnoides L. Чаканда, чирқаноқ |  | Дараҳт, ер устки қисми, меваси | Ўсимлик мойидан, С, В ₁ , В ₂ , Е витаминлар, каротин, фолиевой кислотасидан ошқозон-ичак, тери, бод, кўз касалликларида фойдаланилади. |
| 80 | Hypericum perforatum L. Қизилпойча, далаҷой |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Флавоноидлар (гиперозид, рутин, кверцитрин, изокверцитрин, кверцетин), ошловчи моддалар, смола, аскорбин кислота, Р ва РР витаминлари, холин, антоциан, сапонинлардан бронхит, йирингли касалликлар, қўлоқ, бурун, тонзиллит ва уткир ўпка касалликларида фойдаланилади. |
| 81 | Hypericum scabrum L. Далаҷой, чойчуп, қизилпойча |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |

| | | | | |
|----|--|---|----------------------------------|---|
| 82 | Hyssopus zeravshanicus Pazij. Иссоп, доривор күкүт |  | Кўп йиллик ўт | Эфир мойи, ошловчи моддалар, флавоноиддиосимин, иссопин ва глюкозадан овқат ҳазм қилишда кўкрак органлари, нафас сиқилиши, бронхит ва бронхиал астма касалликларни тузатиша ишлатилади. |
| 83 | Inula grandis Schrenk. Андиз, сариандиз |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Инулин, алантовой мойи, алантолактон, геленин моддаларидан антисептик, сил касалликларида фойдаланилади. |
| 84 | Inula helenium L. Қораандиз |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 85 | Korolkovia severtzovii Rgl. Олғи |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга |
| 86 | Logochilus inebrians Bge. Бозулбанг, бангидевона |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Лагохиллин, эфир мойи, ошловчи моддалар, каротин моддаларидан қон кетишини тўхтатиш, диатезда фойдаланилади. |
| 87 | Lagonichium farctum Bobr. Жинжак |  | Бута, ер устки қисми | |
| 88 | Lallemandia royleana (Wall.) Benth. Маллачай |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Уруғдан олинадиган моддалардан хароратни туширувчи, тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. |
| 89 | Limonium meyeri (Boiss.) Ktze. Кермак, кермаксовун |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга |
| 90 | Lithospermum officinale. L. Доривор илончўп |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Литоспермин моддасидан кўйган ва совуқдан зарарланган қисмларни, яраларни даволашда ишлатилади. |
| 91 | Lycium ruthenicum Murr. Қорачинғил, қалған, жинғил |  | Бута, ер устки қисми | Куритилган мевасидан олинган моддадан тетиклаштирувчи, безгак, бод касалликларини даволашда ишлатилади. |

| | | | | |
|----|---|---|-----------------------------------|--|
| 92 | Lycium turkomanicum Turcz. Оқчинғил |  | Бута, ер устки қисми | |
| 93 | Matricaria disciformis (C.A. Mey) DC. Мойчечак |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойи, сесквитерпен, апиин, кверцимеритрин, кверцетин, лютеолин моддаларидан потоген микроорганизмларга, шамоллашга, ялиғланишга қарши, дезинфекцияловчи сифатида фойдаланилади. |
| 94 | Melilotus officinales L. Қашқарбеда |  | Икки йиллик ўт, ер устки қисми | Алкалоид кумарин, гликозид-мелилотозид, мелилотин, дикумарол, эфир мойлари, холин, С ва Е витаминлари, каротинларидан юмшатувчи ва таъсирловчи, антикоагулянт, яраларни даволаш учун ишлатилади. |
| 95 | Merendera robusta Bge. Санграй-қулок, савринжон |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Алкалоидлардан (колхицин ва колхамин, специозин, колхицерин) тери ўсмаси, сурункали лейкоз, бод, подагра, невралгия касаллигини даволашда фойдаланилади. |
| 96 | Orchis umbrosa K. et K. Солаб, салеп |  | Кўп йиллик ўт, ер остки қисми | Дориворлик ва шифобахшилик хусусиятига эга |
| 97 | Origanum tytthanthum Gontsch. Тоғрайҳон, жамбил |  | Икки йиллик ўт, ер устки қисми | Эфирмойи, тимол, ошловчи моддалар, аскорбин кислота, фенол-карбон кислоталардан ичак атонияси, балғам кўчирувчи дори ва терлатувчи, тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади. |
| 98 | Orthurus kokanicus (Rgl et. Schmalh.) Juz. Ерчой, ширчой |  | Икки йиллик ўт, ер устки қисми | Геин гликозиди, эфир мойи, ошловчи моддалар, органик кислоталардан тишнинг кариес, периодонтит касаллигини даволашда фойдаланилади. |
| 99 | Peganum harmala L. Исириқ, оддий исириқ |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Алкалоидлар ёғ моддалари мавжуд. Гармин алкалоиди энцефалит касаллигининг асоратини, тутқаноқ ва бошқа мускул касалликларини ҳамда неврит каби асаб касалликларида ишлатилади. |

| | | | | |
|-----|---|---|----------------------------------|--|
| 100 | Plantago lanceolata L. Баргизуб, илонтили |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Аукубин (ринантин) гликозиди, аччиқ, шиллик ва ошловчи моддалар, флавоноидлар (апигенин, гомоплантагенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари, каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталари яллиғланишга қарши ва балғам қўчирувчи восита сифатида, меъда-ичак, гастрит ва колит касалликларини даволашда ишлатилади. |
| 101 | Plantago major L. Зубтуруб, Бақаяпроқ |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми Танид, ошловчи моддалар, флавоноидлардан безгак, туберкулёз, кўйкўтал, ошқозон касалликларида фойдаланилади. |
| 102 | Polygonum nitens V. Petr. Ерқуноқ, анжабор |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Ошловчи моддалардан тиббиётда фойдаланилади. |
| 103 | Poterium polygamum W. Et K. Кўкўт, харгизагиё |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Бир йиллик ўт, ер устки қисми Дориворлик ва шифобахшлиқ хусусиятига эга. |
| 104 | Pulicaria uliginosa Stev. Гулбанд |  | | |
| 105 | Rhamnus cathartica L. Тоғжумрут, итжумрут |  | Бута, ер устки қисми | Ўсимлиқдан сувчечак, подагра, тери касалликлари, яра касалликларини даволашда қўлланилади. |
| 106 | Rhamnus coriacea Kom. Жумрут |  | Бута, ер устки қисми | |
| 107 | Rherum cordatum A. Los. Чухра |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Антицингот, С, Е, В ₂ , витаминалари, каротин моддаларидан тиббиётда фойдаланилади. |
| 108 | Rherum maximowiczii A. Los. Ровоч, чухра |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 109 | Rhus coriaria L. Сумах, татун |  | Бута, дараҳт, ер устки қисми | Ошловчи моддалар чипқон, бош оғриғи касалликларида фойдаланилади. |

| | | | | |
|-----|---|---|------------------------------------|--|
| 110 | Ribes meyeri Max. Қорақат |  | Бута, дараҳт, ер устки қисми | Аскорбин кислота, эфир мойи, каротин, В ₁ ва Р витаминлари, органик кислоталар, қанд, ошловчи моддалар, гликозид, флаваноидлардан гипо ва авитоминоз, терлатувчи ва сийдик хайдовчи, ич кетишга қарши, бод касаллигини даволашда фойдаланилади. |
| 111 | Rindera echinata Rgl. Танғабарг |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга. |
| 112 | Roemeria refracta DC. Қизғалдоқ |  | Бир йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобахшлик хусусиятига эга. |
| 113 | Rosa canina L. Итбурун |  | Бута, ер устки қисми, меваси | Эфир мойи, Р, С витамин, каротин, танидлар, пектин лимон ва олма кислоталаридан ошқозон касалликлари, шамоллашга қарши, жигар касалликларини (холецистит ва гепатит), тропик яралар, экземани даволашда ишлатилади. |
| 114 | Rubus caesius L. Маймунжон, пармачак |  | Бута, ер устки қисми, меваси | Органик кислоталар, С витамины, каротин, қанд, ошловчи моддалар, фитостерин моддаларидан шамоллаш, тер хайдовчи сифатида ишлатилади. |
| 115 | Rumex acetosa L. Яйлов отқулоғи |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми, | Антраликоидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар ва К витаминларидан дизентерия, колит, энтероколит, гемоколит касалликларини даволашда фойдаланилади. |
| 116 | Rumex confertus Willd. Отқулоқ |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми, | Касалликларини даволашда фойдаланилади. |
| 117 | Salvia sclarea L. Маврак, зигирек |  | Кўп йиллик ўт, ер устки қисми, | Эфир мойи, алкалоидлар, ошловчи моддалар, флавоноидлар, урсол, олеанол пинен, борнеол, камфора, цедрен кислоталардан томоқ, кўкрак, юкори нафас йўллари ялиғланиши, меъда касалликлари, суюкларнинг оқма яраларини даволашда кўлланилади. |

| | | | | |
|-----|---|---|-------------------------------|--|
| 118 | <i>Solenanthus circinnatus</i> Ldb. Оқсеп |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Оқсил, ёғ кислоталар, гемицеллюзода, крахмал, микроэлеменлардан туберкулёзда, қанд ва вирусли гепатит касалликларини даволашда фойдаланилади. |
| 119 | <i>Solenanthus coranatus</i> Rgl. Эшакдуми, хардум |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | |
| 120 | <i>Tanacetum pseudoachillea</i> C. Winkl. Тоғдастарбош |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Эфир мойи туйона, глистоңон, инсектисид, флавоноид, алкалоид, ошловчи моддалар, лактон ва танацетинлардан гижжа, жигар ва ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. |
| 121 | <i>Thalistrum minus</i> L. Санчиқүт |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 122 | <i>Thermopsis alterniflora</i> Rgl. El Schmalh. Афсонак |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Алкалоидлар (цитизин, пахикарпин, метилцитизин, термопсин, анагирин), флавоноидлар (цинарозид, лютеолин, хризоэриол, генестеин, генистин), органик кислоталар, қандлар, смолалар мавжуд. |
| 123 | <i>Thermopsis dolichocarpa</i> V. Nik. Гандамия, афсонак |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | |
| 124 | <i>Tithymalus rapulum</i> (K. et K.) Kl. Et Gurke. Айиқүт |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 125 | <i>Trichodesma incanum</i> (Bge) DC. Кампирчопон |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлиқ хусусиятига эга. |
| 126 | <i>Tussilago farfara</i> L. Оққалдирмоқ |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Туссилягин гликозиди, галла, олма, вино кислоталари, стеринлар, сапонинлар, ошловчи моддалардан балғам күчирувчи сифатида фойдаланилади. |
| 127 | <i>Ungernia minor</i> Vved. Аччиқширач |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | Алкалоидлардан (галантамин, ликорин, тацептин, панкратин) миастения, миопатия, полиомиелит, полиневрит, |

| | | | | |
|-----|---|--|-------------------------------|--|
| 128 | Ungernia severrtsovii (Rgl) B. Fedtsch. Қорақовуқ, қирққовуқ |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | радикулит касаллукларини даволашда қўлланилади. |
| 129 | Ungernia victoris Vved. Омонқора |  | Күп йиллик ўт, ер остки қисми | |
| 130 | Vinca erecta Rgl. et Schmalh. Бўригул |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Дориворлик ва шифобаҳшлик хусусиятига эга. |
| 131 | Ziziphus jujube Mill. Чилонжийда, унаби |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Шакар, ошловчи моддалар, сапонин, смола, кумарин, органик моддалардан қон босимини туширишда ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. |
| 132 | Ziziphora pedicellata. Кийикўт |  | Күп йиллик ўт, ер устки қисми | Тriterpen гликозидлар, flavonoидлар, ошловчи витаминлар, токоферол бор. Кўз касаллуклари, гипертония касаллиги, стенокардия, ўткир буйрак-томирлар касаллигига, шунингдек, диабет ва бошқа тери касаллукларида ишлатилади. |

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР



Оддий бўймодарон - *Achillea millefolium* L.
Ботаник тавсифи. Оддий бўймодарон - *Achillea millefolium* L. қоқиётдошлар-Asteraceae оиласига киради. Кўп йиллик бўйи 20-50 (баъзан 80) см га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси шохланган бўлиб, ер остки новда хосил қиласи. Бундай новдадан илдизолди барглар ва поялар ўсиб чиқади. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, юқори қисми шохланган бўлиб, улар қалқонсимон гул тўпламлари билан тамомланади. Барги оддий, икки марта патсимон ажралган бўлиб, пояда бандсиз кетма-кет ўрнашган. Гуллари саватчага тўплланган. Саватчалар ўз навбатида қалқонсимон тўп гулни ташкил этади. Меваси - ясси, тухумсимон, кулранг писта. Июнь ойидан бошлаб ёз охирларигача гуллайди, меваси августдан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Ўсимлик кенг тарқалган бўлиб, ўрмон, ўрмон-чўл ва чўл худудларида ҳамда тоғли туманларда (тоғ этакларида текисликларда, тоғ ёнбағирларда)

очиқ ялангликларда ва қурук ўтлоқлар, қирлар, йўл ёқалари, ўрмон четлари ва бошқа ерларда ўсади.

Сурхондарё вилоятининг Хисор тоғ тизмасида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Шеробод, Бойсун, Олтинсой, Сариосиё туманлари тоғ олди худудлари ва маданий экинзорлар, боғлар орасида учрайди.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот ўсимликнинг ер устки қисмидан (поянинг юқори қисмидан, баргдан ва гул тўпламларидан ҳамда баъзан илдизолди тўп барглардан) иборат. Маҳсулот таркибида каротин, К ва С витаминлар, ахиллеин ва бетоницин алкалоидлари, 0,8% гача эфир мойи, матрикарин изомери, миллефин лактони, 0,31% холин, аспарагин, смола, ошловчи, аччиқ (прохамазулен-ахиллин) ва бошқа моддалар бўлади.

Маҳсулотнинг доривор препаратлари меъда-ичак (меъда яраси ва гастрит ҳамда шиллиқ қаватнинг яллиғланиши) касалликларини даволаш, иштаха очиш ва қон тўхтатувчи дори сифатида (ичақдан, бачадондан ва геморроидал қон оқиши) ҳамда бурун, милк ва яралар қонагандга уни тўхтатиш учун ишлатилади.

Пиёз- *Allium kugitangi* F.O. Khass.



Ботаник тавсифи. Пиёз-*Allium kugitangi* F.O. Khass. пиёзгулдошлар оиласига киради. Кўп йиллик, пиёзбошли, бўйи 20-70 (баъзан 100) см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, цилиндрический бўлиб, тахминан ярмисигача барг қини билан ўралган. Барги чизиксиз, ясси ёки тарновсиз, ўтқир учли. Пиёзнинг баъзи навларини барг кўлтиғида пиёзчалари бўлади. Гуллари оддий соябонга тўпланган. Соябон тушиб кетадиган битта баргли қинга ўралган. Гул бандларининг оралиғида майдо пиёзчалар бор. Гулқўрғони оддий, 6 та оқ рангли тожбаргдан ташкил топган. Оталиги 6 та, оналик тугуни уч хонали, юқорига жойлашган. Меваси - кўп уруғли кўсак. Кўпинча мева тумайди.

Географик тарқалиши.

Ватани Жанубий Осиё. Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида учрайди.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот тухумсизмон, устки томонидан оқиши пўст билан ўралган пиёзбошидан иборат. Маҳсулот таркибида 0,3% аллиин, 0,4-2% эфир мойи, 10 мг % витамин С, фитонцилар, фитостеринлар, 0,06% ёғ, оз микдорда йод ва бошқа моддалар бўлади. Эфир мойи 6% аллилпропилсульфид, 60% диаллилдисульфид, 20% диаллилтрисульфид ва 20% га якин бошқа полисульфидлар аралашмасидан ташкил топган. Аллиин кристалл ҳолидаги бирикма бўлиб, аллиназа ферменти таъсирида аллицинга, пироузум кислотага ва аммиакка парчаланади. Ўсимликнинг доривор препаратлари артериосклероз, гипертония, колит, ўпка сили касалликларида ишлатилади; гинекологияда трихомонада колпитида қўлланилади ҳамда острицаларни ўлдириш учун клизма қилинади. Маҳсулот препаратлари ва майдаланган пиёзбоши йирингли яраларни даволашда ҳам қўлланилади. Пиёзбоши бактерицид, фунгицид, простистоцид хоссасига ва гижжаларни ҳайдаш таъсирига эга.

Доривор гулхайри-*Althaea officinalis* L.



Ботаник тавсифи. Кўп йиллик илдизпояли ўсимлик, илдизлари қўнғир-сарик рангда, йўғон бўлиб ўсади. Барглари навбатма-навбат жойлашган бандлари бор, узунлиги 5-15 см, майин туклар билан қопланган. Гуллари оч пўшти, диаметри 20-30 мм, кўш косачали, чангчилари кўп, уруғчиси билан бирга ўсиб, битта найча хосил қилган. Мевалари ясси. 15-25 дона айрим-айрим уруғларга

бўлинади. Июл ойидан то сентябр ойигача гуллайди, июлдан мева туга бошлайди.

Географик тарқалиши. Ўзбекистоннинг тоғ олди сернам ва сувга яқин жойларида ўсади, баъзан қалин чангалзорлар ҳосил қиласди.

Сурхондарё вилоятининг Кўхитанг ва Бойсун тоғларида ҳамда Тўпаланг дарёси ҳавзаларида ўсади.

Ишлатилиши. Илдизларидаги қанд, шилимшиқ моддалар, крахмал, аспарагинат кислота, бетаинлардан сил, бронхиал астма, йўтал ва кўкрак оғриғи, томоқ, простата бези ўスマларида, плеврит, бронхлар ва ўпка шамоллашида, қўймич нерв яллиғланишида, қовуқда тошлар пайдо бўлганида фойдаланилади.

Бодом - *Amygdalus communis* L.



Ботаник тавсифи. Бодом - *Amygdalus communis* L. раънгудошлар - Rosaceae оиласига киради. Бодом дараҳтининг бўйи - 2-5, баъзан 8 м бўлади. Новдалари қизғишижигарранг, шоҳларининг пўстлоғи кулранг-қўнғир, танасиники эса қорамтири. Барги оддий, ланцетсимон ёки энсиз эллипссимон, ўткир учли, чети эса ўтмас, майда тиҳсимон бўлиб, банди билан поядга кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ ёки оч пушти рангда бўлиб, шоҳларида якка-якка жойлашган. Гулқўрғони мураккаб, тўғри, косача ва тожбарглари 5 тадан, бирлашмаган, оталиги кўп сонли, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси - қийшиқ ёки чўзиқ тухумсимон данакли мева.

Географик тарқалиши. Аччиқ бодом ёввойи ҳолда тоғ ёнбағирларида ва денгиз сатҳидан 800-1800 м баландликдаги тоғли туманларда ўсади. Аччиқ бодом асосан Ўрта Осиё тоғларида (Тяньшань, Помир-Олой, Копетдаг), Озарбайжоннинг жанубий қисми, Жанубий Арманистонда ўсади. Аччиқ ва чучук бодом Ўрта Осиёда, Кавказда ва Кримда кўп ўстирилади.

Сурхондарё вилоятининг Кўхитанг ва Ҳисор тоғлари тизмасида учрайди.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот данакдан ажратиб олинган тухумсимон, чўзиқ, ясси бодом уруғидан иборат. Ҳар иккала бодом уруғи таркибида 45-62% мой, витамин B₂, 20% оқсил моддалар, 2-3% сахароза ва эмульсия ферменти бўлади. Аччиқ бодом уруғида яна 2,2-3,5% амигдалин глюкозиди учрайди. Тиббиётда ишлатиладиган бодом мойи совуқ пресслаш усули билан олинади. Аччиқ бодом уруғидан мой олаётганда сув аралашиб кетишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда сув амигдалинни парчалайди ва ажралиб чиқкан маҳсулотлар мойга ўтади. Мой заҳарли бўлиб қолади. Пўсти олиб ташланган чучук бодом уруғидан тайёрланган эмульсия меъда ва ичак оғриқларини қолдириш учун, бодом мойи эса ич юмшатувчи дори сифатида кўлланилади. Фармацевтикада бодом мойи баъзи дорилар (камфора ва бошқалар) ни эритиш ҳамда суртма тайёрлаш учун ишлатилади. Аччиқ бодом уруғи кунжарасидан олинган аччиқ бодом суви оғриқ қолдириш учун ва тинчлантирадиган дори сифатида кўлланилади. Чучук бодом озиқовқат саноатида ва парфюмерияда ишлатилади.

Аччиқ шувоқ (эрмон) - *Artemisiae absinthium* L.



Ботаник тавсифи. Аччиқ шувоқ (эрмон) - *Artemisiae absinthium* L. қоқиётдошлар - Asteraceae оиласига киради. Аччиқ шувоқ (эрмон) кўп йиллик, бўйи 50-100 см га етадиган ўт ўсимлиқ. Илдизпояси калта ва шоҳланган, ундан илдизолди барглар, гул ҳосил қилувчи бир нечта узун поялар ва баргли калта поялар ўсиб чиқади. Пояси тик ўсувчи, бир оз қиррали бўлиб, юқори қисми шоҳланган. Илдизолди барглари узун бандли, учбурчак-юмалоқ кўринишда, икки-уч марта патсимон ажралган. Поядаги қисқа бандли барглари ҳар хил шаклда: поянинг пастки қисмидагилари икки марта патсимон

ажралган, ўртадагилари патсимон ажралган, юқоридагилари уч бўлакли. Баргнинг айрим бўлаклари ланцетсимон ёки чизиқсимон, тўмтоқ учли, текис, айрим бўлаклари баъзан тиҳсимон қиррали. Эрмон ўсимлигининг поя ва баргларида туклар кўп бўлганидан кумуш рангда кўринади. Гуллари майда, шингилга жойлашган, шарсимон, пастга қараган, диаметри 3 мм ли саватчага тўпланган. Саватчалардан ташкил топган шингиллар рўваксимон гул тўпламини ҳосил қиласди. Саватчадаги ҳамма гуллари сарик рангда, найчасимон, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси - ўткир учли, чўзинчоқ, кўнғир рангли писта. Июль-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Аҳоли яшайдиган жойларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда, ўрмон четларида, сув бўйларида ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Айниқса, Россиянинг Европа қисмида (шимолий туманлардан ташқари), Молдова, Украина, Белорус республикаларида, Кавказ, ўарбий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кўп бўлади. Маҳсулот асосан Украина, Молдова, Краснодар ўлкаси, Россиянинг Европа қисмида тайёрланади.

Сурхондарё вилоятининг тоғли худудларида ва Тўпаланг дарёси ҳавзасида учрайди.

Ишлатилиши. Маҳсулот аччиқ шувокнинг айрим ер устки қисми ва айрим илдизолди баргларидан иборат. Аччиқ шувоқ ўсимлигининг ер устки қисми таркибида 0,5-2% эфир мойи (абсентол), аччиқ гликозидлар (0,09-0,525% абсентин, 0,03% анабсентин), хамазулен, прохамазуленоген, артабсин, каҳрабо, олма ва аскорбин кислоталар, каротин, арабсин ва бошқа лактонлар, артемизетин flavonoиди ҳамда ошловчи моддалар бўлади. Аччиқ шувоқ ўсимлигининг препаратлари иштаҳа очадиган ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берувчи дори сифатида ҳамда жигар, ўт пуфаги ва гастрит касалликларида ишлатилади. Ўсимликдан олинган хамазулен бронхиал астма, ревматизм, экзема касалликлари ва рентген нури таъсирида куйган ерларни даволашда қўлланилади.

Қорақанд, коразирк -*Berberis oblonga* Schneid.




Ботаник тавсифи. Баргини тўқадиган сертикан бўлиб, бўйи 1,5-4 м га боради. Шохлари тўғри ўсади, узунлиги 1-2 см га борадиган тиканлари бор, ён шохлари сарғиш, қишлиб чиққан шохлари кулранг тусда. Барглари навбатма-навбат жойлашган, эллипсимон, майда тишчали, узунлиги 10 см гача борадиган бандлари бор. Тўпгуллари оддий, 10-20 гулдан ташкил топган бўлиб, мевалари етилганда осилиб туради. Гуллари оқишибар, хидли, меваси қора ва қизил рангли, нордон резавор мева. Май-июнда гуллайди. Мевалари июл-августда етилади.

Географик тарқалиши. Қрим, кавказда, Ўрта Осиёнинг барча худудларида, Приморье ўлкасида, Хабарск ўлкасининг жанубий қисми, МДХ нинг Европа қисми марказий минтақаларида ўсади.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Мачай ва Қизилнавр қишлоқлари атрофида тарқалган.

Ишлатилиши. Барг, гул, меваларидаги алкалоидларидан берберин, пальметин, колумбамин, ятрорицин ва оксиакантин юракка қувват бериш учун, неврастенияяда ишлатилади, иссиқни туширишда, диабет ва ич суришига қарши таъсир кўрсатадиган восита сифатида ишлатилади.



Ковул-*Capparis spinosa* L.

Ботаник тавсифи. Ўсимлик сершох бўлиб, ўсадиган, кўп ийллик, тиканакли ўсимлик, бўйи 150 см гача боради. Барглари думалоқ, тескари тухумсимон ёки эллипссимон, кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ, тўрт баргли. Мевалари-тескари тухумсимон шаклда бўладиган кўп уруғли мева. Май-июнда гуллайди, июл-августда мева тугади.

Географик тарқалиши. Ўрта Осиёнинг ҳамма районларида, Кавказ ва Қrimda учрайди. Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси ҳудудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида ва Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида ўсади.

Ишлатилиши. Илдизларидағи С витамин, пўстлоғида алкалоидлар, стахидрин, каротин, сапонинлар, флаваноидлар, рутин моддаларидан қабзият, сариқ касаллиги, заҳмга даво сифатида фойдаланилади.

Оддий қора зира - *Carum carvi* L.



Ботаник тавсифи. Оддий қора зира - *Carum carvi* L. селдердошлар -*Apiaceae* - оиласига киради. Икки ийллик, бўйи 30-80 см га етадиган ўт ўсимлик. Биринчи йили илдизидан илдизолди барглар, иккинчи йили эса илдизолди барглар ҳамда поя ўсиб чиқади. Пояси тик ўсуви, цилиндрисимон, кўп киррали, юқори қисми шохланган. Илдизолди барги узун бандли, поядагилари эса қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Барги 2 ва 3 марта чизиқсимон барг бўлакларига ажралган. Гуллари майда бўлиб, мураккаб соябонга, тўпланган. Косачабарглари аниқ билинмайдиган, тожбарги оқ ёки пушти рангда, оталиги 5 та, оналик тугуни 2 хонали, пастга жойлашган. Меваси -чўзиқ қўшалоқ писта. Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси июль-августда пишади.

Географик тарқалиши. Ўрмонларда, ўрмон четларида ва ўтлок ерларда ёввойи ҳолда ўсади. Асосан Украина, Белорус, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон чўл зоналарида, Сибирнинг жанубида, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида учрайди. Россия, Украина, Белорус республикаларида ўстирилади.

Сурхондарё вилоятининг Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғлари ҳудудида ҳамда Тўпаланг дарёси ҳавзасида учрайди.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот ён томонлари ўроққа ўхшаб бир оз эгилган, чўзинчоқ, қўшалоқ пистадан иборат. Мева таркибида 3-7% эфир мойи, 14-22% ёғ, 20-23% оқсил моддалар, флавоноидлар (кверцетин ва кемферол) ҳамда ошловчи моддалар бўлади. Мева таркибидаги эфир мойининг миқдори 2% дан кам бўлмаслиги лозим. Қора зира мевасининг препарати ичак атониясини даволашда, оғриқ қолдирувчи ҳамда овқат ҳазм қилишни яхшилаш учун, меваси баъзан бошқа доривор ўсимликлар билан бирга сийдик ва ел ҳайдовчи восита сифатида, шунингдек, меъда касалликларида, мева суви эса ичак санчиғида (айникса, болаларда), тиш оғриғида ва миозитда ишлатилади (баданинг яллиғланган жойига суртилади). Қора зира меваси озиқ-овқат, парфюмерия ва бошқаларда ҳам катта аҳамиятга эга.

Қизилча- *Ephedra equisetina* Bge.



Ботаник тавсифи. Шохлари қалин бўлиб, бўйи 1,5 м гача етадиган анча йирик бута ўсимлик. Танаси анча йўғон, шохларининг пўстлоғи кулранг тусда, уларнинг яшил рангда буладиган хивичга ўхшаш шохчалар чиқади. Барглари қарама-қарши жойлашган, аксари редукцияланиб кетган. Гуллари айрим жинсли майда гуллар бўлиб,

шохларида худди бошоқчаларга ўхшаб туради. Меваси –бужурсимон мева. Уруғлари түқ жигарранг тусда бўлиб, тухумсимон учи ўткирлашиб кетган. Май-июнда гуллайди, июл-августдамевалари етилади.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик Ўрта Осиёдаги тоғларда, Шарқий Тянь-Шань, Хитой, Озарбайжон, Жанубий Қозогистон ва Догистонда учрайди.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида. Тўпаланг дарёси ҳавзаларида, Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида, тоғ ва тоғ олди худудларида ва адирликларида тарқалган.

Ишлатилиши. Яшил новдалари асосан қишида териб олинади, шу даврда таркибидаги алкалоидлар кўпроқ бўлади. Алкалоидлардан –эфедрин ва псевдоэфедрин, меваларида аскорбинат кислота, шунингдек ошловчи моддалар, пирокатехин моддалари бор.

Эфедрин гидрохлориднинг нерв ва юрак қон-томир тизимини қувватлайдиган таъсир кўрсатиши аниқланган. Баданга эшакем тошганда, тумовда анча самарали ҳисобланади.

Чаканда - *Hippophae rhamnoides* L.



Ботаник тавсифи. Чаканда жийдадошлар-*Elaeagnaceae* оиласига мансуб бўлиб, бўйи 4-6 м га етадиган икки уйли бута ёки кичик дараҳт. Пояси сершоҳ ва тиканли бўлиб, кўнғир -яшил пўстлоқ билан қопланган. Барглари чизиқсимон-ништарсимон ёки чизиқсимон, юқори томони кулранг-тўқ яшил, пастки томони бир оз сарғиши кўнғир-кулранг ёки оқ тусли, текис қиррали бўлиб, поя ва шохларига қисқа банди ёрдамида кетма -кет ўрнашган. Гуллари бир жинсли, майда ва кўримсиз, калта бошоқчага (чангчигуллари) ёки 2-5 тадан шохчалар қўлтиғида (урӯғчи гуллари) жойлашган. Меваси думалоқ ёки чўзинчоқ, тўқ сариқ ёки кизгиш рангли, серсув, данакли мева. Чаканда апрель - май ойларида гуллайди, меваси август - октябрда пишади.

Географик тарқалиши. Чаканда кенг ареалли ўсимлик ҳисобланади, у МДҲ нинг Европа қисмида, Карпатда, Кавказда, Қора денгиз атрофларида, Марказий Осиёда, Болтиқ бўйида, Сибирь ва Олтойда дарё, кўл ва денгизларнинг шағалли ва қумли қирғоқларида, текислик ва тоғлардаги тўқайзорларда ўсади.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг Кенгтала, Қизилнавр, Ўрикли қишлоқлари атрофида ва Тўпаланг дарёси ҳавзасида тарқалган.

Ишлатилиши. Тиббиётда меваси ва улардан олинадиган чаканда мойи ҳамда барги қўлланилади. Мевалари тўлиқ пишганда, баъзан совук тушгандан сўнг йигилади. Чаканда мойи радиоактив нур таъсиридан заарланган тери, шиллиқ қаватлар (қизилўнгач, меъда), меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, баъзи гинекологик касалликлар ҳамда витаминалар этишмаслигидан келиб чиқсан авитаминоз ва бошқа касалликларни даволаш учун қўлланилади. Чаканда мойи оғриқ қолдирувчи ва ярани тез битирувчи ва тўқималарни регенерациясини тезлаштирувчи таъсирга эга. Шунинг учун уни меъда ва қизилўнгач шиллиқ қаватлари ярасини битириш учун ичилади, куйган жойга, ярага босилади. Чаканда мевасини Марказий Осиё ҳалқлари қадимдан оғриқ қолдирувчи, цинга ва милк қонашини, меъда касалликларини даволовчи восита сифатида ишлатиб келадилар. Баргининг қайнатмаси билан бод касаллигини даволаганлар. Бунинг учун барг қайнатмасидан шифобахш ванна қилинади ёки баданнинг оғриган жойига иссиқ қайнатмага ботирилган мато боғлаб қўйилади. Барги таркибида 230-370 мг% С витамини, флавоноидлар (кверцетин, изорамнетин, мирицетин ва бошқалар), галлат кислотаси, 8-9% ошловчи ва бошқа биологик фаол моддалар бўлади. Ҳозирги пайтда Республика мизада

чакандани саноат миқёсида ўстиришга ва фармацевтика саноати учун хом-ашё базасини яратишга харакат қилинмоқда.



Далачай, чойчуп, қизилпойча - *Hypericum scabrum* L.

Ботаник тавсифи. Далачай, чойчуп, қизилпойча - *Hypericum scabrum* L. далачайдошлар -*Hypericaceae* оиласига киради. Далачай турлари күп йиллик, бўйи 30-100 см га етадиган ўт ўсимлиқ. Илдизпояси ва илдизи сершох. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, силлик, туксиз, қиррали бўлиб, юқори қисми қарама-қарши шохланган. Барги оддий, чўзиқ-тухумсимон, текис қиррали бўлиб, поядা бандсиз қарама-қарши жойлашган. Гуллари тилла сарик рангда, бўлакли, қалқонсимон рӯвакка тўпланган. Меваси - уч хонали, кўп уруғли, пишганда очиладиган кўсакча. Уруғи майда, чўзинчоқ ва чуқурчали бўлиб, кўнғир рангга бўялган. Июнь-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Далачай турлари йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, ўрмонларда, ўрмон четларида, буталар орасида ўсади. Асосан Украина, Белорус, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Европа қисми ва ғарбий Сибирнинг ўрмон, ўрмон-чўл зонасида, Кавказда ҳамда Ўрта Осиёда учрайди.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон-Шеробод воҳасининг адирларида, тоғ, тоғ олди худудларида ва Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Пояси цилиндсимон, юқори қисми шохланган, икки қиррали ва туксиз. Тайёр маҳсулот барг, гул, пишмаган мева аралашмаларидан ҳамда қисман баргсиз поядан иборат. Маҳсулот таркибида 10-12,8% ошловчи моддалар, 0,1-0,4% атрацен унумлари, флавоноидлар жуда оз мидорда алкалоидлар ва 10% гача смола бўлади. Маҳсулотнинг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик ва яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга. Тиббиётда меъда-ичак (колит, ич кетиши), оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматит) касалларини ҳамда II ва III даражали қуишишларни даволашда, шунингдек, оғизни чайиш учун ишлатилади. Ўсимликнинг ер устки қисми бактерицид таъсирга эга.

Иссоп, доривор кўкўт - *Hyssopus zeravshanicus* Pazij.



Ботаник тавсифи. Иссол, доривор кўкўт - *Hyssopus zeravshanicus* Pazij. - лабгулдошлар (*Lamiaceae*) оиласига киради. Ўткир ҳидли, кўп йиллик, бўйи 85-90 сантиметр бўлган, доим яшил чала буга. Илдизи ўқ илдизли. Поясининг асосий қисми ёғочланган, шохланган 4 қиррали. Барглари қарама-қарши жойлашган, бандсиз ёки калта бандли ланцетсимон ёки чизиқсимон, четлари бир оз пастга қайрилган. Унинг гуллари сиёҳ ранг, пушти ранг барглар ораларида 3-7 тадан сохта мутовкаларга тўпланган. Мутовкалар бошоқсимон, узунлиги 20-22 сантиметрга борадиган соябонларни ташкил қиласиди. Меваси 4 та аниқмас қиррали, тухумсимон ёнфокчадан иборат. Узунлиги 2,5-3 мм бўлиб, ёнфокчаларнинг усти нотекис, ранги тўқ-кўнғир ёки кўнғир қора.

Географик тарқалиши. Доривор иссол Крим, Кавказ, Молдова, Жанубий Европа, Ўрта Ер денгизи атрофларидағи мамлакатларда ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларида ўстирилади.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғ, тоғ олди худудларида, адирликларида ва Бойсун-Чўлбайир тоғлари тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Баргода 0,90-1,98 фоиз эфир мойи, ошловчи моддалар, кислоталар ва гулида flavonoид-диосимин, иссонин ва глюкоза бор. Доривор иссоннинг эфир мойи фармацевтикада асосан суртмаларнинг, қисман сиртга ишлатадиган бошқа дориларнинг ҳидини яхшилаш учун ишлатилади. Эфир мойи антисептик хусусиятга эга бўлганидан куйган жойларни тузатувчи восита сифатида фойдаланилади. Тиббиётда кўкрак органлари, нафас сиқилиши, бронхит ва бронхиал астма касалликларни тузатища ишлатилади. Иссон мойи озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Қораандиз- *Inula helenium* L.



Ботаник тавсифи. Баланд бўйли андиз қоқиўтдошлар - Asteraceae оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, бўйи 150-160 см, йўғон, қисқа, этдор, кўбошли илдизпояга эга. Тик пояли, қалин, оқ туклар билан қопланган. Барглари пояда навбат билан жойлашган, йирик. Гуллари саватчада тўпланган, унинг диаметри 8 см. Меваси тўрт қиррали, донча, узунлиги 4-5 мм. Июль-сентябрь ойларида гуллаб, август-октябрда мевалайди.

Географик тарқалиши. Даشت ва тоғли минтақаларнинг куи ва ўрта қисмларида, ҳамда сернам жойларда дарё ва кўл бўйларида ўсади.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Инулин, алантовой мойи, алантолактон, геленин моддаларидан антисептик сифатида ва сил касалликларида фойдаланилади.

Мойчечак - *Matricaria disciformis* (C.A. Mey) DC.

Ботаник тавсифи. Мойчечак - *Matricaria disciformis* (C.A. Mey) DC. Қоқиўтдошлар- Asteraceae оиласи киради. Доривор мойчечак бўйи 15-40 см га етадиган бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, сершох, ичи ковак. Барги икки марта патсимон ажралган, сегментлари ингичка чизиқсимон, ўткир учли. Поя ва шохчалари узун бандли (яшил мойчечакники калта бандли) саватчага тўпланган гуллар билан тамомланади. Саватча четидаги гуллари оқ, тилсимон, ўргадагилари эса икки жинсли, сарик, найчасимон. Меваси - қўнғир-яшил писта. Май оидан бошлаб кузгача гуллайди.

Географик тарқалиши. Мойчечак кенг тарқалган бўлиб, у асосан ўтлоқларда, экинзорларда (бегона ўт сифатида), йўл ёқаларида ўсади. Асосан Россиянинг Европа қисмининг жанубида, Кавказ, Крим, Украина, Сибирнинг жанубий туманлари ва Ўрта Осиёда учрайди. Махсулот асосан Украянанинг жанубида (Крим, Херсон, Николаев, Одесса вилоятларида), камроқ Краснодар ўлкасида, Ростов вилояти, Молдова республикаси ва бошқа ерларда тайёрланади. Мойчечак жуда тез кўпаяди. Мойчечакка талаб кўп бўлганидан Украина, Белорус ва бошқа ерларда ўстирилади.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун-Чўлбайир ва Ҳисор тоғ тизмаларида тарқалган.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот саватчага тўпланган гуллардан иборат. Доривор мойчечак саватчасининг диаметри 4-8 мм, ярим шарсимон бўлиб, ўрама барглари черепицага ўхшаб жойлашган. Саватчага тўпланган гуллар таркибида 0,22-0,8%) эфир мойи, апиин, кверцимеритрин, кверцетин, лютеолин ва бошқа (35 тача бирикмалар)



флавоноидлар, гвайянолид гурух лактонларидан матрикарин ва матрицин, гетероциклик ҳалқали полиин лактонлар, прохамазулен, қумаринлар (умбелли-ферон, герниарин), диоксикумарин, каротин, витамин С, шиллик, аччиқ ва бошқа моддалар бўлади. Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолиши (ичаклар спазми) га, микробларга, аллергияга ва яллиғланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Шунинг учун унинг доривор препаратлари меъда-ичак (ичак ёпишиб қолганда ва ич кетганда) ва гинекологик касалликларни даволашда ҳамда тер ва ел ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, мойчечак гули юмшатувчи, антисептик ва яллиғланишга қарши (офиз, томоқни чайқашда, шифобахш ванна ҳамда клизма килишда) восита сифатида кўлланилади. Мойчечак гули таркибидаги кимёвий бирикмалар комплекси (хамазулен, матрицин, апигенин, герниарин ва бошқалар) таъсир этувчи қисм хисобланади. Хамазулен тинчлантирувчи хоссага ҳамда ичакларнинг ёпишиб қолиши, аллергияга ва яллиғланишига қарши таъсирга эга. Апигенин, апиин ва герниаринлар ҳам ичакларнинг ёпишиб қолишига қарши таъсир қиласи.

Доривор қашқарбеда- *Melilotus officinalis* Descr.



Ботаник тавсифи. Доривор қашқарбеда- *Melilotus officinalis* Descr. Бурчоқдошлар - *Fabaceae* оиласига киради. Икки йиллик, бўйи 50-100 см га (баъзан 2 м га) етадиган ўт ўсимлик. Илдизи сершоҳ, ўқ илдиз. Пояси битта ёки бир нечта, қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги уч пластинкали мураккаб барг, пояда банди билан кетма-кет ўрнашган. Баргчasi тескари тухумсимон, тухумсимон ёки чўзиқ ланцетсимон, текис қиррали ёки майда аррасимон-тишсимон қиррали ва туксиз бўлиб, узунлиги 3 см. Баргда ингичка, текис қиррали қўшимча баргчалар бор. Гуллари майда, сарик, шингилга тўпланган. Гулкосачаси ярмисигача учбурчак ланцетсимон шаклдаги 5 бўлакка қирқилган. Гултожиси капалак-гулдошларга хос тузилган. Оталиги 10 та, шундан биттаси бирлашмаган, қолганлари бирлашган. Оналик тугуни бир хонали, юқорига жойлашган. Меваси - тухумсимон, кўндалангига буришган, қулранг тусли, туксиз, бир уруғли дуккак. Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, уруғи эса август ойидан бошлаб етилади.

Географик тарқалиши. Йўл ёқаларида, ўтлоқларда, экинзорларда ўсади. Асосан Украина, Белорус, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлар, Россиянинг Европа қисмida, ўарбий Сибирда, Кавказда ва Ўрта Осиёда учрайди.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Бойсун-Чўлбайир тог тизмаларида, Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғ, тоғ олди худудларида, адирларида учрайди.

Ишлатилиши. Махсулотнинг ташки кўриниши. Тайёр маҳсулот майдаланган барг ва гул аралашмаларидан иборат. Махсулотнинг ёқимли ҳиди, шўр ва аччиқ мазаси бор. Махсулотга қашқарбеданинг бошқа турлари (*Melilotus dentatus* Pers. - гули ҳидсиз, қўшимча барги тишсимон қиррали, *Melilotus albus* Desr. -гули оқ рангли) аралашиб қолмаслиги лозим. Махсулотнинг доривор препаратлари юмшатувчи ва таъсирловчи дори сифатида яраларни даволаш учун (йирингни сўриб олишда) кўлланилади. Дикумарол қонни ивитмайдиган таъсирга эга, у кумаринга нисбатан 1000-5000 марта кучли таъсир қиласи. Шунинг учун дикумарол антикоагулянт (қон ивишга қарши таъсир этувчи) препарат сифатида ишлатилади.



Тоғрайхон, жамбил-*Origanum tytthanthum* Gontsch.
Ботаник тавсифи. Тоғрайхон, жамбил-*Origanum tytthanthum* Gontsch. ялпиздошлар - *Lamiaceae* оиласига киради. Кўп йиллик, бўйи 30—60, баъзан 90 см га етадиган хушбўй ўт ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсувчи, юқори қисми сершоҳли, тукли ва тўрт қиррали бўлади. Барги оддий, чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали бўлиб, банди билан поядаги қарама-қарши ўрнашган. Гуллари майда, барг қўлтиғида 2-3 тадан жойлашиб, қалконсимон тўпгул ҳосил қиласиди. Қалқонсимон тўпгуллар поя учида рўваксимон тўпгулни вужудга келтиради. Меваси - косачабарг билан бирлашган тўртта ёнғоқча. Июнь ойидан бошлаб сентябргача гуллайди.

Географик тарқалиши. МДҲнинг Европа қисмидаги (шимол қисмидан ташқари), Кавказда, Сибирнинг жанубий туманларида ҳамда қисман Қозоғистон ва Қирғизистоннинг айрим туманларида учрайди. Қуруқ, очик ўтлоқларда, қуруқ ўрмон ва ўрмон ёқаларида, тепаликлар, қиялар, тошлоқлар ҳамда бутазорларда ўсади. Тоғрайхон айниқса, Украина, Белорус, Шимолий Кавказ, Волга бўйи ўрта қисмидаги туманлар, Бошқирдистонда кўп ўсади ва шу ерларда тайёрланади.

Сурхондарё вилоятининг Ҳисор тоғларида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон давлат қўриқхонаси худудида. Бойсун-Чўлбайир тоғида ва Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғ, тоғ олди адирларида тарқалган.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот барг ва гуллар аралашмаларидан ташкил топган. Маҳсулот таркибида 0,12-1,20% эфир мойи, ошловчи моддалар, аскорбин кислота (гулида 166 мг %, баргидаги 565 мг % гача) ва фенол-карбон кислоталар бўлади. Тиббиётда тоғрайхондан тайёрланган препаратлар ичак атонияси (ичакнинг бўшашиши, заифланиши) касаллигига ҳамда иштаҳа очувчи ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, у балғам кўчирувчи дори ва терлатувчи восита сифатида ҳам кўлланилади. Эфир мойи эса тиш оғригини қолдириш учун ишлатилади.



Оддий исирик- *Peganum harmala* L.
Ботаник тавсифи. Оддий исирик (*Peganum harmala* L.) – *Peganaceae* оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Хиди ўзига ҳос кучли, бўйи 40-70 см га етади. Илдизи ёғочлашган, йўғон (эни 3-5 см), тупроққа 5 м чуқурликкача кириб бора олади. Поялари сершоҳ, силлиқ, сербарг. Барглари бандсиз, поядаги навбатма-навбат жойлашган, бўйи 4-5 см, эни 5-6 мм. Гуллари кўп сонли, оқ рангли поя ва новданинг учки қисмига жойлашган. Меваси 3 уяли, яssi қўсак, диаметри 0,6-1 см, уруғининг сони кўп. Май-июль ойларида гуллайди, июнь охиридан то августгача мевалайди. Тиббиётда асосан унинг яшил қисми, баъзан уруги ишлатилади.

Географик тарқалиши. Исирик Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерида тарқалган, кўп ҳолларда зич ўсимлик қопламини ҳосил қиласиди. Бу ўсимлик бегона ўт сифатида ялов, дашт ва чўлларда ўсади.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон-Шеробод воҳасининг адирликларида, чўлларида, тоғ олди худудларида ва Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Алкалоидлар (гармин, пеганин, дезоксипеганин, вазицин), ёғ моддалари мавжуд. Гармин алкалоидининг хлоргидрат тузи энцефалит касаллигининг

асоратини, тутқаноқ, қалтироқ, Паркинсон, миастения, миопатия ва бошқа мускул қасаллукларини ҳамда неврит каби асаб қасаллукларида ишлатилади.

Катта зубтурум - *Plantago major* L.



уруғли күсакчы. Май-июнь ойларida гуллайди.

Географик тарқалиши. МДҲнинг ҳамма туманларида йўл ёқаларида, далаларда, экинзорларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида, ариқ бўйларида ҳамда бошқа нам ерларда ўсади.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғ, тоғ олди худудларида ва Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Ўсимлик барги йил бўйи йиғилади. Юпқа қилиб ёйиб, соя ерда қуритилади ёки ишлатилади. Махсулот таркибида ауқубин (ринантин) гликозиди, аччиқ, шиллиқ ва ошловчи моддалар, флавоноидлар (апигенин, гомоплантагенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари ва бошқалар), каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталар, фактор Т ва витамин К бўлади. Зубтурум ўсимлигининг доривор препаратлари яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи восита (барг дамламаси) сифатида, меъда-ичак қасаллуклари (сурункали гипоацидли гастрит, нормал ва кам кислоталик шароитдаги меъда-ўн икки бармоқ ичак яраси)ни (плантоглюцид препарати), анацид гастрит, сурункали ва тузалиши қийин бўлган колит ҳамда яраларни (қуритилмаган барги ва бурга зубтурумнинг қуритилмаган ер устки қисмининг ширалари биргаликда) даволашда кўлланилади.

Итбурун наматак- *Rosa canina* L.



сертур бўлиб, бурчаксимон август-сентябрда пишади. Наъматак турлари ўрмонларда, ариқ бўйларида, буталар орасида, тоғларнинг қуруқ тошлоқ ён бағирларида ва бошқа ерларда ўсади. Наъматакнинг

айрим турлари бир-биридан мевасининг, новда пўстлоғидаги тиканнинг ранги, шакли, катта-кичиликлиги ҳамда новдадаги тиканлар сони ва жойлашишига қараб фарқ қиласди.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик Молдова, Украина, Белорус, Болтиқ бўйи, Россиянинг Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон-чўл зонасида, ғарбий ва Шарқий Сибирда, Қоғозистонда учрайди.

Сурхондарё вилоятининг Сурхон давлат қўриқхонаси худудида, Тўпаланг дарёси ҳавзасида, Сурхон-Шеробод воҳасининг тоғ, тоғ олди худудларида ва Бойсун-Чўлбайир тоғ тизмаларида учрайди.

Ишлатилиши. Наъматак ўсимлигининг меваси таркибида бир неча хил витаминлар аралашмаси бор, шу сабабли препаратлари авитаминоз касалликларини даволашда ва олдини олишда ишлатилади. Бундан ташқари, наъматак меваси кондитер саноатида маҳсулотларни витаминлаштириш учун кўлланилади. Наъматак турларининг мевасидан каротолин препарати ва наъматак мойи тайёрланади. Каротолин меванинг юмшоқ-этли қисмининг мойли экстракти (таркибида асосан каротиноидлар ҳамда токофероллар, тўйинмаган ёғ кислоталар ва бошқа моддалар сақланади) бўлиб, тропик яралар, экзема, эритродермитнинг бაъзи турлари ва яраланган шиллиқ пардаларни даволаш учун суртилади ёки докага шимдирилиб, шикастланган жойга кўйилади. Наъматак мойи маҳсус усул билан мевадан тайёрланади. Мойни тропик яралар, дерматозлар (терининг турли яллиғланиш ва диатез касаллиги), сассик димоғ ярали колит, ётоқ ва бошқа яра, ёрилишларни даволаш учун уларга суртилади ёки докага шимдирилиб, кўйилади



Маврак, зигирак-*Salvia sclarea* L.

Ботаник тавсифи. Маврак, зигирак-*Salvia sclarea* L. ялпиздошлар - *Lamiaceae* оиласига киради. Кўп йиллик, бўйи 20-50 см га етадиган ярим бута. Пояси кўп сонли, шохланган, сербарг, тўрт қиррали, пастки қисми бир оз ёғочланган. Барги оддий, узун бандли, поянинг энг юқори қисмидагилари бандсиз бўлиб, поядга қарама-қарши ўрнашган. Гуллари қисқа бандли, майда, поя ва шохларининг юқори қисмida бошоқсимон доира шаклидаги сохта тўпгул ҳосил қиласди. Гули қийшиқ гулкосачаси икки лабли, сертуқ, гултожиси икки лабли, кўк бинафша рангда, оталиги иккита, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган. Меваси - 4 та ёнғоқчадан ташкил топган. Июнь-июль ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Ўрта Ер денгиз бўйидаги давлатлар. Молдовада, Украина, Краснодар ўлкасида ва Кримда ўстирилади.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Тўда, Кампирчорвоқ, Шерободдаги Зарабоғ, Паҳхурт қишлоқларида ва Кўҳитанг, Ҳисор тоғида ҳамда Тўпаланг дарёси ҳавзасида ўсиши аниқланган.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот узун бандли (2 см), чўзинчоқ ёки кенг ланцетсимон баргдан иборат. Ўсимликнинг барча органларида эфир мойи бўлади. Барг таркибида 0,5-2,5% эфир мойи, алкалоидлар, ошловчи моддалар, flavonoидлар, урсол ва олеанол кислоталар ҳамда бошқа бирикмалар бор. Доривор мармарак баргининг препаратлари буриштирувчи, дезинфекцияловчи ва юқори нафас йўллари яллиғланганда яллиғланишга қарши таъсир этувчи дори сифатида, оғиз (стоматит ва гингивит) ва томоқни чайқаш учун ишлатилади.



Оддий дастарбош - *Tanacetum vulgare* L.

Ботаник тавсифи. Оддий дастарбош - *Tanacetum vulgare* L. Қоқиүтдошлар - *Asteraceae* оиласига киради. Күп ийллик, бўйи 50-150 см га етадиган, ўзига хос ҳидли ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, сершох, туксиз ёки бир оз тукли. Барги оддий, патсимон ажралган, устки томони тўқ яшил, пастки томони кулранг-яшил. Поянинг пастки қисмидаги барглари бандли, ўрта ва юқори қисмидагилари эса бандсиз бўлиб, пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари сариқ, саватчага тўпланиб, қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Меваси - чўзиқ писта. Ўсимлик ёз бўйи гуллайди.

Географик тарқалиши. Молдова, Украина, Белорус, Россиянинг Узоқ Шимол ҳамда Урал, қуи Волга бўйи чўл туманларидан ташқари, ҳамма ерда учрайди. Асосан йўл ёқаларида, аҳоли яшайдиган ерларга яқин жойларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида ва сув бўйларида ўсади.

Сурхондарё вилоятининг тоф шароитида ва Сурхон дарёси ҳавзасида учрайди.

Ишлатилиши. Тайёр маҳсулот ярим шарсимон саватчага тўпланган гуллардан иборат. Саватчадаги гуллар сариқ рангли, найчасимон бўлиб, гул ўрнига жойлашган. Саватча кўндалангига 6-8 мм, кулранг-яшил тусли, ланцетсимон кўринишдаги умумий ўрама баргчалар билан қопланган. Гултўпламлар таркибида 1,5-2% эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, лютеолин, апигенин, хризоэриол, диосметин, изорамнетин, аксилларин ва бошқалар), алкалоидлар, ошловчи моддалар, кўп тўйинмаган боғланишга эга бўлган лактон (полииинли лактон) ва танацетин аччиқ моддаси бўлади. Дезинфекцияловчи, сурункали шамоллашларда ишлатилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ХОМ-АШЁБОП ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

ОДДИЙ ИГИР - АИР ОБЫКНОВЕННЫЙ - *ACORUS CALAMUS L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Игир Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти худудида тарқалган. У турғун ва секин оқадиган сувларда, аллювиал тупроқда: дарёлар қирғоқларида, ирмоқларда, кўл ва дарёларнинг ботқоқлашган қисмларида ўсади. Дарё ва сув омборларида сув сатхининг камайиши ёки тупрокда намликтин камайиши игир экинзорларини йўқолиб кетишига олиб келади. Игир сув танқислигига таъсирчан бўлганлиги боис, сув омборларини қирғоқлари бўйлаб 5-7 м кенглиқдаги ўсимлик жамоаларини ҳосил қиласди. Шу боис игир ўсимлиги жамоасининг майдони бир неча 10 квадрат метрдан ошмайди.



Ҳозирги вақтда бу ўсимликдан хом-ашё жадал равишда тайёрлананаётганлиги сабабли унинг табиий популяциялари майдони кескин қисқариб кетмоқда.

Агротехник тадбирлар. Оддий игир сув – боткоқ ўсимлиги бўлиб, хаётий шаклига кўра гидро-гигрофит ўсимликдир. Республикаиз шароитида ўсимликни зовурлар ичида, кўллар атрофида кўчат-илдизпоядан экиласди. Ўсимликни экиш олдидан ўсиб турган жойларидан чим (30x30) сифатида олиниб,

кўчат-илдизпояга ажратилади. Тахминан ҳар бир чимдан 20-30 дона кўчат-илдизпоя тайёрланади. Бу кўчатлар март-апрель ойларида сув қирғоқларидаги лойга 15-20 см чуқурликда ўтқазилади. Ўсимлик биринчи вегетация йилида мослашиш босқичини ўтайди. 2-3- йилларда тез кўпаяди. Ҳосил 3-4- йилларда тайёр холга келади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 25-30 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Игир хом-ашёсини тайёрлаш ёз ва куз ойларида (июнь - сентябрь) боткоқ ва сизот сувлар қуриган вақтда амалга оширилади. Бунда игир илдизпоясини ковлаб, баъзан эса плуг ёрдамида қазиб олиниади, боткоқ жойлардан эса ҳаскаш ёрдамида йиғиб олиниади. Йиғилган ва тозаланган илдизпояларни очик ҳавода сувсизлантирилади ва қуритилади, сўнгра 20-30 см бўлакларга бўлиниб, ҳаво яхши айланадиган, ҳарорати $30-35^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган хоналарда қуритилади. Игир илдизпояларини тайёрлашда уларнинг хом-ашё захирасини қайта тиклаш учун 3 йилдан кам бўлмаган муддат зарурлигини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Шу боис игир илдизпоясини йиғишида, ўсимлик жамоасининг орасидан 30% дан кам қисминигина йиғиш керак. Мавжуд талаб меъёрига биноан, игир илдизпоясининг бўлаклари 20-30 см узунлиқда, 1-2 см йўғонликда, ташки ранги сарғиш-қўнғир, синдирилганда эса оқ ва пушти-сарғиш рангли бўлиши керак. Ҳиди ўзига ҳос, хушбуй, таъми аччик. Намлик 14% дан ошмаслиги керак. Тозаланган хом-ашёда кесилган илдизпояларнинг қўнғирлиги 5% дан, илдизпояда барг ва илдиз қолдиғи 1% дан, минерал аралашмалар (тупроқ, кум, шағал) 1% дан ошмаслиги керак. Тозаланган илдизпояларнинг таркибида эфир мойларининг миқдори 1,5% бўлиши керак. Хом-ашё қоғоз солинган ёғоч яшикларда 3 йил муддаттагача сакланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Игир илдизпоясидан тайёрланган препаратлардан сурункали гастрит, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яллиғланишида, айниқса, ошқозон шираси кислоталилиги пасайишида ичкетарнинг ҳар хил турларида ва овқат ҳазм қилиш тизимининг бошқа нохуш ҳолатларида кенг қўлланилади. Ўсимлик

препарати холецистит, гепатитнинг турли кўринишида, буйракдаги тош касалликларида қўлланилади. Игир илдизпоясининг кукуни таркибида “Викалин” ва “Викаир” препаратлари компонентларидан бири бўлиб у ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси хасталикларида қўлланилади.

Игир илдизпоясининг таркибида эфир мойи (4,85 %), пинен (1%), камфен (7%), (10%) каламин, (8,7%) камфора, окарон, изоокарон, азарон, проазулин, аскорбин кислотаси ва бошқа моддалар мавжуд. Шунингдек холин, смола, люценин гликозиди мавжуд. Игир ўти крахмалга бой (20% гача).

Тавсиялар. Дарёлар, қўлларнинг қирғоқларида ва тўқай жойларда етишириш мумкин.

ДОРИВОР ГУЛХАЙРИ - АЛТЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ - *ALTHAEA OFFICINALIS L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Доривор гулхайри дашт зоналарда ҳамда Ўрта Осиё ва Кавказнинг айrim худудларида тарқалган. Доривор гулхайри дашт зоналарининг нам

билан яхши таъминланган жойларида , дарё ариқ, қўл бўйларида, ўтлоқларда ўсади. Одатда бу ўсимлик унча катта бўлмаган гурухлар ҳосил қиласди.

Агротехник тадбирлар. Олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гулхайри ҳавонинг ёзги қуруқлигига, тупроқнинг қисқа муддатли қуришига (илдиз тармоқлари яхши ривожланганлиги туфайли) бардош беради, шамолга чидамли, қишки совуқлардан талафот кўрмайди. Ўсимликка хос маҳсус заараркунанда ва касалликлар аниқланмаган.

Доривор гулхайри тупроқнинг унумдорлиги ва таркибига бефарқ ўсимликдир, Республикамиздаги барча турдаги тупроқларда ўстириш мумкин. Фақат шўр тупроқли ва ботқоқ

ерларни ёқтирамайди.

Илдизи 2 ва 3-йили йигиб олинади, уруғи олинадиган далаларда экин 6-8 йил сақланади. Шу боисдан гулхайри полиз-сабзавот экинларидан бўшаган, бегона ўтлардан тозаланган майдонларга экиласди.

Кузги шудгорлаш вақтида ҳар гектар майдонга 90 кг.дан суперфосфат ёки 40 кг.дан гўёнг солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда хайдалади.

Гулхайри уруғи эрта баҳорда (март) ёки кеч кузда (ноябрь) экиласди. Кузда экилганда уруг унувчанлиги яхши бўлади. Баҳорги экишда қийғос униши учун уруг 2-3 соатча 20-25 даража илиқ сувда ивитиб қўйилади, кейин тўшалган брезент ёки бўз устига юпқа қилиб ёйилади, тез қуриши учун дам-бадам аралаштириб турилади. Сочилувчан ҳолга келгач, экиласди. Уруг қадаш чуқурлиги 1 см атрофида, қаторлар оралиғи 60-70 см, гектарига 8-10 кг уруг сарфланади. Сабзавот уруғи экиш ускунаси ёрдамида баҳялаб экиласди. Майсаларида 3-5 тадан чин барг ҳосил бўлгач, эгат олинади ва кетма-кет сув қўйилади. Биринчи суғоришдан 7-10 кундан кейин ягона қилинади ва ҳар 1 метр масофада 5-7 тадан баравж ниҳоллар колдирилади. Ниҳолларнинг бу даражада сийраклантирилиши ўсимликнинг дуркун бўлишини таъминлайди. Иккинчи ва ундан кейинги йилларда ўсимлик бўйи 230-250, эни 110 смга етади.

Гулхайри экилган майдон биринчи йили 4-5 марта юмшатилади (май-август), 8-10 марта суғорилади (май-1, июнь-2-3, июль-3, август-2, сентябрь-1). Иккинчи ва кейинги йилларда 6-8 марта суғорилади (июнь -2, июль -3, август -2, сентябрь - 1), 2-3 марта ўтоқ қилинади (май, июнь). Заруратга қараб ўсимликлар орасидаги бегона ўтлар қўл кучи



билан ўталади. Гулхайри тўпларининг шох-шаббалари бир-бирига туташиб кетганидан кейин майда бегона ўтлар ўсимлик соясида қолиб куриб кетади, ўсиб кетган бегона ўтларгина қўлда юлиб ташланади. Ўсимлик пояси қирқилмай, далада қишга қолдирилади, у корни тутиб қолишида ёрдам беради, қор эриганида тупроқни ўйилиб кетишдан сақлайди. Ёхуд 10-15 см. қолдириб, ўроқ машинада ўриб олинади ва молга озуқа сифатида берилади.

Ўрилган поялар даладан йигиб олингач, баҳорда қатор оралари культиваторда юмшатилади, айни вақтда ҳар гектар ерга 60 кг дан азотли ўғитлар солинади (апрель - май бошларида). Шоналаш олдидан (июнь бошлари), лекин ўсимлик шох-шаббалари туташиб кетгунига қадар, иккинчи марта азотли ўғит солинади.

Гулхайри ҳаётининг иккинчи йили (июлнинг охири - август бошларида) мева тугади. Уруғлари поясининг 10 см.дан 230 см.гача баландлигига, асосий қисми 60-180 см оралиғида жойлашади. Меваси пишганидан кейин узоқ вақт тўкилмай туради, бу эса то август ойигача уруғ йиғиши имконини беради. Бунинг учун гулхайри поясининг мева жойлашган қисмлари ўроқ билан кирқилади, боғ-боғ қилиб, хирмонга олиб борилади. Хирмонда ғалла янчидиган тўқомкда янчилади. Уруғлари дон совургичда тозаланиб, элангач, қопларга жойланади. Илдизи иккинчи йили, октябрь ойида ёки эрта баҳорда, поялари даладан мола, лавлаги йиғадиган ёки картошка кавлайдиган машина ёрдамида йигиб олинганидан кейин қазилади. Куриган илдиз 20-25 кг. дан қилиб қопга, 50 кг. дан қилиб қутиларга жойланади ва қуруқ, ҳаво алмашиб турадиган хонада 3 йилгача сақланади. Ҳосилдорлик гектар хисобига 20-22 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Гулхайри ўсимлигининг хом-ашёсини кузда (сентябрь-октябрь) ер устки қисми нобуд бўлгач ёки баҳорда апрель ва май ойининг биринчи ярмида ўсимлик ҳали кўкармасидан олдин илдиз ва илдизпоясини йигиб олинади. Гулхайри илдизи ва ўт қисмини ўсимлик вегетациясининг 2-3 йили йигилади. Тупроқ устки қисмидан 25 см баландликда ўрилган ўтни сувсизлантирилади, сўнгра усти ёпиқ айвонларда, 50 см дан ошмаган қалинликда ёйиб қуритилади. Қазиб олинган илдизларни силкитиб, тупроқдан тозаланади, оқар сувда яхшилаб ювилади. Уларни тез, шиллиқсизлангунига қадар ювилади. Кейин қуриган илдизлар 20-25 см узунликда жодида кирқилади. Ёғочга айланана бошлаган илдиз ва илдизпоялар олиб ташланади, кейин пичоқ билан пўсти шилинади, соя жойда қуритилади. Агар этганда букилмай синиб кетса, демак илдиз яхши қуриган бўлади. Хом-ашёни намлиги 14 % дан, умумий кул миқдори 7 % дан, шунингдек 10 % - ли сульфат кислотасида эримайдиган кул миқдори 0,5% дан, ёғочлашган илдиз 3 % дан, пўстдан тозалангани 3% дан, органик аралашмалар 0,5% дан, минерал аралашмалар (тупроқ, қум, тош) 0,5% дан ошмаслиги керак. Қуруқ хомашёни шамол яхши айланадиган хоналарда 3 йилгача сақлаш керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Гулхайридан тайёрланган препаратлар ҳимояловчи, юмшатувчи, ва шамоллашга қарши хусусиятларга эга бўлиб, балғам кўчирувчи ва оғрик қолдирувчи таъсирга эга. Ундан сурункали бронхит, трахеит, ларингит, ўпка пневманияси ва ўпка астмасида фойдаланилади. Шунингдек ундан ошқозон гастрити ва ошқозон ҳамда 12-бармоқли ичак ялиғланишида фойдаланилади. Доривор гулхайри илдизидан дамлама тайёрлаш учун 6 гр (2 ош қошиқ) хомашёни сирланган идишга солиб, устига 200 мл иссиқ қайнаган сув қўйилади, сўнгра қопқоғи ёпилади ва (сув ҳаммолида) 30 минут давомида қайнатилади, хона ҳароратида 10 минут давомида совутилади ва сузига олинади. Сузилган дамламага 200 мл.га еткунча қайнатилган сув қўшилади. Совук жойда 2 кунгача сақланади. Дамламани кунига 3 маҳал овқатдан сўнг ичилади. Бундан ташқари гулхайри илдизи дамламасидан томоқни чайиш, буғлаш ва ичакни ювишда фойдаланилади.

Доривор гулхайрининг илдизи 35 % шилимшиқ, пентозан ва гексозандан иборат. Шунингдек унинг илдизида 16 % гача пектин моддалари, 37 % гача крахмал, 10 % гача сахароза, 2 % гача аспарагин, 4 % гача бетаин, 1,7 % гача ёғ моддалари мавжуд. Барги ва гулларида 0,02 % гача эфир мойлари мавжуд.

Тавсиялар. Республика миздаги барча турдаги тупроқларда ўстириш мүмкін. Фақат шүр тупроқла ва ботқоқ ерларни ёқтирумайды.

ЯХЛИТ ҚИРРАЛИ ЗИРК, ҚИЗИЛ ЗИРК - БАРБАРИС ЦЕЛЬНОКРАЙНЫЙ - *BERBERIS INTEGERIMA BUNGE.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Қизил зирк Ўзбекистоннинг Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тоғли қисмининг тошли тупроқларида ўсади. Умумий тарқалиш худуди Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон хисобланади.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликнинг плантацияларини ташкил этиш учун 750-800 дона кўчат гектар ҳисобида сарфланади. Кўчатлар экилишида 40x40 см ўлчамли чуқурлар тайёрланади. Тайёрланган чуқурларга кўчатлар ўтқазилади ва 1 кг. чириган гўнг солинади, илдизни тупроқ билан бирикишини таъминлаш учун 5 л сув қўйилади. 1-вегетация йилида суғориш (апрель-сентябрь ойларида 1 мартадан) 5 марта амалга оширилади. Кейинги йилларда ўсимлик кўчатлари субстратга мослашгандан сўнг бу тадбир 2-3 мартадан амалга оширилади.

Мева ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 10-15 центнерни ёки илдиз ҳосилдорлиги 30-35 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Қизил зиркнинг ер устки қисмини жуда секин ўсишини ҳисобга олган ҳолда унинг мева ҳосилига 8-10 йил давомида киради. Мева ҳосили етилгандан кейин, унинг илдиз ҳосилини ҳам йиғиш мумкир. Илдиз йиғилгандан сўнг, бўлакларининг узунлиги 12-20 см.гача, эни 6 см.га teng қилиб кесилади. Илдизи қўнғиркулранг, бўлинганда лимон каби сарик бўлади. Ҳиди сезиларсиз, ўзига хос. Таъми аччиқ. Гунчалаш ва гуллаш фазасида йиғилган барглар қуритилгандан сўнг эллипссимон шаклга кириб бўйи 2-7 см, эни 4 см, икки томондан юпқа мумсимон модда билан қопланган. Барглари устки томондан туқ яшил, осткиси оч яшил. Ҳиди ўзига хос, таъми нордон. Хом-ашё намлиги 14 % дан, кули 5% дан, 3 мм тешикли элақдан ўтадиган ўсимлик бўлаклари 5% дан, меъёрий рангини йуқотган қисмлари 4 % дан, органик аралашмалари 2 % дан, минерал аралашмалари 1% дан ортмаслиги керак. Хом-ашёни латтадан тайёрланган 10-20 кг ли халталарга ёки 50 кг ли тугунларга жойланади, саклаш муддати 3 йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Қизил зирк илдизларидан ажратиб олинган алкалоидлар, қон тўхтатувчи, қон босимиши пасайтириш, сафро ҳайдаш хусусиятларига эга. Ундан холецистит, буйрак тоши касаллигига, сурункали гепатит, гепатохолециститларда қўлланилади. 20 % барг дамламасидан бачадондан қон кетганда, 5 % ли дамламасини жигар хасталикларида қўлланилади. Мазкур дамламалардан тухум-дондан қон кетишда фойдаланиш таъкиқланади.

Ўсимлик таркибидаги 0,3-2% берберин, 0,25% ятрорицин, 10,7% оксиакантин, колумбамин, магнофлорин каби алкалоидлар мавжуд. Баргларида берберин, глауцин, изокорудин, витамин С, каротин моддалари, бўёқлардан зангори пигмент мавжуд.

Тавсиялар. Тоғ олди ва тоғли худудларда ўстириш ва қўпайтириш мүмкін.



ДОРИВОР АСОРУН - ВАЛЕРИАНА ЛЕКАРСТВЕННАЯ - VALERIANA OFFICINALIS L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Бу ўсимлик географик тарқалиши бўйича циркумбореал (Европанинг ўрта қисми ва шарқий ареаллари) ва Шарқий Осиё (Узок Шарқ) флористик воҳаларига мансуб. Ўзбекистонда доривор асарун интродуцент ўсимлик ҳисобланади.

Агротехник тадбирлар. Уруғ эрта баҳорда экилади, бунда тупроқни тайёрлаб экишнинг кечикишига йўл қўймаслик керак. Кузда, ноябрь охирларида, уруғнинг унишига монелик қиласидиган барқарор совуқ тушиши олдидан экилади.

Асарун экиш учун бегона ўтлардан халос бўлган, текис, сув билан яхши таъминланган жой танланади. Экиш олдидан гектарига 30-40 кг гўнг ва 35- 45 кг донадор суперфосфат солинади. Асосий шудгор ноябрь ойида 30 см чуқурликда ўтказилади. Экишдан олдин уруқка ишлов беришнинг хожати йўқ. Гектарига 8 кг сарфланади. Уруғ 1-1,5 см чуқурликка экилади. 3-4 та барг чиқарганидан кейин 45-60 см масофада эгат олинади.



Ўсимлик ўсиши ва ривожланиши даврида 1-2 марта ўтоқ килинади, ер 4-5 марта юмшатилади ва 9-10 марта суғорилади (апрель-1, май-2, июнь-июл-2-3, август-сентябрь-2). Тупроқ таркиби ва ернинг бегона ўт босганлик даражасига боғлиқ равишда ҳар икки марта суғорилганидан кейин ер юмшатилади. Май ойида гектар ҳисобига 60-70 кг.дан аммиакли селитра солинади.

Иккинчи йили экин майдонларида ерни юмшатиш баробарида баҳорги кўшимча озуқа берилади, бунда айниқса гулдор поянни йўқотишга эътибор бериш керак. Бу тадбир ялпи гуллаш даврида ўсимлик ер устки қисмини 10-15 см баландликда ўроқ машинада ўриш йўли билан амалга оширилади.

Ҳосил октябрь ойида йиғиб олинади, зеро илдизларнинг ўсиши бутун куз мобайнида давом этаверади. Ҳосилни йиғиши -- асарун йиғувчи ВК-03 комбайннида ёки янгидан ускуналанган картошка йиғувчи комбайн ва картошка қазувчи мосламада ўтказилади. Янгидан ускуналанган йиғув мосламаларида ҳосил йиғищдан олдин КИР-1,5 ёки БМ-6 машиналари ёрдамида ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олинади. Илдизлар барабанли ёки лаппакли юувучи машиналарда яхшилаб ювилади, кейин яхши шамоллатиб туриладиган хоналардаги махсус жавонларга 15-20 см қалинликда ёйиб қўйилади ва паншахада вақти-вақти билан алмаштириб турилади. Ҳом ашёнинг барчаси хирмонга йиғилади, кирқилган илдизлар эса қопларга жойланади.

Тойланган ҳом-ашёни сақлаш муддати 3 йил, тойланмаганиниги эса 2 йил. Асарун куруқ илдизи ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 15-20 центнерни ташкил этади.

Ҳом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Ўсимлик ҳом-ашёси куз ёки эрта баҳорда йиғилади, у ювилган, қуритилган, ер устки қисмлардан тозаланган илдизпоя ва илдиздан иборат. Илдизнинг бўйи одатда 6-15 см, эни 1-3 мм. Ранги сарғиш-қўнғир, синдирилганда оч-қўнғир. Ҳиди ўзига хос ўткир, таъми ёқимли ширин-аччиқ. Ҳом-ашёнинг намлиги 16 % дан, кули 14 % дан, илдиз пояси қолдиқлари билан (3 см гача) 3 % дан, органик аралашмалар 1 % дан, минерал аралашмалар 3 % дан ошмаслиги керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Доривор асарун препаратлари тинчлантирувчи, юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшиловчи восита сифатида

үйқисизликда, бош оғригининг турли кўринишларида, стенокардиянинг бошланғич шаклларида, марказий асаб тизимининг таъсирчанлиги кучайганда қўлланилади.

Асорун дамламаси - 10 г (1-1,5 ош қошиқ) қуруқ илдизини сирли идишга солиб, устидан 200 мл (1 стакан) қайнаган сув қўйиб, идишнинг қопқоғи ёпилади, сўнг 15 минут сув ҳаммомида иситилиб, 45 минут давомида совутилади. Олинган дамламага қайнаган сув қўшиб 200 мл.га етказилади. Кунига 3 маҳал 2-3 ош қошиқдан, овқатдан сўнг 30 минут ўтгач ичилади.

Илдиз ва илдизпоя таркибида 0,5-2,4 % гача эфир мойи мавжуд, унинг асосини борнеолли эфир ташкил этади. Мойида изовалериан кислотаси, борнеум, 1-миртенол, 1-комфен, шунингдек илдизпояда ва илдизда валериан алкалоиди, хатинин, ошловчи моддалар, шакар, чумоли, уксус, олма, стеарин ва пальмитин кислоталари мавжуд.

Тавсиялар. Ўзбекистоннинг унумдор ва суғориладиган ҳудудлари (Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари) да плантациялар ташкил этиш мумкин.

ИККИ УЙЛИ ГАЗАНДА ЎТИ – КРАПИВА ДВУДОМНАЯ - *URTICA DIOICA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимлик Ўзбекистонда кенг тарқалган. Соя жойларда, тоғларда, дарё бўйларидағи буталар орасида ўсади.



Ташландиқ майдонларда ва ахоли яшайдиган жойларда, йўл атрофларида учрайди.

Агротехник тадбирлар. Илдизбачкили ўсимлик бўлганлиги сабабли, илдизпояларидан кесилиб кўпайтирилади. Бунинг учун эрта баҳорда ўсимлик ковланади, илдизпоялари бўлинади. Ҳар бир кесилган қисмида куртаги ҳамда илдизи бўлиши керак. Қатор қилиб экилади, 1 метрга 5 та илдиз бачкиси ўтқазилади. Қатор оралиғи 50 смдан бўлади. У тез ўсади. Нам ва чириндига бой тупроқларда поя зичлиги ортиб боради.

Хосилдорлик 12-15 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Хом-ашёни ўсимлик тарқалган ҳамма жойлардан тайёрлаш мумкин. Факат автотранспортларнинг серқатнов йўлга яқин жойларидан териш мумкин эмас. Хом-ашё қўлда терилади, бунинг учун чарм ёки брезент кўлқоплар кийилади. Пояси ва новдаларидаги барглари узиб, териб олиниади. Доривор мақсадлар учун унинг гуллаш фазасидаги барглари ишлатилади. Барглари дарҳол соя жойларда, ҳаво яхши айланадиган хоналарда ёки қуритгичларда қуритилади. Баргларини қуритишдан олдин бир қават қилиб ёйилади. Тайёр бўлган хом-ашё ўзининг рангини йўқотиш керак эмас, барглари яшил, намлиги 14% дан ошмаслиги керак. Хом-ашёда поя қолдиқлари, тўғгуллари қолиши керак эмас. Корайган барглари олиб ташланади. Куриган барглари жуда нозик бўлганлиги учун уларни яшикларда ва катта банкаларда сақлаш керак. Қуёшда рангини жуда тез йўқотади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ФС 42 Уз-0167-2007 га асосан, ўсимликнинг ҳамма ер устки қисми ишлатилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимлик баргидан тайёрланган дамлама, қайнатма халқ табобатида қон тўхтатувчи восита сифатида ичилади. Янги барглари ёки қуритилган баргларидан тайёрланган кукуни йирингли яраларни даволашда қўлланилади. Камқонликни даволашда ҳам ишлатилади.

Рябина мевалари, наъматак, брусника, смородина ва сабзи билан бирга ўсимлиқдан витаминли чойларни тайёрлаш мумкин. Ўсимлик препаратларидан камқонлик,

атеросклероз, ревматизм, буйрак шамоллаши, жигар касалликларида, геморрой, тери касалликларида, қуишининг биринчи даражасида, соч тўкилишини тўхтатиш учун қўлланилади.

Барглари таркибида 269 мг% гача витамин С, каротин ва бошқа каратиноидлар (50 мг% гача), В ва К витаминлар гурухи, чумоли ва бошқа органик кислоталар учрайди. Баргларида 5% гача хлорофилл, 2% дан ортиқ ошловчи моддалар, камедъ, протопорфирин, копропорфирин, ситостерин, гликозид уртицин, темир, фитонцидлар, кверцетин, кофеин, кумар, ферула кислоталари, ацетилхолин, гистамин ва 5-гидрокситриптамин аниқланган.

Тавсиялар. Табиий заҳираси етарли даражада бўлиб, намлик етарли бўлган жойларда осон етиштириш мумкин.

ЗАЙТУН ДАРАХТИ – ОЛИВКОВОЕ ДЕРЕВО – *OLEA EUROPAEA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Зайтуннинг ватани Сирия. Ўзбекистонда интродуцент ўсимлик. Сурхондарё вилоятида экиб ўстирилади.



Агротехник тадбирлар. Зайтун дарахти тупроққа талабчан эмас, қумоқ, енгил, унумдорлиги паст тупроқларда ҳам етиштирилади, оғир, соз ва ер ости сувлар яқин тупроқлар зайтун экишга яроқсиз ҳисобланади. Кальцийли тузлар таркибида кўп бўлган, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда ҳам яхши ўсади. Унумдор тупроқларда мўл ҳосил олиш мумкин. Одатда катта майдонларда экиш, навнинг хусусиятларидан, бўйининг баландлигидан келиб чиқилади. Текис жойларда 5x6, 6x6 тўғри қаторлатиб ёки шахмат усулида экиш мумкин. 1 г майдонга 350-400 туп зайтун кўчати экилиши керак. Экишдан олиш тупроқни яхшилаб органик ўғитлар бериб озиқлантирилади. Тупроққа минерал ўғитлар бериш, мева ҳосилдорлиги бир неча

баробар оширади. Азотли, фосфорли, калийли ўғитлар ва гўнг солинади. 1-2 йили қатор ораларидан экин экиш учун фойдаланиш мумкин. Бу ўсимлик уруғларидан, қаламчаларидан, бачкилари ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Уруғлари тупроққа экилганда жуда кеч униб чиқади. Шунинг учун уларни намли қумларда экиб, кўкартириб олиб, кейин экиш лозим. Экиладиган уруғлар аввал уруғини ўсишга тўсиқ бўлувчи мойли этдан ва пўстлоғидан тозалангандан кейин март ёки сентябрь ойларида экилади. Уруғидаги пўстлоқнинг қаттиқлиги учун уруққа 4% карбонат кальций билан ишлов бериш керак. Уруғлардан униб чиқсан зайтун кўчатлари 10-11 йили ҳосил беради.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Зайтун меваларини қора ранг олганида унга бирор нарса қўшиб хушхўр ва хуштам қилиш учун, ёки тўла қора рангга кирганида ундан мой олиш учун узилади. Зайтун мевасини тўлиқ пишиб етилганлигини билиш учун, бир дона мева қўлда сиқиб кўрилади. Агар сиқилганда, мой доначалари қўринса бу меванинг тўлиқ пишганидан далолат беради. Зайтун меваларини сифатли ҳолда териб олиш учун қўлда териш мақсадга мувофиқдир. Мевалар териб бўлгандан сўнг, зайтун мевасидан мой яхши ажралиши учун мевалар 4-6% туз эритмасига солиб қўйилади. Ушбу тадбир қўлланилганда зайтун этида мой қолмайди, эзилганда тўлиқ ажралиб чиқади. Зайтун мевасини яшил ҳолда тузлаш учун мева ҳажми катталашиб, рангги тўқ-яшилдан оч-яшилга айланганида ёки мевалар ранг олишидан олдин узилади. Меваларни маҳсус қутиласга йиғиб териб олинади. Қутиласи охиригача тўлдирилмайди, сабаб зайтун мевалари эзилиб сифатсиз бўлиб қолиши мумкин.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Зайтун мойи таркибида 150 та элемент мавжуд. Бу мой ўта сифатли, хазм бўлиши осон, таркибида инсон организми учун заарли моддаларни сақламайди, она сути таркибидаги мойга жуда ўхшашдир. Мойнинг таркиби олеин кислотаси 70-85%, линол кислотаси 5-10% ташкил этади. Дунёда истеъмол қилинадиган мойлар ичида энг доривор ва сифатлиси ҳисобланади. Пишиб етилган зайтун меваси таркибида 50-55% сув, 22-25% мой, 1.51% минерал тузлар, 19% карбон моддалар, 5.84% целлюлоза мавжуд. Зайтун барги таркибида минерал тузлар, олтингугурт, органик кислоталар, ёғ кислотаси, дизенфекцияловчи ва фаоллаштирувчи моддалар мавжуд. Зайтун барги қайнатмаси ички қон қўйилишини тўхтатишда, ошқозон ичак касалликлари ва ангинага фойдалидир. Юқори қон босимини, қондаги қанд моддаси ва қондаги микроб нисбатини туширишда янги узилган зайтун барги қайнатмасини илик ҳолда эрталаб 200 г ва кечқурун 200 г икки ҳафта давомида яримта лимон шарбати суви ва унга бир қошиқ зайтун ёғи қўшиб истеъмол қилинади. Ошқозон ва ичак яралари, сийиш қийинлашганда ва иситмани даволашда эрталаб оч қоринга бир ош қошиқдан истеъмол қилинади. Зайтун баргининг кули зайтун уруғлари билан янчилиб, сўнг уни пудра шаклида танага суртилади, бадбўй ҳид келишидан сақлайди.

ЧАКАНДА – ОБЛЕПИХА КРУШИНОВИДНАЯ - *HIPPORHAE RHAMNOIDES* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Водийларда ва дарёларнинг бўйларида ўсадиган ўсимлик бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида учрайди. Ўрта Осиё, Кавказ, Сибирь, Фарбий Европа, Манголия, Тибет, Эрон, Афғонистонда тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Чаканда ёруғсевар, совукка чидамли ўсимликдир. Чаканда уруғидан, поя ва илдиз-қаламчалардан кўпайтирилади.

Чаканда кузда ёки эрта баҳорда экилади. Эрта баҳорда майсалар бир текис униб чиқиши учун уруғлар бир ой давомида қумда стратификация қилинади. Уруғлар сабзвот экиш мосламаларида 5 см чуқурликда экилади. Қатор оралари 70-90 см, гектарига 11-13 кг уруғ сарфланади. Майсалар уруғ экилгандан сўнг 10-15 кунда униб чиқади. Биринчи йили секин ўсади, 15-30 см баландликка етади. Шунинг учун ҳар 3-4 суюришдан кейин культивация ва ягона қилинади. Биринчи йили 12 марта суғорилади. Вегетация даври охирида кўчат ковланади ва илдизлари маҳсус асбобда кесилиб ихчамлаштирилади. Кўчат тайёр бўлгандан сўнг, у катта майдонларга чиқарилади.



Плантация уруғдан ташкил этилганда 10-12 йили, қаламчадан 8-9 йили, кўчатидан бўлса 6-7 йили ҳосилга киради ёки ҳосилдорлик дастлабки йилда гектар ҳисобига 2,5-3 центнердан ва кейинги йилларда 8-10 центнерга етади.

Вегетатив йўл билан кўпайтирилганда асосан яшил қаламчалардан фойдаланилади. Қаламчалар эрталаб узунлиги 8-12 см, 8-10 барг қолдириб тайёрланади. Қаламчалар қум, гўнг ва торф аралашмасига экилади. Экиш олдидан қаламчалар гетероауксин эритмаси билан (1 чекак сувга 100 мг) 12-18 соат 20-25°C да ишлов берилади. Эрта баҳорда илдиз отган қаламчалар далага экилади.

Шунингдек плантация ташкил этиш учун энг қулай усул кўчатларидан экиш ҳисобланади. Плантация ташкил этиш учун гектар ҳисобига 500 дона кўчат ўтқазилади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Хом-ашё, ўсимликнинг мевалари, уругининг мойи ва барглари ҳисобланади. Мевалари сентябр-октябрда, барглари эса май ойида терилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Чаканда меваси ва уруғларининг ёғи оғриқ қолдирувчи, тери тўқимасини тикланишини тезлаштирувчи, яраларни битирувчи ва витаминларга бўлган талабни қондирувчи восита саналади. Меваларининг шарбати, дамламаси, тиндирмаси турли авитаминоз, ошқозон яраси касалликларида қўлланилади. Чаканда уруғининг мойи турли тери касалликларида, гинекологик касалликларда, нур касалликларида кенг фойдаланилади. Ўрта Осиёда барглари ревматизмда ишлатилади. Меваларини хўл ҳолида ёки мураббо, компотлар сифатида ишлатиш мумкин.

Меваларида каротиноидлар, каротин (60 мг%), криптоксантин, зеаксантин, органик кислоталар (2,64%), ошловчи моддалар, С витамины (450 мг%), В₁ (0,035 мг%), В₂ (0,056 мг%), Е (145 мг%) витаминлари, олеин, стеарин, линолен сақловчى ёғлар (8%) учрайди. Мевалари таркибida витаминлар кўп бўлганлиги учун, ўсимлик энг яхши витамин сақловчى табиий восита саналади.

Тавсиялар. Табиий заҳираси жуда ҳам чегараланган. Ўзбекистоннинг тўқайли худудларида плантацияларини ташкил этиш мумкин.

БУЙРАК ЧОИ – ПОЧЕЧНЫЙ ЧАЙ - *ORTHOSIPHON STAMINEUS* BENTH.

Ўсимликнинг тарқалиши. Буйрак чойининг ватани тропик Жануби-Шарқий Осиёдир. Асосан Индонезия (Ява, Суматра ороллари), Бирма, Лаос, Филиппин, Вьетнамда тарқалган.



Агротехник тадбирлар. Буйрак чойи бир йиллик экин сифатида, Грузия субтропикларида қаламчадан кўчат тайёрланиб, ўзбекистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида синовдан ўтказилган. Аниқланишича, буйракчой сояда, очиқ-қуёшли ерларда яхши ривожланади. Намлик ва тупроқ унумдорлигига талабчан. Буйракчой поя-қаламчаларидан кўпайтирилади. Кўчат ҳар йили, декабрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иссиқхоналарда ҳаво ҳарорати 18-22°C тайёрланади. 5-7 см узунликда қирқилади. Новдалардаги барглар олиб ташланади, фақат учидаги баргларгина қолдирилади. Буғланишини камайтириш учун йирик барглар кўндалангига иккига бўлинади, майда баргларга тегилмайди.

Шу тарзда тайёрланган қаламчалар 60x45 см ўлчами, баландлиги 25 см бўлган кўчат кутиларга ўтказилади. Дренаж учун кутига 2-3 см қалинликда керамзит ёки майда шағал, кейин йирик донадор қум солинади. Дренаж устига 10-15 см қалинликда 1:1:1 нисбатда чириган барг, чириган гўнг ва қум аралашмасидан иборат озиқлантирувчи тупроқ солинади. Унинг устига 5-6 см қалинликда йирик донадор қум солинади. Қаламчалар қиялатиб, устки қум катламига 3-5 см чуқурликда, 5x5 см оралиқда экилади, лейкада захлатиб сугорилади. Кейин кути усти шиша ёки шаффофф плёнка ёпиб қўйилади. Бир гектар ерга етарли кўчат тайёрлаш учун 300 квадрат метр ёпик грунт талаб этилади. Қаламчалар экишда жовонлардан, иссиқхона тубидаги ерлардан фойдаланиш мумкин, лекин бунда ҳам юқорида баён этилганидек дренаж, озуқавий мухит бўлиши керак. Қаламчаларнинг илдиз олиши 85-90 % ташкил этади. Илдиз олганидан кейин сугориш сони камайтирилади, лекин тупроқ доим нам ҳолатда тутиб турилиши керак. Сўнгра

шиша ёки плёнка аста-секин олиб ташланади. Далага олиб чиқиб экилгунга қадар апрель охири, май ойининг бошларида иссиқхонадаги кўчатлар бўйи 15 см га етади. Қаламчаларда 1 тадан 4 тагача поя бўлиб, яхши ривожланган попук илдизлар ҳосил бўлади. Буйракчой ўсимлигини етиштириш учун унумдор, бегона ўтлардан тозаланган, шамолдан пана жойлар танланади. Бунинг учун ёш мевали боғларнинг қатор оралиқларидан фойдаланиш мумкин. Лекин бу ерда зааркунандаги ва касалликларга кимёвий эмас, балки биологик усулда курашиш керак. Ерни ҳайдаш олдидан гектарига 20-30 тонна чириган гўнг, 100 кг соф фосфор солинади. Тупроқ 20-25 см чуқурлиқда ҳайдалади. Суғориш эгатлари олинишидан олдин тупроқ икки марта молаланади. Жўяклар узунлиги жойнинг нишоблигига, тупроқнинг механик таркибига, намиқиши даражасига боғлиқ бўлиб, даланинг исталган қисмида ўсимликларнинг бир текис суғорилишига имкон берishi керак. Кўчатни қутидан илдизи атрофидаги тупроқ билан кўчириб олиб, уни бузмай жўякларга 5-8 см чуқурлиқда экиш муҳимдир. Кўчат турлари оралиғидаги масофа 15 см бўлиб, гектарига 120 минг кўчат тўғри келиши керак. Ўғитлаш ва культивация қилиш унинг тез ривожланишига имконият туғдиради. Ўсув даврида ҳар 10 кунда бир марта суғориб туриш лозим. Ҳар 2-3 сувдан кейин ораларини культивация билан юмшатиб бегона ўтлардан тозалаб туриш керак. Июнь ойининг охирларидан то вегетация охиригача ҳом-ашёни йифиб бориш керак. Охирги ўримда ҳамма барглари йифиб олинади. Ҳом-ашёни соз ерда куритилади.

Гектаридан 18-20 центнергача қуруқ ҳом-ашё йифиб олиш мумкин.

Ҳом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг ҳом-ашёси вегетация давомида терилган ва қуритилган барглари ҳисобланади. Ҳом-ашё 2 жуфт баргли 2 см узунликдаги новчасидан иборат. Барги чўзиқ тухумсимон ёки ромбсимон, ўткир учли, аррасимон қиррали, пастки томони тукли, узунлиги 2-5 см, эни 1,5-2 см. Маҳсулот хидсиз, бир оз аччик, буриштирувчи мазага эга. Маҳсулотнинг миқдорий кўрсаткичлари: сувда эрийдиган экстрактив моддаларнинг миқдори 30% дан кам бўлмалиги; намлик 12%, умумий кул 12%, ҳар иккала томони қорайган барглар 2%, поялар миқдори 30%, органик қўшимчалар 1%, минерал қўшимчалар 1% дан кўп бўлмаслиги лозим.

Ҳом-ашё 15 кг.ли қофоз ёки зиғир-канопли қопларга жойланиб сақланади. Сақланиш муддати 4 йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Буйракчойдан сувли дамлама сифатида шифобахш восита ўрнида фойдаланишга руҳсат берилган. Буйрак чойи сийдик хайдовчи восита сифатида сурункали буйрак касалликларида, буйрак-тош касалликларида қўлланилади. Цистит, уретрит, подаграда, диабетда; холецистит, сурункали буйрак касалликларида, II-III босқичли юрак-томир етишмовчилигига, бод ва шу каби касалликларда буюрилади.

Буйрак чойи препаратларини бир вақтнинг ўзида юрак гликозидлари билан ишлатиш мумкин. Ўсимлик асосан буйракнинг барча турдаги касалликларида кенг қўлланилади, ва у узоқ қўлланилганда ҳам организмга заарли таъсир кўрсатмайди.

Буйрак чойининг ҳом-ашёси таркибида тритерпен сапонинлар, инозит, аччик ортосифон гликозиди, 1,5% гача вино, лимон ва бошқа кислоталар, 0,2-0,66% эфир мойи, 5-6% ошловчи моддалар, кўп миқдорда калий тузлари бўлади.

Тавсиялар. Катта масштабли плантациялар ташкил этиш талаб этилади. Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг унумдор тупроқларида етиштириш мумкин.

ТУРКИСТОН АРСЛОНҚҮЙРУГИ – ПУСТЫРНИК ТУРКЕСТАНСКИЙ - *LEONURUS TURKESTANICUS* V. KRECZ. & KUPRIAN.

Ўсимликнинг тарқалиши. Туркистон арслонқўйруғи Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг тошли ва майда шағалли қояларда ўсади. Ўсимлик бутун Ўрта Осиё бўйлаб тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Арслонқўйруқ ўсимлигини структурали чириндиға бой, сув билан яхши таъминланган тупроқларга экиш тавсия этилади. Ерларни ҳайдашдан олдин гектарига 30 тонна гўнг, 50-80 кг фосфор ўғитлари солинади. Тупроқ 22-25 см чуқурликда ҳайдалади. Қуритилган уруғи кеч кузда ёки баҳорда гектарига 7 кг ҳисобида экилади. Суғориладиган майдонларда уруғ қадалгандан кейин 60-70 см суғориш эгатлари олинади ва кетма-кет суғорилади. Уруғни гўнгга аралаштириб эккан маъқул (1:5нисбатда). Зеро тупроқнинг юзи қисмидаги қатқалоқ кўпинча экинни буткул нобуд қиласи. Уруғ экилгандан 20-25 кундан кейин майсалар чиқа бошлайди. Парвариш ишлари культивация қилиш, кўлда ўтоқ қилиш ва ягоналашдан иборат. Бунда туплар ораси 15-20 см бўлиб, ҳар бир уядга 1-2 та ўсимлик қолдирилади. Тўпбарг гул чиқариш даврида культивация билан бир вақтда гектарига 50-80 килограмм азотли ўғитлар солинади. Вегетация давомида 7-8 марта суғорилади ва 110 килограмм азот, 80 килограмм фосфор ва 60 килограмм калий ўғити берилади. Ўғитлаш тўпбарг гул чиқаргандан, шоналаш ва гуллаш фазаларида ўтказилади.



Арслонқўйруқ поясини ўртача 50 сантиметр баландликда қирқиши мумкун. Биринчи йили унинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача 5-6 центнерни, кейинги йилларда 10-12 центнердан ҳосил йиғиб олиш мумкун. Уруғларининг ҳосилдорлиги ўртача гектарига 0,5-0,6 центнерни ташкил қилиши мумкун.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Туркистон арслонқўйруғининг ер устки қисми ўсимлик гулга кирган вақтда, кўл ёрдамида ёки механизацияланган шаклда териб олинади. Туркистон арслонқўйруғи далаларининг қулай хаётчанлигини сақлаб қолиш учун, генератив новдаларнинг 2/3 қисмини териб олиш, терилган далалардан эса уч йил дам олганидан кейин фойдаланиш талаб этилади. Хом-ашё яхши ҳаво алмасиб турадиган хоналарда ёки бостирма остида қофоз устига юпқа қилиб ёйилиб, доимий аралаштириб турилган ҳолда қуритилади. Ўсимликни ўзини 15 кг, майдаланганини эса 50 кг.ли қопларга солиб сақланади. Қуруқ ва ҳаво яхши айланадиган омборхоналарда 3 йил давомида сақланиши мумкин.

Хом-ашё 30-40 см узунликда қирқиб қуритилган ўсимликнинг поя, барг ва гулларидан иборат. Пояси 4 қиррали, ичи ковак, қизғиши-бинфша рангга бўялган. Микдорий кўрсаткичлари: намлик 13%, умумий кул 12%, ўсимликни пояли қисми 2%, органик қўшимчалар 3% дан кўп бўлмаслиги лозим.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Арслонқўйруқнинг препаратлари асосан тинчлантирувчи восита сифатида гипертония, нерв қўзғалиши ва бальзи юрак касалликларида (юрак неврози, кардиосклероз) даволаш учун валериана каби ишлатилади.

Туркистон арслонқўйруғи ўтида урсул кислотаси, ошловчи моддалар, органик кислоталар, сапонинлар, flavonoидлардан рутин, кверцетин ва квинквелозид, алколоид леонурин ва стахидрин ажратиб олинган, охирги пайтларда маҳсулотда валепотриатлар (иридоид) топилган.

Тавсиялар. Табиий захираси мавжуд. Тошкент, Жиззах вилоятларидан чегараланган миқдорда хом-ашёсини тайёрлаш мумкин. Бир далада арслонқуйруқ плантациясини 3-4 йил сақлаш мумкин. Арслонқуйруқ ўсимлигини структурали чириндига бой, сув билан яхши таъминланган тупроқларга экиш тавсия этилади.

УЧ БЎЛАКЛИ ИТТИКАНАК – ЧЕРЕДА ТРЕХРАЗДЕЛЬНАЯ - *BIDENS TRIPARTITA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимлик Андижон, Фарғона, Наманганд, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятларида учрайди. Кўпинча дарё, сой, ховуз ва бошқа намлик кўп бўлган жойларда ўсади ва бегона ўт сифатида суғориладиган ерлар ҳамда томорқаларда учрайди.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликнинг уруғлари октябрь ойининг охирида пишиб этилади ва териб олинади. Гектар ҳисобида экиш учун 5-6 кг уруғ сарфланади. Уруғ март ойининг биринчи декадасида экилади. Тупроқда уруғ унувчанлиги 40-50 % ни ташкил этади. Ўсимлик 90 см. оралиғида бўлган қаторларга экилса мақсадга мувофиқдир. Ўсимликнинг бўйи вегетация давомида агротехник тадбирлар меъёрида амалга оширилса 1-1,5 м.гача этади. Вегетация давомида 5-6 марта ўсимлик суғорилганда, гектар ҳисобида 3000-3500 м³ сув талаб этилади. Вегетация давомида 2 марта бегона ўтлардан майдон тозаланади ва қатор оралиғи юмшатилади. Августъ ойида ўсимлик гуллаган вақтда унинг ер устки қисми ўриб олинади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 15-20 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Иттиканакни гуллашидан олдин ва гуллаш вақтида ҳам поясининг барглари кўп бўлган учки қисмини кесиб олиш билан хом-ашё тайёрланади. Йиғиш кеч қолса қорайиб кетган саватчаларини эмас, фақатгина ён шохчалари кесиб олинади. Хом-ашё уйнинг томларида, шийпонлар остида қоғоз ёки

матолар устига 5-7 см қилиб ёйилган ҳолда куритилади. Қуриган маҳсулотнинг пояси эгилмасдан, балки синиши керак.

Иттиканак иссиқлик ва намликни севадиган ўсимлик. Совук, ёмғири баҳор ойларида у секин ўсади ва яхши ривожланмайди. Мунтазам суғориладиган унумдор тупроқларда яхши ўсиб ривожланади.

Иттиканакни ялпи ғунчалаган пайтда териб олиш бошланади ва ялпи гуллашининг бошларида бу жараён якунланади.

Иттиканакнинг қуриган маҳсулоти барглари кўп учки қисми ва поянинг 15 см.гача бўлган бўлакларидан иборат. Баргларининг ранги яшил ёки қўнғир-яшил, пояси яшил ёки яшил-сиёҳранг бўлади. Ҳиди

ўзига хос, таъми аччикроқ, бироз ёпишшоқ бўлади.

Маҳсулотда намлик 13% дан кўп бўлмаслиги, умумий кул миқдори 11%дан ошмаслиги, қўнғир ва қорайиб кетган поя ва барглари 3% дан кўп бўлмаслиги, 15 см узун бўлган баргли учки қисми 3% дан кўп бўлмаслиги, органик аралашма 2% кўп бўлмаслиги, минерал аралашма эса 1% дан ошмаслиги керак. Тайёр бўлган маҳсулот қуруқ, ҳаво яхши айланадиган хоналарда 2 йил мобайнида сақланиши мумкин.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тиббиётда ўсимликнинг ёш учки қисмлари ва барглари ишлатилади.

Иттиканак сийдик ҳайдовчи ва тер ажралишини кучайтирувчи хусусиятларга эга, овқат хазм бўлишини яхшилайди, бузилган моддалар алмашинувини меъёрига келтиради.



Шамоллаганда иттиканак ўтидан тайёланган дамлама сийдик ҳайдовчи, шамоллашга қарши, витаминли, аллергияга қарши восита сифатида ичилади.

Иттиканак ўти дамламаси - 10 г ўтдан олиб, сирланган идишга солинади, 200 мл қайнаган иссиқ сув қуйиб, сув ҳаммомида 15 дақиқа давомида қиздирилади. Сўнгра 45 дақиқа совутилади, докадан ўтказилади, қолган масса сиқилади. Олинган дамламанинг устига дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунича сув солинади. Бу дамламани кунига 2-3 марта овқатдан кейин ярим стакан ёки стаканнинг учдан бир қисми ҳажмиди ичилади. Ванна қилиш учун ҳар 10 л сувга 1 стакан дамлама олинади. Дамламани салқин жойда 2 кундан оширмай сақлаш мумкин.

Иттиканак таркибида камида 10 та флавоноид, кумаринлар, аскорбин кислотаси, каротин, ошловчи моддалар, аччиқ модда, лактон, аминлар, кўп микдорда марганец, оз микдорда эфир мойи мавжуд.

Тавсиялар. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида табиий заҳираси чегараланган. Ушбу ҳудудларда уруғидан кўпайтириш ва катта плантациялар ташкил этиш мумкин.

ТУКЛИ ЭРВА – ЭРВА ШЕРСТИСТАЯ (ПОЛ-ПОЛА)– *AERVA LANATA L.*

Ўсимликнинг тавсифи. Тукли эрва (пол-пола)- кўп йиллик ўт ўсимлик. Илдиз тармоғи чуқур эмас (26 см.гача), оқиш, кўзга яққол ташланмайдиган ўқ илдизли, асосий илдиз ўрнини босувчи нисбатан йирик, иккинчи тартиб тармоқли илдизлари бор. Илдизларнинг асосий қисми тупроқнинг 3,5-8 см.лик қатламида жойлашган. Илдиз тармоғининг шохланиш тартиби 5-га қадар етади. Бош пояси ёғочланган бўлиб, бўйи 100 см.гача етади, ўртacha 70 см.ни ташкил этади. Унинг ўсиши июлнинг ўрталарида тўхтайди ва шу даврда 2-3-туп бўғинлардан ён новдалар ўсади. Бир тупдаги иккинчи тартибли новдалар сони 3 тадан 13 тагача, узунлиги 2 см.дан 53 см.гача етади, ўртacha 23 см. Камдан-кам ҳоллардагина учинчи тартибли новдалар чиқади. Япроқлари наштарсимон-тухумсимон ёки тухумсимон-эллипссимон, узунлиги 2-3 см, кенглиги 0,5-1,5 см, қисқа бандли, чеккалари бутун, уч қисми ўткирлашган ёки тўмтоқ бўлиб, асоси понасимон. Япроқлар дастлаб қарама-қарши, кейин кетма-кет жойлашган. Поянинг қуи қисмida япроқлари йирикроқ, юқорилашган сари майдалашади. Тўпгули конуссимон зич бошоқ тарзида бўлиб, қалин оқимтири тук билан қопланган. Гулларининг кенглиги 2 мм, ташқи томони сертуклиги туфайли кулранг-оқиш, ички томони эса оч яшил. Уруғлари 0,6-0,8 мм, қора, ялтироқ.

Ўсимликнинг тарқалиши. Тукли эрва Африка, Осиё, Филиппин ва Янги Гвинеянинг тропик ва субтропик минтақаларида табиий равишда ўсади. Тукли эрвазор қурғоқ-яланг тупроқларда, қумли тупроқларда, чўл текисликларида учрайди. Буталар остида ҳам ўсади.

Агротехник тадбирлар. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тукли эрва экилганида сояда ва офтобда ҳам ривожланаверади. Етарли даражада суғориб турилмаса япроқлар юзаси кичрайди, ўсимлик эрта гуллай бошлайди, пояси ўсишдан тўхтайди, ён новда ўсиши кузатилмайди. Далалардаги бош ўсимлик экинзорларида, кўчат сифатида ўстирилганида, тўқилган ургулардан чиқсан ўсимликлар кўп учрасада, уларнинг уруғи пишишга улгурмайди.

Кўчат етиштириш учун февраль охири - март бошларида иссиқхоналарда 18-24 даражада ҳароратда 60×25 см ўлчамли, баландлиги 25 см бўлган тахта қутиларга уруғ экилади. Кутилар тубига дренаж учун керамзит ёки майда шагал (1-2 см ўлчамли), устидан йирик донадор қум солинади. Унинг устига қўйидаги таркибли озиқ берувчи тупроқ тўшалади: чириган барглар, чириган гўнг, қум (нисбати 1:1:0,5). Уругни жовонларга ёки ерга экиш мумкин, лекин бунда сув озиқлантирувчи тупроқда тўпланиб колмаслиги учун дренаж бўлиши керак. Бир квадрат метр ерга 0,5 г уруғ сарфланади. Уруғ 1-2 мм. чуқурликка қадалади. Экинзор ҳар қуни лейкадан суғорилади ва майса ҳосил бўлгунига қадар ер усти нам ҳолатда сақланади. Уруғ экилганидан 6-10 кун кейин майса уна бошлайди. Суғориш сони аста камайтириб борилади ва 10-15 кундан кейин хафтасига 2 марта гина суғориладиган бўлади. Тез-тез суғорганда тупроқ юзасида сув ўтлар пайдо бўлади ва эрва майсалари нобуд бўлади.

Бир жуфт чин барг ўсиб чиққач (ўн қунликда) кўчатлар қутиларга бир-биридан 3-5 см оралиқда кўчириб ўтказилади. Кўчатларнинг тутиши 90 %дан иборат.

Очиқ майдонга эрва уруғи апрель ойида, гектарига 4-5 кг ҳисобида юз ҳисса қум, кул, кукун ҳолидаги чиринди ва ҳоказолар аралаштириб, тупроқ юзасига сепилади. Эрва экиш учун бегона ўтлардан тозаланган, яхшилаб ишлов берилган, текисланган ер танланади. Қатор оралари 50-60 см бўлиши керак. Кетма-кет эгатлар орқали жилдиратиб суғорилади. Майса ҳосил бўлгунига қадар тупроқ юзаси нам ҳолатда сақлаб турилади. Кундузи иссикни сақлаб қолиши учун тунда суғорилади. Тупроқ ҳарорати 18-20 даражада бўлганида апрель охири - май бошларида ўсимлик майсалари униб чиқади. Майсалар жуда нозик бўлгандигидан уларни парвариш қилиш 3-4 жуфт чин барг ҳосил бўлганидан кейингина бошланади.

Тукли эрва экинзорлари мавсум давомида 9-10 марта (май-август-2 тадан, сентябрь-1, октябрь-1) суғорилади. Ҳар 2-3 суғорилганидан кейин культивация ўтказилади, қаторлар кетмон ёрдамида ўтоқ ва ягона қилинади, бир-биридан 15 см оралиқда ҳар бир уяда 1-2 тадан ўсимлик қолдирилади.

3-4 жуфт барг чиқариш босқичида майнинг бошлари ёки ўрталарида кўчатлар пушталарга ўтказилади. Пушталар 50-60 см оралиқда олинади, кўчатлар бир-биридан 15 см масофада экилади, шунда бир гектар майдонга 60-70 минг дона кўчат сарфланади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига ер устки қисми 13-15 центнер ва уруғ 0,5-0,6 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг ер устки қисми ялпи гуллаш даврида ўроқ, ўриш ускуналари, силос йиғич агрегатлари ёрдамида йиғиб олинади. Йиғилган хом-ашё хўл ҳолатда 1-1,5 см узунликда қирқилади. Ёғочга айланади бошлаган поя ва новдалари қуриганда анча қаттиқ бўлади. Майдалаб қирқилган хом-ашё шийпонда 3-4 см қалинликда ёйилади, бир текис қуриши учун вақти-вақти билан ағдариб турилади. Қуриган хом-ашё ичига оқ қофоз тўшалган фанер қутиларга жойланиб, устига ёрлик ёпиштирилади. Саклаш шароитлари ва муддати белгиланмаган.

Бош ўсимлик экинзорларида (кўчат қилиб экилган) ўсимликлар уруғи тўлиқ пишган даврида - ноябрь бошларида ўрилади, хом-ашё хирмонга олиб борилади, брезент устига ёйиб, 1-2 ҳафта қуритилади ва янчилади. Янчиш вақтида тўкилган бошоқлар 0,5-1,0 мм катакли элакларда эланиб, совурилади. Тозаланган уруғлар бўз қопчаларга жойланиб, устига ёрлик ёпиштирилади.

Уруғларни бошоқдан ажратиб олишда электр кофетуйгич ёки электр гўштмайдалагич ускуналаридан фойдаланиш мумкин. Уруғларни сақлаш муддати ва шароитлари белгиланмаган.

Тукли эрва хом-ашёси поя қисмларидан, япроқ илдиз, бошоқ ва уруғлардан иборатdir. Ранги кулранг, хидсиз, таъми мавҳум.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Унинг дамламаси бўйрак, ковуқ касалликларини даволашга тавсия этилади. Хиндистон ва Цейлон халқ табобатида пол-

пола гельминтга қарши, сийдик хайдовчи, мулойимлаштирувчи восита сифатида қўлланади, илдизлари эса бош оғриғида аскотади.

Тавсиялар. Тукли эрва экини Ўзбекистонда бир йиллик ўсимлик ҳисобланади, доривор хом-ашё олиш учун (ер усти қисми) бевосита яланг тупрокда экиласди, уруғ олиш учун бош ўсимликлар албатта етилиши керак, шунингдек иссиқхонада сабзавот (помидор, бақлажон, карам ва ҳоказолар) сингари ўстирилиб, кўчат қилиб ҳам ўтказилади.

БЕШБАРГ (ФОЗПАНЖА) – ЛАПЧАТКА ПРЯМОСТОЯЧАЯ – *POTENTILLA ERECTA* (L.) RAEUSCH.

Ўсимликнинг тавсифи. Кўп йиллик илдизпояли ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 30-36 см.ни ташкил этади. Илдизпояси ётиқ, нотекис йўғонлашган, ёғочланган, қизғимтири-кўнғир тусли, узунлиги 2-7, кўндаланг кесими 1-3 см, қўплаб қўшимча илдизлари борки, уларнинг учидан ўсуви қуртаклар бор. Илдизпоядаги тангачали барглар кўлтифидан поя ва тўп барггуллар ўсиб чиқади. Поялари тик ҳолатда ёки кўтарилиб борувчи, юқори қисми шохланган, калта тукли. Барглари уч қисмли, йирик қунгурали, ётиқ тукли. Гуллари якка-якка ҳолда поя учидан ёки ён томонида бўлади, гул банди узун, кўндаланг кесими 10 мм.га яқин, тўрт бўлмали. Мевалари кўп ёнғоқли бўлиб, кўкиш-сариқ рангли, 2 мм узунликдаги тухумсимон алоҳида-алоҳида ёнғоқларга бўлинib кетади.



Ўсимликнинг тарқалиши. Фозпанжа ўсадиган майдон Россиянинг Европа қисмининг узоқ шимолий-шарқий ва Кавказдан ташқари бутун ҳудудини эгаллаган. Табиий шароитда Ўрта Осиёда учрамайди.

Ўрмон ялангликлари ва этакларида, ўрмон кесилган жойларда ҳамда сувсиз, нам ва ботқоқли ўтлокларда ўсади. Кислотали, чириндиси кам тупроқни маъқул кўради.

Агротехник тадбирлар. Асосий шудгор вақтида ҳар гектар ерга 20-30 тонна гўнг ва 40-50 кг фосфор солинади. Экиш муддатигача ер 1-2 марта юмшатилади.

Уруғдан кўпаяди. Экишдан олдин уруққа ишлов беришнинг ҳожати йўқ, уруғ 0,5-1 см чуқурликка экиласди. Баҳорда, март охирларида экилганда майсалари 10-16 апрелда ўсиб чиқади. Ўсимлик ривожланишининг ilk босқичларида тупроқнинг тоза бўлишини талаб қиласди, бегона ўтлар уруғдан униб чиқсан кўчватларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўсимлик ишлов бериш давомида 10-12 марта сугорилади, юмшатилади, ўтоқ ва 3-4 марта чопик қилинади. Ўзбекистон шароитида май бошларидан шоналайди, ўрталарида гуллайди ва июннинг бошларида уруғ пишиб етилади. Ўсимлик ривожи октябрь ойининг охирларида тугайди.

Фозпанжа экинзорларида олиб бориладиган ишларнинг санавий режаси

| Ишлар тури | 1-йил | 2-йил |
|---|------------|-------|
| Шудгорлаш вақтида гектарига 150-200 килогрдан суперфосфат ўғити солиш | 20. X гача | - |
| 30 смгача чуқурликда шудгорлаш ва кетма-кет молалаш | 25.X | - |
| Кузги экиш | 30. X | - |
| Баҳорги экиш | 01.IV гача | - |
| Эгат олиш, сугориш | 10-15.1V | - |

| | | |
|---|--------------|-----------|
| Ер юмшатиш, қўлда ўтоқ қилиш, | | |
| Яганалаш | 25.IV | - |
| Эгат олиш | 10.V | - |
| Суғориш | 12. V | - |
| Суғориш | 10. VI | 10. VI |
| Ерни юмшатиш | 15.VI | 15. VI |
| Ўғитлаш-селитра (азот) гектарига 100 кг | 18. VI | 18. VI |
| Эгат олиш | 19. VI | 20. VI |
| Суғориш | 3XVI | 22. VI |
| Суғориш | 20. VII | - |
| Ерни юмшатиш | 25. VII | 25. VII |
| Ўғитлаш: гектарига 150-200 килогр суперфосфат ва 100 килогр азот | - | 28. VII |
| Эгат олиш | 29. VII | 29. VII |
| Суғориш | 30.\ II | 30. VII |
| Уруғ йиғишнинг бошланиши | - | 05.VIII |
| Ерни юмшатиш | 20. VIII | 15.VIII |
| Ўғитлаш: гектарига 150-200 кг суперфосфат | 25. VIII | 17.VIII |
| Эгат олиш | 28. VIII | 19.VIII |
| Суғориш | 30. VIII | 30. VIII |
| Суғориш | 2J. IX | 05.IX |
| Ер устки қисмини ўриб даладан олиб чикиш | - | 03. X |
| Илдизларни қазиб олиш | 05.X-25. X I | 05.X-25X1 |

Ўсимлик ер устки қисмининг ҳосилдорлиги биринчи йилда гектар ҳисобига 4-5 центнерни, кейинги йилларда 10-12 центнерни ташкил этади. Илдиз ҳосилдорлиги 3-вегетация йилидан сўнг 13-15 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Илдизпояси кузда - октябрь-ноябрь ойларида тайёрланади. Кичикроқ майдонда илдизпоялар белкурак ёрдамида, катта майдондаларда эса плантажли плуг ёрдамида қазиб олинади. Илдизпоя силкитилиб, тупроғи туширилади, илдизларининг қуриган қисми қирқиб ташлангач, сув билан ювилади ва очик ҳавода қуритилади. Сояда юпқа қилиб ёйиб обдон қуритилгандан сўнг, тупроқдан, майда илдиз ва зарарланган қисмлардан қайта тозаланади.

Хом-ашё қопга жойланган ҳолда яхши шамоллатиб туриладиган хоналарда 4 йилгача сақланиши мумкин.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Фозпанжак илдизпояси тик бўлиб, таркибida 14-31 % ошловчи моддалар бор. Ундан қайнатма ва спиртли шира олинадики, улар ошқозон-ичак йўллари касалликларида, оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнларида, ички қон кетишда қонни тўхтатувчи восита сифатида фойдаланадиган буриштирувчи модда тарзида ишлатилади.

Тавсиялар. Фозпанжак Ўзбекистоннинг барча турдаги тупроқларида экиб ўстириш мумкин. Шудгор қилиб қуйилган ер ёки қатор оралари юмшатиб туриладиган экиндан бўшаган майдонлар Фозпанжак экиш учун ниҳоятда мақбулдир.

БҮЛАКЛИ (ДОРИВОР) ИТУЗУМ – ПАСЛЕН ДОЛЬЧАТЫЙ- *SOLANUM LACINIATUM ALT.*

Ўсимликнинг тавсифи. Ўсимлик табиий ҳолда доимий яшил бута, маданий ҳолда эса бўйи 3 метрга етадиган бир йиллик ўсимлик. Илдиз тармоғи - ўқ илдиз, асосан тупроқнинг ҳайдаладиган қаватида жойлашади. Илдиз бўғзининг йуғонлиги 2,4 см. (1,0 см.дан 4,7 см.гача). Илдизи олтинчи тартибгача тармоқланади. Пояси тик, юмалоқ шаклда, паншахасимон шохлайди. Поядаги шохлар сони 4 тадан 5 тагача. Япроқлари қисқа бандли, пойма-пой патсимон тармоқланган, узунлиги 37, кенглиги 26 см. Гуллари йирик бинафшаранг-кўкиш, 1,5-2 см.ли 5 та гулбарги бўлиб, улар биттадан то 25 тагача микдордаги гажак тўпгул шодасига тўпланган. Меваси - тухумсимон, тўқсариқ, серсув бўлиб, узунлиги 2-2,5, кенглиги 1,5-2,0 см келади. Уруғлари оч ва тўқ жигарранг, бўйраксимон тузилган, узунлиги 1,4- 2,5, кенглиги 1-1,8 мм., ғадир-будир. Шунингдек меваларида сарғимтир-оқиш тошсимон катаклар бор.

Ўсимликнинг тарқалиши. Табиий ҳолда катта итузум Австралия, Янги Зеландия, Тасмания ва Янги Гвинеянинг тропик ва субтропик ерларида ўсади. Бир йиллик ўсимлик сифатида Наманган вилояти Поп тумани Абу Али ибн Сино номидаги давлат ўрмон хўжалигида етиштирилган.

Агротехник тадбирлар. Кўп йиллик тадқиқотлардан маълумки, катта итузум ёруғлик ва иссикликни маъқул кўради, вақти-вақти билан суғориб туришга, тупроқ унумдорлигига, азотли ўғитларга талабчан ўсимлиқдир.

Ўзбекистоннинг ҳар кандай турдаги тупроғи, айниқса, механик тузилиши яхши, унумдорлиги ҳар хил, оч, тўқ бўз тупроқлар катта итузум етиштириш учун қулай.

25 см чукурликда асосий кузги шудгор ўтказишдан олдин гектар ҳисобига 50 тоннадан гўнг ва 80-100 кг.дан фосфор солинади.

Экинлардан бўшаган, бегона ўт буткул йўқолиб кетадиган ёки кескин камаядиган маккажўхоридан бўшаган ерлар, дам бериб қўйилган ерлар катта итузум экиш учун жуда мақбул ҳисобланади. Баҳорда, экиш олдидан тупроқ яхшилаб текисланади, молаланади: енгил молалашда икки марта эгри-бугри тарзда, оғир молалашда гардишли мола билан иш олиб борилади.

Март ойининг бошларида СТХ-4 ёки сабзавот экиш ускунасида қатор оралари 60 см масофада уруғлар экиласи ва ускунага саёзроқ суғориш эгатлари олиш учун окучник тиркалади. Гектарига 5 кг.дан уруғ сарфланади, уруғ 1,5-2 см чукурга қадалади. Кетма-кет сингдириб суғорилади. Иссиқсевар ўсимликларни тунда суғорган маъқул. Майса унгунига қадар тупроқ юзаси нам ҳолатда сақлаб турилиши керак. Майса апрельнинг биринчи ўн кунлигига ўсиб чиқади.

Оғир тупроқларда, ёмғирдан кейин ер усти қатқалоқ бўлиб, майсанинг чиқишига тўскинлик килади. Уни игнали ғалтаксимон ускунада кетказилади. Апрель-май ойларида кўчатларнинг ер устки қисми суст ривожланади, майсалар бу вақтда бегона ўтлардан ўзини ҳимоя қила олмайди. Шу боисдан икки марта ер юмшатилиб, ўтоқ қилиниши лозим. Айни вақтда кўчатлар зич ерларда ягона қилинади ва ҳар 15-20 см масофада 1-2 тадан ўсимлик колдирилади, шунда ҳар гектар ерда 200-250 минг туп ўсимлик бўлади.



Июнь ойидан сентябрга қадар пояларнинг ўсиши қучаяди, ўсимликлар бўйи 220-280 см.га етади. Бу вақтда шох-шаббалари чирмасиб кетгунига қадар, айни вақтда культивация қилинади, гектарига 100-150 кг.дан азот солинади.

Катта итузум намсевар, мавсум давомида 6-8 марта суғорилади (май-1, июнь-2, июль-2, август -1 (2), сентябрь-1).

Ғўза алмашлаб экиладиган, эскидан ҳайдаб келинадиган бўзтупроқларда хом-ашё ҳосилдорлиги гектарига 50-52 центнерни, уруғ эса 2-4 центнерни, оч, гипсли ва шағалли бўзтупроқларда тегишлича 20-22 центнер ва 1,5 центнергачани ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Пишиб етилган мевалари сарғаяди, пишишига қараб қўлда терилаверади, қиёмига етиши учун (июнь охири-сентябрь) бурт(хандак)ларга жойланади ва вақти-вақти билан ҳарорати назорат қилиб турилади, ҳарорат 45 даражадан ортиб кетмаслиги керак, акс ҳолда мевалари ёрилиб кетади. Меваларининг қайта ишлашга тайёрлик белгиси уни сал эзганда устидаги пўстининг ёрилиши ва уругининг этдан ажралишидир. Уруғлар 1x1 мм катакли сим ғалвирлардан эзиз ўтказиш ва этини сув билан яхшилаб ювиб ташлаш йўли билан мева пўстидан тозаланади. Шуни назарда тутиш керакки, катта итузум уруғлари қулай ҳароратда, етарли даражадаги намлик шароитида, ҳатто қуритаётганда ҳам кўкаравериши мумкин. Шунинг учун икки ҳафта ичida уруғлар шабадали-соя жойда юпқа қилиб ёйиб қуритиш усулида пўстидан ажратилади. Қуриган уруғлар тозалаш учун пектусдан ўтказилади, кейин қопларга жойланади ва устига ёрлик ёпиштирилади.

Маромида пишиши учун хандакларда сақланади. Хом-ашё унда “саласадин” моддаси энг кўп бўлган даврда - август-сентябрь ойларида, пишиб етилган меваси 2-3 марта йиғиб олинганидан кейин ўрилади. Катта итузум силос ускунасида ўриб олинади. Ўриб, майдалаб қирқилган масса юпқа қилиб очиқ майдонларга ёйиб қўйилади ва қунига бир неча бор паншаха билан ағдариб турилади. Куёш чараклаб турган вақтда хом-ашёнинг қуриш жараёни 2-3 ҳафта давом этади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Гуллаш, мева туғиши даврида ўриб олинган катта итузумнинг ер устки қисми прогестерон, картизон, дизак-сикортикостерон ва бошқа шу туркумдаги стероид гормонлар, саласодин ва саламаргин сингари ниммаҳсолотлар ишланадиган хом-ашё ҳисобланади. Бу дори-дармонлардан бод, бўғим яллиғланиши, баъзи қон касалликларида, нафас сикишида, яллиғланиш жараёнларида, кўз ва тери касалликларида, экземада самарали фойдаланилмоқда.

Тавсиялар. Мунтазам суғориб турилмаса япроқ ва меваларининг бир қисми тўқилиб кетади, хом-ашё таркибида саласадин микдори камаяди. Юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилиб иш олиб борилганида хом-ашё таркибидаги саласадин микдори 1 %дан ортади, бу стандартга мувофиқ келади. Ўзбекистоннинг ҳар кандай турдаги тупроғи, айниқса, механик тузилиши яхши, унумдорлиги ҳар хил, оч, тўқ бўз тупроқлар катта итузум етиштириш учун қулай.

ПУШТИ БЎРИГУЛ (ПУШТИ КАТАРАНТУС) – БАРВИНОК РОЗОВЫЙ (КАТАРАНТУС РОЗОВЫЙ) – *CATHARANTHUS ROSEA* L.

Ўсимликнинг тавсифи. Ҳар икки ярим шарлар тропикларидаги доимий яшил бута, бўйи 60 смга етади. Ўзбекистон шароитида бу ўсимлик бир йиллик, кўчат қилиб ўтказиладиган экин ҳисобланади. Илдиз тармоғи ўқ илдизли бўлиб, иккинчи тартибли илдизлари кўплигидан 50 см узунликдаги бош илдизни фарқлаш қийин. У оқиши ёки сарғимтири-оқиши. Пояси тик, юмалоқ, сершоҳ, бўйи 70 см.гача етади. Барглари бандли, эллиптик ёки узунчоқ-эллиптик, 5 см.дан 10 см.гача узунликда, кенглиги 1 дан то 3 см.гача. Гуллари пуштиранг ёки оқиши, якка тартибли, икки жинсли, бешта косачасимон баргли. Эни 2,5-4 см, меваси тўқ жигарранг икки баргакли, узунлиги 5 см, кенглиги 0,5 см.гача етади. Уруғлари қорамтириб, бўртмали, тухумсимон, узунлиги 2, кенглиги 1,3 мм.га етади. 1000 дона уруғ вазни -1,6 гр.

Ўсимликнинг тарқалиши. Табиий ҳолда тропик ва субтропик мамлакатларда, гарбий Осиёда ўсади.

Агротехник тадбирлар. Тажрибалардан аниқланишича, пушти бўригул Ўзбекистон шароитида ёруғсевар, нисбатан намсевар, ўғитга ва тупроқ унумдорлигига талабчан ўсимликдир. Нисбатан енгил тупроқларни маъқул кўради. Ҳаётининг биринчи ойда бегона ўтлар билан суст рақобат килади. Кўчат қилиб ўтқазилганда ўсиш ва ривожланишнинг тўлиқ даврини ўтайди, ҳайдаб экиладиган бир йиллик экин сифатида салқин йиллари уруғи пишишга улгурмайди ёки уларнинг ҳосилдорлиги пасайиб кетади. Бахорда, ўтган йилги ҳайдалмаган экинзорларда тўкилиб қолган уруғларнинг ялпи униб чиқиши кузатилади.



Хом-ашё (барг) олиш учун ўсимликнинг уруғи очиқ майдонга экилади. Шуни назарда тутиш керакки, унинг ниҳоллари май ойининг дастлабки кунлари униб чиқади, ҳаётининг биринчи ойи мобайнида ниҳоллар суст ривожланади. Шунинг учун бегона ўтлардан яхшилаб тозаланган майдонларга экиш зарур. Бир йиллик экинлардан бўшаган майдонлар бу ўсимлик учун жуда мақбулдир.

Тупроқнинг ҳосилдорлик даражасига боғлиқ равишда кузги шудгор вақтида гектарига 80 тоннадан 100 тоннагача гўнг ва 80 кг.дан 150 кг.гача фосфор солинади. Ер 25 см.гача чуқурликда ҳайдалади.

Бахорда бегона ўтларни йўқотиш учун 20 кун оралатиб икки марта чизелланади ва экинзор текисланади. Уруғ апрелнинг ўн кунлигига, яхши ишлов берилган, майин қумоқ тупроққа сабзавот эккич ускунада қатор оралари 50 см.дан қилиб экилади. Ҳар гектар ерга 4-5 кг уруғ сарфланади, уруғ 0,5 см чуқурга экилади. Бир текис экиш учун уруғ қадаш олдидан 1/100 нисбатда кум ёки чириган-кукунсимон гўнг аралаштирилади. Бир йўла суғориш эгатлари олиш учун экиш ускунасига окучник тиркалади. Экиш учун майда эгатлар олинади. Экилган уруғлар ювилиб кетмаслиги учун жилдиратиб суғорилади, суғориш эгатлари тўғриланади. Тупроқ иссиклигини сақлаш учун суғоришни тунда ўтказиш тавсия этилади. Майса ҳосил бўлгунига қадар (6-20 май) тупроқ юзаси нам холда сақланади. Бунда шуни хам назардан қочирмаслик керакки, бу тропик ўсимлик бўлганилиги учун унинг уруғлари тупроқ ҳарорати барқарор равишда 20 даражада ва ундан юкори бўлганида униб чиқади. Ўсимликнинг навбатдаги парвариши суғориш, муттасил бегона ўтларга қарши курашиш, азот билан ўғитлашдан иборат. Мавсум давомида 12 марта гача суғорилади (май -2, июнь-сентябрь - 2(3) тадан ва октябрь 1 (0)). Ҳар 2-3 суғорилганидан кейин ер культивацияланади, қаторлардаги бегона ўтлар мотига ёки кетмонда олиб ташланади. 3-4 жуфт барг чиқарганда ягона ўтказилади, 15-20 см оралиқдаги ҳар бир уяда 1 донадан ўсимлик қолдирилади. Бундай усуулда ўсимликларнинг ўзига хос ривожланиши кузатилади, ён новдалар чиқаради, хом-ашё (барглар) ва уруғ ҳосилдорлиги ортади. Шуни айтиш керакки, кўчатлар кўчириб ўтказилганда яшовчанлиги юкори, шунинг учун яганалаш вақтида суғуриб олинган ўсимликлардан сийраклашиб колган майдонни тўлдиришда фойдаланиш мумкин. 9-10 жуфт барглар ҳосил бўлиши билан (60-65 кунда) ўсимлик шоналай бошлайди, 70-75- куни гуллайди. Ён новдалари 81-куни ўсиб чиқади. 125 кунда илк етилган мева кўзга ташланади. Совуқ тушгач, ҳарорат 1-5 даражада бўлганда ўсимлик ривожланиши тўхтайди, ўсимликнинг ўсиб, ривожланиш даври 150-160 кунни ташкил этади.

Ўзбекистонда доривор ўсимликлар хўжаликларини бу ўсимликнинг юкори сифатли уруғи билан таъминлаш мақсадида оналик экинзорларини ташкил этиш зарур. Бундай экинзор учун унумдор, бегона ўтлардан тозаланган, яхши ишлов берилган текисланган ерлар ажратилади.

Кўчатлар иссиқхоналарда 20-24 даражада тайёрланади. Февраль охири - март бошларида уруғ экилади. Чириган барглар, чириган гўнг ва қум баравар нисбатда урукқа аралаштириб 60x45 ҳажмли, бўйи 25 сантиметри ёғоч қутиларга жойланади. Шу қути остига дастлаб керамзит ёки майда шагал (1-2 см) ва йирик донадор қум (2-3 см қалинликда) билан дренаж ҳосил қилинади. Бунда ортиқча сув туриб қолмайди. Бир квадрат метр ерга 2 грамм уруғ экилади. Уруғ 0,5 см чуқурга қадалади ва ҳар куни лейкада суғорилиб, уруғ униб майса ҳосил бўлгунига қадар ер усти нам ҳолатда сақлаб турилади. Уруғ экилганидан сўнг, 8-15 кун ўтгач майса ҳосил бўлади. Шундан кейин суғориш сони камаяди. Дастлабки чин барглар пайдо бўлиши билан кўчатлар қутиларда, бир-биридан 5 см масофада, 1 квадрат метрга 600 дона кўчат ҳисобида ўтказилади. Кўчатларнинг сақланувчанлиги қарийб 100 % ташкил этади. Бир гектар майдон учун 45-50 минг туп кўчат зарур, бунча миқдорда кўчат етиштириш учун 110 квадрат метр ёпиқ жой керак. Талаб даражасидаги кўчатнинг бўйи 10-12 см.

Кўчатларни очик ерга ўтказишнинг оптимал муддати майнинг биринчи ўн кунлиги бўлиб, кўчатли қутилар тўғридан-тўғри далага олиб чиқилади ёки бевосита иссиқхонанинг ўзида танлаб олинади. Танлаб олинган кўчат илдизи гўнг-лой аралаш бўтқага ботириб олиниб, кўчат қутиларига жойланади ва далага олиб борилади.

Кўчатлар қўлда олинган жўяклар ёқалаб пушталарга бир-биридан 20-25 см масофада экилади. Кетма-кет сингдириб суғорилади. Кўчатларни соат 17 дан 20 гача ёки булатли кунларда эккан маъқул, бунда қуёшнинг ўткир киздирувчи нурларидан сақлаш мумкин бўлади. Уруғ олиш учун ташкил этилган оналик экинзорлари ҳам саноат мақсадларидаги майдон экинлари билан бир хил парвариш килинади. Кўчат ўтказилганидан 10 кун кейин экинзордаги тутмаган кўчатлар ўрнига янгисини ўтказиш йўли билан тикланади. Баргдан юқори ҳосил олиш учун мавсум давомида икки марта, культивация олдидан гектарига 50-80 кг. ҳисобида азот солинади; биринчи озиқлантириш шоналай бошлаганда – июль ойида, иккинчи озиқлантириш биринчи ўримдан кейин – август ойининг биринчи ўн кунлигига ўтказилади. Пушти бўригулнинг хом-ашёси - барглари, новдаларининг баргли тана қисмлари, 2 мм.гача қалинликдаги пояларидир. Пояларнинг 2 мм.дан йўғон қисми ташлаб юборилади.

Ўзбекистонда бу ўсимликнинг ўзига хос зааркунандалари ва касалликлари учрамаган. Гектаридан 0,5 центнер уруғ ва 8-10 центнер ер устки қисми олиш мумкин.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг ер устки қисми август ойининг ўрталарида, мева пиша бошлаган даврда ўриб олинади. Бунинг учун ўроқ машинадан фойдаланилади. Ўриб олинган пушти бўригул хом-ашёси 3 см.гача майдаланади, кейин юпқа ёйиб қуритилади. Бир текис қуриши учун хом-ашё вакти-вакти билан паншахада ағдариб турилади.

Қуриган ҳом ашё майдаланган барглардан, мева бўлаклари, майдаланган поя, тўпгул ва шоналардан иборат бўлади. Хом-ашё ранги тўқ яшил. Оч-қўнғир рангли қуриган гуллари бор. Хиди ўзига хос ўткир. Яхши қуриган хом-ашё зичламасдан қопларга жойланади, қуруқ, хаво яхши айланиб турадиган хоналарда сақланади.

Етилган мевасини йиғиши энг масъулиятли босқичдир, чунки пишиб етилганида улар чоклари бўйлаб ёрилади ва уруғлари тўқилиб кетади. Шу сабабли уруғлар ҳар икки кунда бир тонг сахарда йиғилади. Етилган баргаклар яшил тусини ўзгартириб, сариқ рангга киради. Қобиги ичидаги қоп-кора уруғлар кўзга ташланиб туради. Баргаклар пишиб етилишини тезлаштириш учун сентябрь оидан бошлаб экинзорни суғориш сони камайтирилади. Куйи барглари тўқилиб, мевалари бирин-кетин етилаверади. Уруғлари мато халтачаларга 5 кг.дан жойланиб, остига ёрлик ёпиштириб қўйилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тропик мамлакатлар табобатида бу ўсимлик қандли диабет, ошқозон касалликларини даволашда, тинчлантирувчи восита сифатида қўлланади. Баргидан 100 дан ортиқ алкалоид олинган. Шулардан олтитаси хавфли шишга қарши фаолликка эга - винбластин, винқристин, лейрозидин, роведин, лейрозианин. Булар ичida энг кимматлиси винкалейкоустин, лейрокрестин,

виндолин, катарантин, серпентин. Винкалейкобластиндан винбластин, лейроқрестиндан эса винқристин дорилари тайёрланади. Улар бўлиниш босқичида рак хужайраларини тўсиб кўйиш, рак хужайраларининг кўпайишини тўхтатиш қобилиятига эга.

Тавсиялар. Ушбу ўсимлик бегона ўтлар билан рақобатлаша олмаганлиги сабабли бегона ўтлардан тозаланган, бир йиллик ҳайдаб экиладиган экинлардан бўшаган майдонларга экиш тавсия этилади.

ДОРИВОР МАВРАК – ШАЛФЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ - *SALVIA OFFICINALIS L.*

Ўсимликнинг тавсифи. Бўйи 80 смгача (баъзан 100 смгача) етадиган бута. Илдизи бақувват, ёғочланган, 4-тартибгача тармоқланган, сертармоқ, илдизининг асосий қисми тупрокнинг 10-15 см қатламида жойлашган, 60 см чукурликкача етиб боради. Поялари тўрт қиррали, қуви қисми ёғочланган, кулранг тусда, юкори қисми тукли, яшил. Барглари қарама-қарши жойлашган, узунчоқ, бандли, майда кунгурали, узунлиги 2-8, кенглиги 0,8-2,5 см, буришган, тукли, кулранг-яшил. Тўпгули - поянинг энг юкори қисмидаги бошоқсимон қисмидир, у якка ёки шохланган, сохта ҳалқалардан таркиб топган. Гуллари икки лабли, кўк-бинафшаранг.



Меваси 4 дона ёнғоқчадан иборат. Уруғлари куррасимон бўлиб, катталиги 2,2-3 мм. 1000 дона уруғ вазни 7-8 гр.

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўрта ер денгиз бўйи мамлакатларининг тоғли худудларида табиий холда ўсади. Ўзбекистонда доривор маврак унча катта бўлмаган майдонларда хом-ашё олиш мақсадида этиштирилади.

Агротехник тадбирлар. Ўзбекистон шароитида қиши ўта совук бўлганда доривор мавракнинг ёғочланмаган новдаларини совук уради. Ўсимлик иссиқсевар, ёруғликни яхши кўради, қурғоқчиликка чидамли. Экинзорлардан 13-15 йил давомида яхши хосил олинади. Биологик хусусиятларини ҳисобга олиб, уни экиш учун бегона ўтлардан тозаланган, унумдор, сугориладиган, сув узоқ туриб қолмайдиган, сизот сувлар чуқур, автомобиль ўтиш йўлларидан узоқ бўлган майдонлар танланади.

Кузги шудгор вақтида гектарига 30-50 тонна гўнг, 100 кг.дан фосфор солинади. Ноябрь-декабрь ойларида 30 см.гача чукурликда шудгор қилинади. Ўсимлик уруғидан кеч кузда ёки баҳорда экилади. Экишдан олдин майдон молаланиб, текисланади. Уруғ сабзавот экидиган ускуналарда 60-70 см қатор оралигига ва 2 см чукурликка экилади. Гектари хисобига 8-10 кг уруғ сарфланади.

Баҳорда уруғ экилганидан кейин 18-22 давомида униб чиқади. Униб чиққан уруғлар катқалоққа чидамсиз. Шунинг учун ёмғирдан кейин бундай экинзорга игнали ғалтаксимон мослама билан ишлов бериш ёки тупроқ юзасини то майса ўсиб чиққунига қадар нам ҳолатда саклаб туриш керак. Уруғ кўп экилганида, бегона ўтлар кўпайиб кетганида ёки баҳор серёмғир келганида ўсимликларда кулсимон замбуруғлар кўпайиб кетади. Ўсимликда иккинчи жуфт чинбарглар хосил бўлганида, 15 см оралиқдаги уячаларда 2 донадан ўсимлик қолдириб ягона қилинади. Маврак мавсум давомида 8 марта сугорилади, 3-4 марта культивация қилинади ва қўлда ўтаб парваришиланади. Ҳар йили баҳорда, мавсум бошланиши олдидан ўсимликнинг ер устки қисми 5-8 см қолдириб кирқиласи ва даладан олиб чиқиб кетилади. Бунинг учун КИР-15 ёки КИР-1,2 маркали роторли ўроқ- майдалагич машинаси ишлатилади. Гектарига 10 тонна махаллий гўнг, 50 кг фосфор ва шунча микдорда калий солиб озиклантирилади. Калийли ўғитлар

мавракнинг совукка чидамлилигини оширади. Ана шундай тартибда ўғитлангач, эгатлар чукур хайдалиб, қатор оралари юмшатилади.

Барг ҳосили биринчи йили - сентябрда йигилади, кейинги йиллари эса мавсум давомида икки марта: шоналай бошлаганда - май ўрталарида ва сентябр охири - октябрь бошларида йигилади. Барг йигишни кечикириб юбормаслик керак. Шунинг учун ёш новдалар бўйи 5-8 сантиметрга етиши биланоқ барглар йигилаверади. Барглар қуритгичларда ёки шийпонларда 35-40 даражали ҳароратда қуритилади. Қуритишида хомашё вазнининг 25-35 %и қолади, 50 кг.дан тойланади ва қуруқ ерда 1 йил давомида сақланади. Мавракнинг уруғларини йиғиш. Ўсимлик гуллагандан сўнг, уруғ тахминан бир ойлардан кейин етилади ва тўп уруғ рўваклар йигиб олинади. Йигиб олинган уруғ рўваклар хирмонда қуритилади. Уруғи ғалла янчиш машиналарида янчилиб, дон совургич-сархиллаш машинасида тозаланади. Қопларга 10-20 кг.дан жойлаб сақланади. Уруғларнинг сакланиш муддати 3 йил. Барг ҳосили гектар хисобига ўртacha 800 кг олинади. Ўсимликнинг ер устки қисми хом-ашёси гектар хисобига 15 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликдан кўп миқдорда барг йиғиш учун иккинчи йилдан бошлаб ҳар йили эрта баҳорда, шира ажралишидан олдин маврак поялари илдиз бўғзидан кесиб олинади. Вегетациянинг иккинчи йилида ҳосилни йиғиш уруғ пишиш даврида(июннинг бошида) бошланади. Бу вақтда баргларда эфир мойининг миқдори энг кўп бўлади (1,4-1,6%). Иккинчи ўримни эса октябрь оидан кечиктирмаслик зарур. Маврак хом-ашёси 10-20 см ёйилган ҳолда салқин жойда қуритилади. Таркибидаги эфир мойини йўқотмаслик учун сунъий усуlda қуритиш 60°C дан ошмаган ҳароратда амалга оширилади. Қуритилган барглари майдаланиб 25-50 кг ли қопларга солинади ва 1,5 йил давомида қуруқ жойда сақланади. XI ДФ талабларига кўра доривор маврак маҳсулоти бутун барглар ва 1 мм дан 35 мм атрофидаги барг бўлакчалари, унча кўп бўлмаган ўсимлик бошқа қисмларидан иборат бўлиши шарт. Маҳсулот таркибида эфир мойининг миқдори 0,8% дан кам бўлмаслиги, умумий кул 12% дан, корайиб, қўнғир тусдаги барглари 5% дан, мавракнинг бошқа қисмлари 13% дан, органик аралашмалар 3% дан, минерал аралашма 0,5% дан ошмаслиги керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Мавракнинг барглари дориворлик хусусиятига эга. Доривор мавракнинг баргларидан тайёрланган дамлама дезинфекцияловчи ва шамоллашга қарши восита сифатида стоматит бўлганда, оғиз бўшлиғи ва томокни чайишда, юқори нафас олиш йўлларини тозалашда қўлланилади. Мавракнинг гуллари антибактериал прерарат – сальвин олиш учун ишлатилади. Халқ табобатида маврак барглари ошқозон яраси, колит, жигар, буйрак хасталикларини даволашда, бронхитда балғам кўчирувчи, юмшатувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Маврак баргларидан тайёрланадиган дамлама. 10 г (2 ош қошиқ миқдорида маҳсулот олиниб сирланган идишга солинади, устидан 200 мл (1 стакан) қайнаган иссиқ сув қуйиб сув ҳаммомида 15 дақиқа давомида қиздирилади. Сўнгра 45 дақиқа совутилади, докадан ўтказилади, қолган масса сиқилади. Олинган дамламанинг устига дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунича қайнаган сув солинади. Дамламани салқин жойда 2 кун мобайнида сақлаш мумкин. Дамламани терининг шамоллаш касалликларида, тери жароҳатланганида, қуйганида ва совук урганида ишлатилади; бунда дамламага ботирилган докали сальфеткалардан фойдаланилади, шунингдек, доривор маврак дамламаси билан ванна қилиш ҳам мумкин. Ўсимликнинг барча органларида эфир мойи (баргларида 0,5-2,5%) мавжуд. Ундан ташқари барглар таркибида алкалоидлар, ошловчи моддалар, уваол, парадифенол ва В гурухи витаминалари бўлади. Илдизида юқори фаол табиий антиоксидант ва дитерпеноидли хинонлар, гулларида эса – сальвин ва унинг монометил эфир моддаси бўлади.

Тавсиялар. Катта плантацияларда етиштириш мумкин. Плантацияларга кўчатидан ўтқазилади. Плантацияларни ўрмон тоғолди адирликларидаги суғориладиган

майдонларда, асосий қишлоқ хўжалиги экиладиган суғориладиган майдонларда ташкил этиш мумкин.

САМАРҚАНД ЎЛМАС ЎТИ - БЕССМЕРТНИК САМАРҚАНДСКИЙ - *HELICHRISUM MARACANDICUM* M.POP.

Ўсимликнинг тарқалиши. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятлари тоғларининг ўрта ва қуи қисмида тошли, шағалли тупроқларида ўсади. Ўрта Осиёда Тян-Шань ва Помиролой тоғ тизмаларида тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликнинг хомашёсининг захираси камайиб кетаётганлигини ҳисобга олиб, унинг плантацияларини ташкил этиш учун уруғларини август-сентябрь ойларида териш мақсадга мувофиқдир.

Кузги шудгор вактида гектарига 30-50 тонна гўнг, 100 кг.дан фосфор солинади, майдон 25-30 см чуқурликда шудгор қилинади. Уруғ экишдан олдин феврал ойининг охирида тақорорий шудгор қилиниб, 7-8 кундан сўнг майдон бир марта молаланиб, текисланади ва 60-70 см қатор оралиғида жўяқ тортилади. Экиш учун 5-6 кг уруғ 1/100 нисбатда қумга аралаштирилади. Тайёрланган аралашма 1 гектар майдонга қатор устига сепилади ва биринчи марта (чиқартирувчи суғориш) захлатиб суғорилади.

Баҳорда уруғ экилганидан кейин 15-20 кунда униб чиқади. Улар тупроқ юзасида ҳосил бўлган қатқалоқни ёқтирмайди, шунинг учун ёмғирдан кейин бундай экинзорга игнали ғалтаксимон мослама билан ишлов бериш ёки тупроқ юзасини то майса ўсиб чиққунига қадар нам ҳолатда сақлаб туриш керак. Вегетация давомида октябр ойига қадар 12 марта суғорилади. Шунингдек ёз мавсумида 3 марта қатор оралари юмшатилиб бегона ўтлардан тозаланади. Иккинчи вегетация йилида ўсимлик тупроқка мослашгандан сўнг суғориш сони 3-4 марта ташкил этади. Сабаби ўсимлик қурғоқчиликка чидамлилик хусусиятига эга. Кейинги йилларда эса 2-3 марта суғориш амалга оширилади.

Биринчи вегетация йилида майдонда айрим ўсимликларда тўпгул ҳосил бўлади, лекин ялпи гуллаш иккинчи вегетация йилида кузатилади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига иккинчи вегетация йилида 4-5 центнер, кейинги йилларда 7-8 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Тўпгулларидан маҳсулот тайёрлаща алоҳида қилиб саватчалар ёки 2 см дан узун бўлмаган пояли саватчалар кесиб олинади. Ўсимликни илдизи билан суғуриб олиш мумкин эмас.

Кесиб олинган гуллар 15-20 кг ли қопларга солинади, кесилмаганлари эса 50 кг дан тойланади. Тайёрланган маҳсулотни қуруқ, яхши шамоллатиладиган хоналарда 3 йил мобайнида сақлаш мумкин.

Маҳсулот шийпонлар остида ёки қуритиш мосламаларида 50⁰C ҳароратда қуритилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимликнинг дамламаси ва қайнатмасидан сафро ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида, шунингдек айрим тери касалликларида ҳам фойдаланилади. Гулларидан – флаваноидлардан: изогелихризин, наренгенин, эпигенин, камферол, кверцетин, кумарин, стерин, эфир мойлари, витаминлар, смола, ошловчи ва бўёвчи моддалар олинади.

Тавсиялар. Самарқанд ўлмас ўти истиқболли ва қимматли доривор ўсимлик ҳисобланиб, унга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бироқ табиатда унинг захираси кам бўлиб, хозирги кунда Самарқанд ўлмас ўтини саноат экинига айлантириш муаммоси долзарб бўлиб қолди. Бу муаммо эса катта ва чукур илмий амалий ишланишларни талаб этади.

Тоғ минтакасидаги унумдор тупроқларда ўстириш ва кўпайтириш мумкин.

ФОРС ЗИРАСИ - БУНИУМ ПЕРСИДСКИЙ - *BUNIUM PERSICUM* (BOISS.) K.POL.

Ўсимликнинг тарқалиши. Зира Республикаиз худудида денгиз сатҳидан 700-2000 метр баландликда адир ва тоғларда ҳамда ғарбий Тяньшан ва Памиролой тоғ тизимиға мансуб жойларда ўсади.



Кум ёки чириндига аралаштирилади ва қатор оралари 70 см.дан қилиб экиш ускуналарида экилади.

Уруғ баҳорда экилганида 10-15 кунда униб чиқади. Ҳарорат пасайиб кетишининг зираға салбий таъсири кузатилмаган.

Уларнинг ривожланиши август ойида тўхтайди, ер устки қисми қурийди, қайта тикланиш куртаклари ҳосил бўлади. Иккинчи иили бўйи 30-40 см.га етади, кийғос гуллаб мева тугади. Зиранинг ўтоқ қилинади, яганаланади, бегона ўтлардан тозаланади ва қатор оралари юмшатилиб парвариш қилинади. Ўсимлик тупларининг зичлиги бир метрга 10-15 тадан бўлиши керак.

Агротехник тадбирларга қатъий амал килинганда уруғ ҳосилдорлиги сугориладиган майдонларда гектар ҳисобига 0,3-0,5 центнерни, таъминланган лалмикор ерларда эса 0,10-0,15 центнерни ташкил этади.

Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Зиранинг уруғ маҳсулдорлиги унинг ўсадиган жойига боғлиқ. Уругининг энг катта миқдори денгиз сатҳидан 1400 метр, камроғи эса 700 метр баландликда бўлади, шунда 1 гектардан 3-8 кг ҳосил олинади. Ўзбекистонда зира экинзорлари 8,2 гектарни ташкил килади. Зира мевалари бир вақтда пишмайди. Етилган мевалар тез тўкилиб шамолда учиб кетади, шунинг учун уни эрта тонгда ёки кечқурун терилади. Адир минтақасида (800-1000 метр д.с.б.) зирани териш учун энг қулай пайт июль ойининг биринчи ярми, тоғнинг қуи кисмларида (1100-1400 м.д.с.б.) июль ойининг иккинчи ярми ва август ойлари ҳисобланади. Зирани қўлда териш энг самарали усуслардан биридир. Қўлда ўрилган зирани 5-8 кун мобайнида шамол яхши ўтиб турадиган жойда қуритилади. Зира тайёр хом-ашёсининг ҳиди хушбуй, ширинроқ ҳамда мазали бўлиши керак. Органик аралашмаси 2 % дан, хушбуй ҳидли қолдиқ аралашма 4,5 – 5 % дан, намлиги 10-13 % дан, кул 8 % дан ошмаслиги керак. Тайёр маҳсулот 25-50 кг ли қопларга жойланиши керак. Зирани бошқа хушбуй ҳидли қуруқ ўсимликлардан алоҳида сақлаш керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Маълумки зира 250 дан ортиқ овқатга ишлатилади. Ундан ташқари колбаса, қази тайёрлашда, гўшт ва балиқларни консервалашда, сабзавотларни тузлашда, ҳалқ табобатида эса пешоб ҳайдовчи воситаси сифатида қўлланилади. Абу Али ибн Сино зира уруғини қора талоқ саратонида унинг

дамламасини қон тұхтатувчи воситаси сифатыда құллаган. Сүнгги пайтларда зира озиқ-овқат саноатида, кулинарияда ишлатилмокда. Шу боис ундан тежамли фойдаланиб, зира әкинзорларини мухофаза қилиш чораларини күриш зарур.

Тавсиялар. Табий холда уруғининг захираси 0,5-1 тонна бўлиб, хом-ашё тайёрланиши назорат остида бўлиши керак.

ҚИЗИЛ ҚОН ТУСЛИ ЁРОНГУЛ – ГЕРАНЬ КРОВАВОКРАСНЫЙ – *GERANIUM SANGUINEUM L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўзбекистон шароитида бу ўсимлик интродукция қилинган. Табий флорада учрамайди, декоратив (манзарали) ва доривор ўсимлик сифатида ўстирилади.

Агротехник тадбирлар. Ер кеч кузда 25-30 см. чукурликда шудгор қилинади. Шудгордан олдин ҳар гектарига 50 тоннадан гүнг ва 50 кг.дан фосфор, 20 кг.дан калий ўғитлари солинади. Плантация ташкил этиш учун ўсимлик илдизпояси орқали кўпайтирилади. Ўсимликнинг вегетация даври бошланмасдан февраль ойининг охири ва март ойининг бошларида оналик плантацияларидан чим илдизпоялар ковлаб олинади. Ҳар бир илдизпояда 2-3 донадан куртак қолдириб кесилади. Тайёрланган илдизпоя 90 см оралиғидаги қаторларда 10-15 см чукурликда март ойида экилади. Биринчи вегетация йилида 7-8 марта (март-июнь - 1, июль – август – 2, сентябрь-1) суғорилади ва икки марта қатор ораликлари чопик қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига биринчи йилда 2-3 центнерни ва 3-4 – йилларда 8-10 центнер, кейинги йилларда 15 центнергача етади.



Хом-ашёни тайёрлаш ва унинг сифати. Доривор мақсадларда ўсимликнинг илдизи ва илдизпояси ишлатилади. Хомашёси эрта баҳорда, мартда – апрелнинг биринчи ярмида ёки вегетациясининг охири – август бошланишидан совуқ тушгунга қадар тайёрланади. Уни белкурак ёрдамида кавлаб олиб, тупроғи қоқиласи, кесилади ва ўсимликнинг ер устки қисми ажратилади. Кейин ювилмаган илдизи ва илдизпояси сўлдириш учун қўйилади. Сояда айвон тагида ёки қуритгичларда 45°C ҳароратда қуритилади. Сақланиш муддати 2 йил. Табий майдонларда ўсимликнинг қайта ўрими 3 йилдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Боғ ва узумзорлар орасида маданий ҳолда ташкил этилган ёронгулнинг ер устки қисми ҳар йили (февраль-апрель бошларида, шунингдек ноябрда) қатор оралиqlарининг биринчи ҳайдалиши билан ўрилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ёронгул турларининг дамламаси буриштирувчи хусусиятга эга. Тиббиёт амалиётида ич кетишида, дизентерияда, оғир болалар ич кетишида, ўткир ва сурункали энтероколитда қўлланилади.

Доривор формаси: дамламани тайёрлаш учун – идишга 2 чой қошиқ қуруқ ўт солиниб, устига 2 стакан совуқ сув қўйилади, 8 соат давомида тиндириб қўйилади ва ҳар 1-2 соатда 1 чой – 1 ош қошиғида ичилади.

Халқ табобатида ҳам унинг сувли қайнатмасидан - ўпқадан қон кетишида, оғиз бўшлиғи ва ангинада чайишда, йирингли яраларда ювишда ёки бутун ўсимликнинг спиртли дамламаси -юрак оғригандан томчилатиб ичишда ишлатилади.

Ёронгул таркибида кўп миқдорда ошловчи моддалар (гулларида – 16% дан ортиқ), каротин, витамин С мавжуд.

Тавсиялар. Суғориладиган унумдор тупроқларда плантациясини ташкил этиш мумкин. Мевазорлар ичидан ҳам ўстириш мумкин.

БОЗУЛБАНГ – ЗАЙЦЕГУБ ОПЬЯНЯЮЩИЙ –*LAGOCHILUS INEBRIANS* BUNGE

Ўсимликтарни тарқалиши. Ўсимлик фақат Ўзбекистонда (асосан Самарқанд вилоятида) ва Шимолий Тожикистанда тарқалган. Чалачўл ва чўл текисликларида, тоғ ёнбағирларида ўсади. Ўсимликнинг табиий заҳираларидан хом-ашёни кўп тайёрлаш ҳисобига унинг бутазорлари тобора камайиши кузатилиб, маданий плантацияларини ташкил этиш зарурияти туғилмоқда.

Ўсимликнинг бошқа турлари ҳам тиббиётда ишлатиш учун яроқли. Масалан, Ўрта Осиёда ўсадиган *Lagochilus setulosus* Vved., *L. gypsaceus* Vved. ва бошқалар.

Агротехник тадбирлар. Ўсимлик экиш учун ажратилган майдон ноябрь ойида 25 см.гача чуқурликда шудгор қилинади.

Оч, унумсиз бўзтупрокли ерларнинг ҳар гектарига 50 тоннадан гўнг ва 100 кг.гача фосфор солинади. Баҳорда дала молаланиб, текисланади. Одатда март-апрелда сабзавот экиладиган ускунада гектарига 5-6 кг ҳисобига уруғ экилади. Уруғ бир текисда тушиши учун унга 1/5 миқдорида қум ёки бошқа тўлдиргич модда аралаштирилади ва 0,5 см.гача чуқурликда экилади. Шундан кейин экилган ерни ғалтак ёрдамида бир оз зичлаш керак. Майса унгандан кейин тупрокнинг қуруқ юзасига, уруғ экиш ускунасига окучник тиркаб ҳам эгат олинади. Кетма-кет жилдиратиб, сингдириб суғорилади, акс ҳолда экин бутунлай ювилиб кетиши мумкин. Хусусан, уруғ қадалган тупроқ қавати 2-3 хафта мобайнида доим намлиқ сақлангандагина уруғ бир хилда униб чиқиши мумкин.

Уруғ қадалганидан сўнг 10-15 кунда майсалар кўрина бошлайди. Дастрлабки вақтда ўсиш сустроқ бўлади ва уни бегона ўт босиб кетади. Шунинг учун ҳар икки марта суғоришдан кейин ер юмшатилиб, ўтоқ қилинади, экин зич бўлса ягоналанади.

Биринчи йили мавсум давомида 10 марта гача, кейинги йилларда 7-8 марта гача суғорилади. Июлнинг ўрталарида эгат олишдан олдинроқ гектарига 50 кг. ҳисобида азотли ўғит солинади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 8-10 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Бозулбанг ҳосили ўсимлик гуллаш даврида, яъни майдан октябргача бўлган даврда тайёрланади. Ўсимлик тиканли бўлгани учун уни кетмон ёрдамида чопилади. Сояда брезент матоси устида ёки тоза майдонларда қуритилиб, таёклар билан майдаланилади. Ўсимликнинг тўкилган барглари ва гуллари (пояларнинг ингичка қисмлари билан) ҳам терилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимлик препаратлари қон тўхтатувчи хусусиятларга эга ва тиббиёт амалиётида профилактик ва ҳар хил касалликлардаги - қон оқишида доривор модда сифатида ишлатилади (геморрой, ўпка, бурун, жароҳат ва бошқаларда). Шунингдек, артериал босимни ҳам туширади.

Ўсимлиқдаги гемостатик хусусият асосида қон ивиш жараёни фаоллашади ва томир деворларидан ўтказувчанлиги камаяди. Қайнатма ҳолида (1:10) қон тўхтатувчи ва капиллярларни мустаҳкамловчи восита сифатида ичилади.

Ўсимлик препаратларида лагохилин иштирокидаги кальций тузлари, шунингдек, ошловчи моддалар ва витамин К қон ивишини тезлаштиради ва томирлардан ўтказувчанлигини камайтиради, қон босимини пасайтириш таъсирига эга.

Ўсимликнинг гуллари ва баргларидан тайёрланган дамламаси қон тўхтатувчи хусусиятга эга. Уни бачадондан, ўпкадан,



бурундан, яралардан ва бошқа жойлардан қон оқишини тұхтатиши учун, шунингдек, хирургик операцияларда қўлланилади.

Үй шароитида дамлама тайёрлаш учун: 10 г гуллари ва барглари (ёки 3 ош қошиқ) 1 стакан қайнаган сувга солинади. 6-8 соат давомида тиндирилади, кун давомида 6 маҳалгача 1 ош қошиқдан $\frac{1}{4}$ стакан сув билан аралашган ҳолда ичилади. Ўсимлик препаратлари ҳар хил геморрой диатезларда тавсия этилади. Бундай шароитларда дамлама 1/3 стакандан кунига 3-4 марта ичилади. Даволаниш танаффуссиз 2-3 ой давомида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ўсимлик препаратлари бир пайтда тинчлантирувчи модда сифатида ҳам фойдаланилади. Даволашда қўшимча модда сифатида ўсимлик баргларидан тайёрланган дамлама глаукома, гипертониянинг (қон босими ошиши) I ва II даражали касалликларини, терининг аллергик жароҳатларини даволаш учун қўлланилади. Бундай шароитларда дамлама 1:20 нисбатда тайёрланиб, 2 ош қошиқда кунига 3 маҳал ичилади. Айрим беморларда дамлама камқувватлик ва пульс пасайишига олиб келади. Бунда пушти ранг дамлама миқдори 2-3 марта камайтирилади. Қон тұхтатувчи восита сифатида дамламага (1:10) докали салфетка ёки пахта ҳўлланилади ва 2-5 минут қон оқаётган тўқимага кўйилади.



Ўсимликнинг гуллари ва барглари таркибида дитерпен спирт лагохилин, эфир мойи бор. Барглари таркибида ошловчи моддалар (11-14%), органик кислоталар, каротин (6-10 мг/10,0 г), филохинонлар, аскорбин кислотаси, аминстахидрин ва оз миқдорда

кальций ва унинг поясида ошловчи моддалар (6-8%) ҳам мавжуд.

Тавсиялар. Ўсимлик Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Табиий заҳиралари деярли йўқ, бироқ уни Республиканинг Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари лалмиерларида осон етишириш мумкин.

ЎТКИР БАРГЛИ САНО – КАССИЯ ОСТРОЛИСТНАЯ - *CASSIA ACUTIFOLIA* DEL.

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимликнинг ватани юқори Миср (Нил дарёсининг ўрта оқими), Судан ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг иқлими иссик, йилнинг энг совуқ кунларида ҳаво ҳарорати камдан-кам ҳолатларда $5-10^{\circ}\text{C}$ дан пасаяди. Ўзбекистонда доривор ўсимлик сифатида маданийлаштирилган.

Сано ўсимлигини етишириш учун энг маъқул жой, Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳисобланади.

Агротехник тадбирлар. Сано ўсимлиги уруғидан кўпаяди. 1000 дона уруғ вазни 25-35 гр. Униб чиқиши қобилияти 80-95 %, аммо вақт ўтган сари унувчанлиги пасайиб боради. Яхши пишиб етилмаган уруғлар тез унувчанлигини йўқотади.

Сано уруғи униб чиқиши учун ҳаво ҳарорати $18-20^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этиши керак. Уруғлар экилгандан сўнг 6-20 кунда униб чиқади. Униб чиқкан ўсимликлар жуда ҳам секин ўсади ва ривожланади. Ғунчалаш ўсимлик униб чиққанидан 2,5-3 ойдан сўнг кузатилади. Вегетация даври дастлабки совуққача (-1°C) давом этади. Лекин бундай совуққача қолган хом-ашё: барг ва уруғ ўзининг сифатини йўқотади.

Сано ўсимлиги енгил ва ўртача оғирликдаги унумдор тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Намлик юқори ва аэрацияси ёмон бўлган тупроқларга экиш тавсия этилмайди. Чунки илдиз системаси яхши ривожланмайди ва замбуруғ касалликларига тез чалинади. Шунинг учун сано ўсимлиги экиладиган жой ташлама тизими чуқур (1,2-1,5 м) бўлиши, сизот сувлари камида 1,2-1,8 чукурликда бўлиши талаб этилади.

Сано ўсимлиги экишдан олдин иссиқ сувда (30°C) 6-8 соат ивитилади. Ивиган уруғлар экиш учун яроқли ҳисобланади. Ивимаган уруғларни қумга аралаштириб 30 минут давомида уруғ пўсти шикастлантирилади. Бунинг учун қумга аралашган уруғ текис тахта ёки полга ёйилиб қаттиқ буюм ёки брезент қўлқоп билан ишқаланади. Сўнгра иссиқ сувда (30°C) 8-10 соат ивитилади, ушбу вақт мобайнида иссиқ сув 2 марта алмаштирилади. Ивитилаётганда уруғлар қопнинг 1/3 қисмигача солиниши керак.



захлатиб суғорилади.

Нихолларнинг униб чиқиши 5-6 кунда бошланади. Агар униб чиқиш кечикса, қайта суғорилади. Униб чиққан майсалар иккинчи чинбарг чиқаргандан сўнг, 20-25 см да ҳар бир уяда 2-3 донадан килиб ягона қилинади. Иккинчи ягонада 10-15 кундан сўнг 40-50 см да биттадан ўсимлик қолдирилади. Ягона қилиш билан бир вақтда, қатор оралари юмшатилади. Тупрокни зичлашувига олиб келадиган ҳар бир тадбирдан сўнг, қатор ораларини 8-12 см чуқурликда юмшатилади. Суғориладиган жойларда камидা 5 марта культивация қилинади.

Икки марта минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Биринчи озиқлантиришда - шохланиш бошланганда гектар ҳисобига 30 кг азотли, 20 кг фосфорли ўғитлар солинади. Иккинчи озиқлантиришда - гуллаш бошланганда, гектар ҳисобига 20 кг азотли, 30 кг фосфорли ўғитлар солинади. Сано ўсимлигидан барг хом-ашёсини олиш учун 7-8 марта суғорилса, уруғ олиш учун 5-6 марта суғориш мақсадга мувофик.

Сано ўсимлиги баргидан хом-ашё тайёрланадиган майдонларда чеканка ишлари олиб борилади. Чеканка ҳар 15-20 кунда олиб борилиб ўсимликни гуллашга қўйилмайди. Ҳар бир чеканка 1-2 кундан ошмаслиги керак.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг гуллаш ва мевалаш фазасида терилган, қутилган ва янчилган барглари алоҳида баргчаларга ва бандларга, бутун ёки қисман янчилганлари эса ғунча, гул ва етилмаган меваларга эга бўлиши керак. Баргчалари узун ланцетли ёки ланцетли-тухумсимон, ўрта қисми кенгроқ, узунлиги 1-3 см, эни 0,4-1,2 см. Меваси дуккак, силлиқ, қалин, қисман эгилган, узунлиги 3-5 см, эни 1,5-2 см. Баргларининг ранги иккала томондан кулранг-яшил ёки юза қисми сариқ-яшил; меваси – яшил-қўнғир; ғунча ва гуллари – сариқ рангда. Ҳиди унча йўқ, таъми аччикроқ.

Янчилган хом-ашё ҳар хил шаклдаги бўлаклари диаметри 7 мм элак тешикларидан ўтказилади. Ранги кулранг-яшил. Хом-ашёни материал қопларга 40 кг.гача, каноп қопларга эса 15 кг гача солинади. Сақланиш муддати 3 йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Сано препаратлари сурги сифатида ишлатилади. Барг таркибидаги смолалар спиртда ва қайноқ сувда эрийди, бу смолалар ичакни оғритиши хусусиятига эга. Шунинг учун тайёрланган дамламани совутиб смолани фильтрлаб қўлланилади. Барглари таркибида антрагликозидлар (6% гача), мевасида антрцен унумлари (сеннозид A, реин, алой-эмодин ва бошқалар) мавжуд.

Тавсиялар. Бутун дунёда “Александр барги” номи билан таниқли ўсимлик. Унумдор тупрокларда катта масштабли плантацияларда етиштириш мумкин.

ШИРИНМИЯ (ЧУЧУКМИЯ) – СОЛОДКА ГОЛАЯ - *GLYCYRRHIZA GLABRA L.*



Ўсимликнинг тарқалиши. Ширинмия кўпинча Ўрта Осиёнинг адир ва чала чўл туманларининг дарёлари водийлари бўйлаб тарқалган. У учрайдиган жойларнинг ўзига хос хусусияти бу – ер ости сувларининг нисбатан баланд даражаси ва баҳорги-ёзги даврда вақтингчалик сув босиши. Шу билан бирга ширинмия қуриб қолган дарё кирғоқларида, кам сувли сойлар, ариқ ва канал бўйларида ҳам ўсади. Экинлар орасида бегона ўт сифатида ҳам учрайди.

Агротехник тадбирлар. Ширинмия фреотафит (сизот сувларини яхши кўрадиган) ўсимлик бўлиб, асосан шўрланган тупроқларда ва сизот сувлари яқин бўлган жойларда экилади.

Ўзбекистон шароитида Қорақалпоғистон, Хоразм, Сирдарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида рентабелли, шўрланган тупроқларни ўзлаштириша ғўза ёки асосий қишлоқ хўжалиги экинлари билан алмашлаб экишда амалиётда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ширинмия 3 хил усулда экилиши йўлга қўйилган:

1. Ширинмия уруғидан экилганда гектар ҳисобига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилишидан олдин стратификация (уруғнинг қаттиқ қобиғи маълум даражада юмшатилади) қилинади ёки биостимуляторлар таъсирида уруғ унувчанлиги оширилади. Уруғ февраль ойининг охири ёки март ойининг бошларида экилади. Уруғ экилгандан сўнг гектар ҳисобида 1000-1200 м³ 1 марта чиқартирувчи суғориш тадбири амалга оширилади. Шунингдек биринчи вегетация йили давомида 8 (апрель-июнь 1, июнь-сентябрь 2) марта суғорилади. Биринчи йилда ўсимликнинг илдизи 80 см чуқурликкача етиб боради ва илдизпоялари 1-1,5 метр ернинг 20-30 см қатламида горизонтал ҳолда жойлашади. Иккинчи вегетация йилида майдон 2-3 марта суғорилади ва ўсимлик бўйи 1-1,5 метрга етганлиги кузатилади. Ўсимликнинг илдизи ер ости сизот сувларига етиб боради ва илдизпоянинг жойлашиши ер юзасига горизонтал ҳолда 3-4 метрни ташкил этади. Майдоннинг ўсимлик поялари орқали қопланиши 60-70 % ни ташкил этади. 3-4 вегетация йилларида майдонда 1-2 марта суғориш тадбирлари ўтказилади. Майдоннинг ўсимлик поялари орқали қопланиши 80-90% ни ташкил этади. Майдонда бегона ўсимликнинг турлари жуда кўпаяди. 4 вегетация йилининг охирида ўсимлик илдиз ва илдизпояларининг хом-ашёси тайёр ҳолга келади.

2. Ширинмия илдизпоя, қаламчаларидан кўпайтирилганда гектар ҳисобида 13-15 см узунликда кесилган қаламчалар 2-2.5 тоннагача сарфланади. Қаламчалар экишда ғўза чигити экиладиган сеялкадан фойдаланса бўлади. Яъни сеялка орқасида 4 киши ўтирган ҳолда очилган қатор ариқларига ташлаб борилади. Сўнгра қатор оралиқларини ёпиш орқали қаламчалар нам жойга тушишини таъминлаш мумкин. Бу тадбир март ойида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаб март ойида тупроқда намлик юқори бўлади. Апрель ойида ёғингарчилик микдори кўп бўлади. Шу сабабли 2 ой давомида қаламчадаги нишлар кўкариб кетиши таъминланади. Май-июнь ойларида 1 мартадан, июль-август ойларида 2 мартадан суғориш тадбирлари амалга оширилади. Шунингдек уруғдан экилганига нисбатан ўсиш анча жадал амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, қаламчадан экилганда ўсимликнинг ўсиш суръати 1 вегетация йилига тезлашади. Ўсимлик кейинги йилларда жадал ўсади. Вегетация давомида 1-2 марта суғорилганда

ўсимликларнинг ўсиши таъминланади. 4 чи вегетацияси йилининг охирида унинг хомашёси тайёр ҳолга келади.

3. Ширинмия плантациясини кўчат экиш билан ташкил этиш мумкин. Яъни, 8-9 кг уруғ экилганида 1 гектар майдонга етадиган кўчат тайёрланади. Уруғ алоҳида тайёрланган полларда экилади. 1-йил давомида бу полларда кўчатлар парваришланади, тайёрланади. 2-йил тайёр кўчатларни экиш учун сеялкаларда қатор олинади. Тайёр кўчатлар қаторларга экилади ва дархол кўчатни ўрнашиши, мослашиши учун майдон суғорилади. 1-чи сугориш 1000-1200 м³ микдорда бўлади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Тайёрланиш жойи ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда ширинмиянинг илдизлари ва илдизпояси мартдан ноябргача маҳсулот олиш учун тайёрланади. Хом-ашёни йигишида илдиз ва илдизпоялар умумий захирасининг фақатгина 50-75% ини танлаш керак. Илдизпояларнинг 25-50% ини тупроқда қолдириш зарур, чунки шу йўл билан вегетатив кўпайиш орқали ширинмия бутазорларининг тикланишини таъминлаш мумкин. Айнан ўша майдондан ширинмия хом-ашёсини такроран тайёрлаш учун, ўрта ҳисобда 6-8 йил ўтиши керак, шу вақт оралигига бутазорлар одатда бутунлай тикланади.

Ширинмиянинг хом-ашё базасини тикланиши икки йўл билан амалга оширса бўлади:

1. ёввойи бутазорларни маданийлаштириш орқали;
2. саноат плантацияларини кенгайтириш орқали.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тиббиётда ширинмиянинг илдизи глицерам, ликвиритон ва флакарбин доривор препаратларини олишда ишлатилади.

Ширинмиянинг ерустки қисми сапонин, ошловчи моддалар, флавоноидлар, эфир мойлари, углеводлар, пигментлар ва бошқа моддалар тутади. Бу эса ўз навбатида ширинмия ерустки қисмидан тиббиёт соҳасида шамоллашга қарши, оғриқни қолдирувчи ва вирусга қарши курашадиган препаратлар тайёрлашда истиқболли тарзда фойдаланиш мумкин.

Ширинмия илдизи қайнатмалар, дамламалар, экстракт ёки порошок ҳолида йўтал билан кечадиган ўпка касалликларида йўтални қолдирувчи восита сифатида, ошқозоничак касалликларида яллиғланишга қарши ва оғриқни қолдирувчи восита, доривор аралашмалар таркибида – ични бўшатувчи ва сийдикни ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Ширинмия кукуни (порошоги) фармацевтикада дориларнинг таъми ва хидини яхшилашда асосий восита сифатида ишлатилади.

Ширинмия илдизидан қуйидаги доривор препаратлар: глицерам – глицерризин кислотаси асосида (бронхиал астма, аллергик тошмалар, экзема ва бошқ. касалликларни даволашда), ликвиритон ва флакарбин – флавоноидлар асосида (ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак касалликларини даволашда) олинган.

Ширинмия илдизидан тайёрланадиган дамлама тайёрлаш – майдаланган ширинмия илдизидан 10 г (бир ош қошиқ) олиниб сирланган идишга солинади, 200 мл қайноқ сув солиб, оғзини беркитиб 30 дақиқа давомида сувли ҳаммомда қайнатилади. Сўнгра 45 дақиқа мобайнида хона ҳароратида совутилади, докадан ўтказилади, қолган маҳсулотни олиб ташланади. Олинган дамламани дастлабки ҳажми 200 мл бўлгунча қайнаган сув билан суюлтирилади. Йўтални қолдирувчи восита сифатида кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Тайёрланган дамламани салқинроқ жойда 2 кунгача сақлаш мумкин.

Ширинмиянинг илдизи ва илдизпояларидан 23% гача сапонин-глицерризин ва 4% гача флавоноидлар (ликвиритин, ликвиритозид, изоликвиритин ва бошқ.), глабро, глициррет кислоталари, стероидлар, эфир ёғлари, аспарагин, аспаргин кислотаси, пигментлар ва бошқа моддалар ажратиб олинган.

Тавсиялар. Илдизлар ковлаб олингандан кейин бир марта нарезка тортилади ва суғорилади. Суғорилгандан сўнг плантация тикланади ва ҳаттоки, яхшиланади. Шўр тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилайди. Ушбу ўсимлик ер ости сувлари қўтарилилган жойларда яхши ўсади.

САССИҚ КОВРАК – ФЕРУЛА ВОНЮЧАЯ - *FERULA FOETIDA* (BUNGE) REGEL.



Ўсимлиknинг тарқалиши. Сассиқ коврак Фарғона водийси, Зарабшон дарёсининг қуи кисмидаги, Қизилқумда, Сурхон-Шеробод водийси ва Устюртда тарқалган.

Ўсимлик курғоқчиликка чидамли, ўсиш шароитларига талабчан эмас. Ўрта Осиёда ковракларнинг 104 тури учрайди. Ўзбекистон флорасида 45 тури келтирилган. Ўзбекистон Қизил Китобига 5 тури киритилган: Арча коврак, Нор коврак, Сумбул коврак, Туганакли коврак ва Қизилқум ковраги.

Ўзбекистонда саноат масштабларида ковракнинг икки тури: сассиқ коврак ва Қўхистон ковраги ишлатилади.

Агротехник тадбирлар. Ўсимлик уруғларини экиш орқали кўпайтирилади. Экишдан олдин тупроқни бегона ўтлардан тозаланилади, органик ва минерал ўғитлар билан бойитилади. Экиш учун маъқул жой, ўсимлик табиий ўсиш ареалига яқин ҳудудлар ҳисобланади. Асосий шудгорни 25-30 см чуқурликда ўtkазилади. Кенг қаторли қилиб экиласди. Қаторлар ораси 70 см, экиш нормаси 2-3 кг/га, экиш чуқурлиги 2-3 см. Экиш муддати ноябрь-декабрь ойлари ҳисобланади, чунки кузда уругни унишга йўл қўймаслик керак. Баҳорда, март ойининг ўрталарида уруғлар униб чиқади. Ўсимлиқда иккинчи чин барг ҳосил бўлгандан сўнг бегона ўтлардан тозаланади ва ягона қилинади. 40-50 см да бир тупдан ўсимлик қолдирилади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимлиknинг илдизидан 4-5 йили барглар сони 6-8 тадан ортганда шира олиш ишлари бошланади. Дастрлаб ўсимлик барглари қуриб бошлаган вақтда, яъни барглар илдиз бўғзидан осон ажralадиган вақтда илдиз атрофи 30x30 см схемада ковланади. Барглари охисталик билан илдиз бўғзидан ажратилиб илдиз устига бостирилади. Барглари шамолда учеб кетмаслиги учун озроқ тупроқ билан кўмилади ва ўсимлик илдизи 30 кун мобайнида димланади. Ушбу вақт давомида ўсимлик илдизида шира тўпланади. Сўнгра илдиз усти охисталик билан тозаланади. Тозалангандан сўнг маҳсус ўткир пичноқ билан кесилади. Уч кундан сўнг илдиз устки қисмидаги донак, ширалар йигилади. Ушбу тадбирнинг давомийлиги пичноқнинг ўткирлигига ва илдизни қимирлатиб шикаст етказмасликка боғлиқ. Ҳар бир илдиз юпқа қилиб камида 15 мартағача кесилади. Йигилган шира 5-10 кг.ли пластмасса идишларда 1 йилгача сакланади. Ташкил этилган плантацияларда хар 10 м² майдонда 2-3 дона ўсимлик уруғ олиш ва табиий равишда тикланиши учун қолдирилади. Уруғлари тўлиқ етилган даврда йигиф олинади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ковракнинг қатрони (смола) асосан асаб тизими фаолиятини яхшилашда, йўтални қолдирувчи восита сифатида қўлланилади. У оғрикни қолдирувчи, тинчлантирувчи ва ични юмшатувчи хусусиятларга эга. Унинг таркибида фаол модда бу эфир мойидир. Унинг даволовчи хусусиятлари ҳакида олимларнинг фикри турлича. Кимdir уни катта дозада ҳам зарарсиз деса, бошқалар уни заҳарли деб таъкидлашади. Ветеринария амалиётида у ичак ва тери паразитларига қарши восита сифатида фойдаланилади.

Коврак ўткир, кучли, ёқимсиз, узоқ турадиган саримсоқ пиёз ҳидига эга. Етиштириладиган жойларда овқатга солинадиган зираворлар сифатида ишлатилади. Эрон, Афғонистонда ковракни қўй гўштидан тайёрланадиган таомларга солинади. Ҳиндистон ва Индонезияда сабзавотли ва гуручли овқатларга қўшилади. Коврак “карри” аралашмаси таркибида ҳам киради.

Фаол таъсир қилувчи моддалари: коврак кислотасининг 60% гача эфирини тутувчи қатрон, азареситаннол, кумаринлар, эфир мойи, ванилин ва бир қатор бошқа моддалар.

Тавсиялар. Кизилқумнинг Фарбий ва Жануби-Шарқий чўл худудларида йилига 200 тонна чегарасида смола тайёрлаш мумкин.

ЭКМА ЗАЬФАРОН – ШАФРАН ПОСЕВНОЙ – *CROCUS SATIVUS L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимлик табиий шароитда учрамайди, селекция йўли билан олинган гибрид ўсимлик ҳисобланади. Озарбайжон, Догистон ва Қрим каби мамлакатларда катта плантацияларда етиштирилади.



Сифати. Экма заъфарон ялпи гуллаш даврида гуллари гулқайчиларида кесиб олинади. Кесиб олинган гулларнинг қизил рангли гул тумшуқчasi қўлда эҳтиётлик билан ажратиб олинади. Ажратиб олинган қизил рангли гул тумшуқчалар қуритилади ва “заъфарон” тайёрлаш пунктларига юборилади. Заъфарон сентябрь-октябрь ойларида йигилади, ўртacha 1 гектар плантацияда биринчи 5-6 кг, иккинчи йили эса 18-20 кг заъфарон олиш мумкин.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Экма заъфаронни қизил рангли гул тумшуқчasi йигиб олиниб қуритилади ва “заъфарон” тайёрланади. Заъфарон медицинада ва озиқ-овқат саноатида ишлатилади. Заъфарон медицинада енгил тетиклаштирувчи, аёллар менструация жараёнларини нормалаштирувчи, туғриқдан кейинги оғриқни қолдирувчи, гепатит, қонли ич кетишда қўлланилади. Заъфарондан тайёрланган суртма тухумдон шамоллаши, гемарой, томир системасини тортишиш касалликларида, кўз касалликларида қўлланилади. Заъфаронни сувли эритмаси тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ич кетиш, сидик ҳайдовчи антиспазматик, антисентик хусусиятга эга шунингдек заъфарон эритмаси стенокардин, юракни функционал касалликларида, қон касалликларида (лейкемия), жинсий аъзолар функциясини кучайтирувчи восита сифатида қўлланилади.

Заъфарон ўзига хос хушбўй хидга эга бўлганлиги, таомга ёрқин ранг ва таъм берганлиги сабабли ошпазликда турли таомларга қўшилади. Қандолат маҳсулотлари печенке, кекс, пирог, турли булочка, турли кремлар, музқаймоқ тайёрлашда кенг қўлланилади. Шунингдек, сарёғ, пишлоқларга ранг беришда, салқинлантирувчи ичимликларга хушбўйлик беришда, ҳатто чой ва кофега ҳам қўшилади. Заъфарон қўшилган озиқ-овқат маҳсулотлари бир неча кун ўз сифатини йўқотмайди. Заъфарон шуниси билан ҳарактерлики, уни озгина миқдори, яъни 6-7 томчиси (спиртдаги эритмасини) 1 литр ёки 1 кг озиқага ранг, таъм бериш хусусиятига эга.

C. sativus L. таркибida эфир мойлари, каротиноидлар, flavonoидлар, витамин B, B₂ қаттиқ ёғ, азотли моддалар, қанд, калий ва кальций бирикмалари мавжуд.

Тавсиялар. Ўзбекистоннинг сугориладиган худудларида катта масштабли плантацияларини ташкил этиш талаб этилади.

ТИКОНАКЛИ КОВУЛ – КАПЕРС КОЛЮЧИЙ - *CAPPARIS SPINOSA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Тиконли ковул йўл бўйларида, тоғолди адирларида, аҳоли яшаш пунктларида, темир йўл бўйларида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида учрайди. Тиконли ковул Европанинг мезотермик туманларидан Монголиянинг ксеротермик чўлларигача бўлган худудларда ўсиб ривожланади.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликнинг табиий заҳираларига зиён етказмаган ҳолда, унинг плантацияларини ташкил этиш зарур. Бунинг учун июль-ноябрь ойларида ўсимликнинг пишиб етилган мевалари териб олиниб, уруғлари ажратилади. Бир туп кўп йиллик ковулдан 100 гр. гача уруғ олинади. Уруғ йифиш жараёнида, уни сифатини аниқлаш учун мутахассис иштирокида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тиконли ковул ўсимлигини плантациясини ташкил этиш учун 1 га майдонга 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғлар куз ёки эрта баҳорда лалми ёки қурғоқчил ерларда стратификация қилинган ҳолда экиласди. Экилган уруғлар май ойида униб чиқади. Уруғларни униб чиқиш қобилияти 80-90% ни ташкил этади. Ўсимликда иккинчи чин барг ҳосил бўлгандан кейин бегона ўтлардан тозаланади. Униб чиққан ниҳоллар биринчи йилнинг ўзидаёт ҳосилга киради.

Ўсимликнинг уруғини 3-4 см чукурликда экилиб, 1га майдонда 10 000 дона кўчат бўлиши керак.

1 га майдондан биринчи йили 300 кг, иккинчи йили уч-тўрт баробар кўп, учинчи йилдан бошлаб гектаридан 21 центнердан ҳосил олинади.



Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Хозирги кунда ковул ўсимлигининг ғунчасидан тайёрланган тузламага бўлган талаబ жаҳон бозорида жуда ҳам юқори.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тиконли ковулнинг хўжаликдаги аҳамияти қадимдан маълум. Унинг уруғидан озиқ-овқат мойи олинади, меваси 12 % қанд ва 12 % дан ортиқ оқсил моддалари тутганлиги учун истеъмол қилинади. Тиббиётда ер устки қисми, ер остиқи қисми, гули бавосил, ич кетиш, тамоқ, бош ва тиш оғриқларида, бод, ўпка сили, ҳар хил шишлар ва ўн икки бармоқли ичак яраларини даволашда қўлланилади.

Тиконли ковул биринчи даражали асал-ширали ўсимлик ҳисобланади. Унинг гуллари жуда кўп миқдорда нектар тутади. Ковулнинг катта гули бир томчи асал берса, бир тури мавсум давомида (май-ноябр) 3000 томчи асал беради.

Илдизидан доривор мақсадда фойдаланишдан ташқари, табиий бўёқ олишда ҳам ишлатилади.

Тиконли ковулнинг ғунчасидан қадимдан тузламалар тайёрлаб истеъмол қилинган. Хозирги вақтда истеъмол қилишдан ташқари, чет давлатларга экспортбоплиги билан ҳам қимматбаҳо ўсимлик ҳисобланади.

ТИКОНЛИ АРТИШОК – АРТИШОК КОЛЮЧИЙ - *CYNARA SCOLYMUS L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўрта ер денгизи мамлакатлари, Канар оролларининг курғоқчил шароитида ҳам ўсади.

Агротехник тадбирлар. Асосий шудгор ноябрь ойида 25 см.гача чуқурлиқда ўтказилади. Маккажўхори экадиган “СОН” агрегати ёрдамида 40x40 схемада қаторлаб экилади. Экиш учун маъқул вақт кузда октябр-ноябр, баҳорда март-апрел ойлари ҳисобланади. Гектарига кўлда уялаб экилса 6 кг, техника ёрдамида 8 кг ҳисобида уруғ 3-4 см чуқурлиқда экилади. Чопик трактори ёрдамида йил давомида 3 марта (март ойининг ўртаси ва июнь ойида) чопик қилинади. Иккинчи йилдан умуман чопикка ҳожат йўқ, чунки тўпбарглари ўз атрофини ўраб бегона ўсимлик ўсишига йўл қўймайди. Бир вегетация давомида гектар ҳисобига 100 кг азотли, 70 кг фосфорли ва 30 кг калийли ўғитлар солинади.

Артишокнинг ер устки кисмидан биринчи йили гектар ҳисобига 700-800 центнер, кейинги йилларда 1500-1700 центнер хўл масса олиш мумкин. Ҳосилдорлик 7-8 йили камаяди. Артишок экилган майдондан 10 йилгача ҳосил олиш мумкин.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Артишок ўсимлигининг баргини биринчи ўрими 70-80 см.га етганда июнь ойи охири август ойи бошларида, иккинчи ўрими эса кеч кузда амалга оширилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Артишок Ўзбекистон учун ноанъанавий, қимматбаҳо ўсимлик бўлиб, фармацевтика, озиқ-овқат саноатида хом-ашё сифатида фойдаланилади. Артишок ўсимлигининг баргидаги флавоноидли гликозидлар – цинарозид, сколимозид ва цинаротризид; фенолкарбон (кофе, хлороген, неохлороген, 4-о-кофесил-кофеил-Д-хиннин) кислоталар мавжуд. Ўсимлик ер устки қисми таркибидан глицерин кислотаси ва полисахарид инулин топилган. Гулурни таркибидаги оқсил маддалари, углеводлар, каротин, инулин, катта миқдорда витаминалар – тиамин, рибофламин, аскорбин кислоталари мавжуд. Артишок ўсимлигидан жигар, буйрак касалликларини даволашда ишлатиладиган препаратлар тайёрланади. Қандли диабед касаллигини даволашда фойдаланилади.



Тавсиялар. Артишок ўсимлигидан доривор, озиқ-овқат, ем-хашак, манзарали ўсимлик сифатида фойдаланиш ва Республикамизнинг тоғолди, лалми ерларида катта плантацияларни ташкил этиш мумкин.

ТУРКИСТОН АЮГАСИ – ЖИВУЧКА ТУРКЕСТАНСКАЯ - AJUGA TURKESTANICA (REGEL) BRIQ.

Ўсимликнинг тарқалиши.

Ўзбекистонда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тоғларининг пастки ва ўрта қисмидаги лойли ва тошли қияликларда, турли жинсли тупроқларда ўсади. Умумий тарқалиши Ўрта Осиё (Жанубий Помир-Олой).

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликни ялпи гуллаш даврида жанубий районларда июль ойининг бошларида тайёрланади. Бунинг учун тепа қисмидаги гуллаб турган новдалари кесиб олинади. Муддатидан кейинроқ йифилса, биологик фаол маддалари ва хом-ашё сифати пасаяди. Йифилган ўтни яхши ҳаво айланадиган ангар ёки айвонда, қофоз ёки латта устида 5-7 см қалинликда ёйиб, ҳар замон ағдарилиб турилади. Максус қуритгичларда 35°C гача бўлган ҳароратда қўйилса, тезроқ қурийди. Ўсимликни бутунлигича қопларга 5-15 кг, майдаланганидан 10-30 кг солиш мумкин. Қадоқлашдан олдин хом-ашёга қўшимча ишлов берилади: янчидан дағал поялари ажратилади. Қурук,

яхши шамоллатилган хоналарда сақланади. Сақланиш муддати 2 йил. Хом-ашё поянинг юқориги қисмларидағи (узунлиги 20 см гача) барглари ва тўпгулларидан тайёрланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ер ости қисми таркибида фитоэкдизонлар: аюгалактон, эқдистерон, циастерон, туркестерон, аюгостерон В 0,003%; ер устки қисмida фитоэкдизонлар: эқдистерон, циастерон; шунингдек, баргларида фитоэкдизонлар: эқдистерон, аюгалактон, аюгостерон В, 22-ацетилциастерон, циастерон мавжуд. Туркестон аюгаси моддаларидан ажратилган «Жистен» – сув-спиртли концентрати ЎЗР ФА йўсимлик моддалари кимёси институтида ишлаб чиқарилган.



Тавсиялар. Қашқадарё ва Сурхондарёнинг тоғолди худудларида чегараланган майдонларда хом-ашё захираси мавжуд. Квота бўйича 5 тонна чегарасида хом-ашёсини тайёрлаш мумкин. Бу ўсимликни фақатгина ўсиб турган популяциясини сақлаб қолиб ва ўз-ўзидан кўпайишини таъминлаш мумкин. Етиштириш усуллари ишлаб чиқилмаган.

СУДРАЛУВЧИ АЮГА - ЖИВУЧКА ПОЛЗУЧАЯ - *AJUGA REPTANS L.*

Ўсимлик тарқалиши. Интродуцент, кўп йиллик ўт ўсимлик. Боғларда, ҳовлиларда манзарали ўсимлик сифатида етиштирилади.

Агротехник тадбирлар. Илдизпоялари орқали кўпайтирилади. Ер кеч кузда 25-30 см. чукурликда шудгор қилинади. Шудгордан олдин ҳар гектарига 50 тоннадан гўнг ва 50 кг.дан фосфор, 20 кг.дан калий ўғитлари солинади. Плантация ташкил этиш учун ўсимликнинг вегетация даври бошланмасдан февраль ойининг охири ва март ойининг бошларида оналик плантацияларидан чим илдизпоялар ковлаб олинади. Ҳар бир илдизпояда 2-3 донадан куртак қолдириб кесилади. Тайёрланган



илдизпоя 90 см оралиғидаги қаторларга 10-15 см чукурликда, ўсимлик ораси 20 см масофада, март ойида экилади. Биринчи вегетация йилида 7-8 марта (март-июнь-1, июль-август-2, сентябрь-1) сугорилади ва икки марта қатор ораликлари чопик қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Вегетация даврида тупроқ намлиги мўътадил сакланса, ер устки қисми хом-ашёси сифати юқори бўлади.

Хосилдорлик гектар ҳисобига биринчи йилда 2-3 центнерни, кейинги йилларда 4-5 центнергача етади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг хом-ашёсини тайёрлашда унинг ер устки қисми бутунлигича ўриб тайёрланади. Хом-ашё сифатида ўсимлик гуллаш фазасида қуруқ об-ҳаво шароитида қайчилар орқали йигиб олинади. Ўсимлик мевалаб кетган бўлса ундан ўсимликлардан хом-ашё тайёрланмайди.

Ўсимликнинг ер устки қисми бостирмалар остида, қуритгичлар устида қуритилади. Бундай шароитларда ўсимлик 5-7 кун ичидаги қурийди. Намлиги 13% дан ошмаслиги лозим.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тиббиётда баргларидан, етилмаган меваларидан ва гулқўргонларидан фойдаланилади.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган шарбат таркибида кўп миқдорда олма кислотаси ва кальций мавжуд. Куйганда, ари чакқанда терига суртилади. Кон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади. У моддалар алмашинувини яхшилайди, шу билан бирга ўт пуфагида қум тўпланишини олдини олади.

Тавсиялар. Судралувчи аюга мезофит бўлиб, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд вилоятларига ўстириш учун тавсия этилади. Шунингдек бу ўсимликни доимий яшил бўлганлиги ва манзарали хусусияти учун ҳовлиларда, хиёбонларда ва маъмурий биноларнинг олд қисмларида кўкаламзорлаштириш ишларида хам фойдаланса бўлади.

ЭКМА ЗИФИР – ЛЕН ПОСЕВНОЙ (ЛЕН ОБЫКНОВЕННЫЙ) - *LINUM USITATISSIMUM L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўзбекистонда Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида экилади.

Агротехник тадбирлар. Республикаизда зифир техник ўсимлик сифатида уруғидан экилади. У асосан экологик шакли бўйича мезофит ўсимлик ҳисобланиб, гектар ҳисобида 20-22 кг уруғ сарфланади. Ўсимлик экиладиган майдон дастлаб 20-25 см чуқурликда шудгор қилинади, майдон текисланади, молаланади ва 90 см оралиқда қатор олинади. Зифир уруғи маҳсус агрегат чигит экадиган сеялкада экилади. Мезофит ўсимлик бўлганлиги сабабли, вегетация даврида 8-9 марта сугорилади. 2 марта культивация қилинади ва бегона ўтлардан тозаланади. Сентябрь ойида уруғи етилгандан сўнг ўриб олинади ва зифир тайёрлов пунктларига топширилади. Тайёрлов пунктларида уруғи ажратиб олинади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Хом-ашёси сарғайиб пишган вақтда комбайн ёрдамида йигилади. Маҳсус қайта ишлаш пунктларида қуритилади ва тозаланади. Уруғлар оддий қопларда, намлиги 13% ошмаган қуруқ хоналарда сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Тиббиётда ўсимлик уруғларидан ёғ, линетол ва бошқа препаратлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Зифир уруғи таркибида шиллик модда ва гликозид линамарин борлиги билан терапевтик самара беради. Уругининг шиллик моддаси шамоллаш, нафас олиш йўллари, ошқозон-ичак, ич қотиш касалликларида, компресс сифатида яраларга фойдаланилади.

Зифир ёғи сийдик қайдовчи восита сифатида, енгил сурги сифатида ва куйган жойларга суртиш учун ишлатилади. Ёғ алмашиниши ҳолати бузилган беморларнинг пархез

овқатланишида, шунингдек, атеросклероз, юрак, гипертоник, қандли диабет, жигар церрози, гепатит касалликларида ҳам кенг фойдаланилади.

Уруғлари таркибида ёғ (30-48%), глицерид линолен (35-45%), линол (25-35%), олеин (15-20%), пальмитин ва стеарин (8-9%) кислоталари, бундан ташқари, шиллик модда (5-12%), оқсил (18-23%), углеводлар (12-26%), органик кислоталар, ферментлар, витамин А бор.

Тавсиялар. Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг сугориладиган

ерларида этиштириш мумкин.



ОДДИЙ ОҚҚАЛДИРМОҚ – МАТЬ-И-МАЧЕХА ОБЫКНОВЕННАЯ - *TUSSILAGO FARFARA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўрта Осиёнинг барча тоғли ерларида, дарёлар ва ариқ бўйларида, ўрмонларда, жарликларда ўсади. Чўл ва чалачўл зоналарда учрамайди. Қисман бута жамоаларида бошқа ўт ўсимликлари билан учрайди.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликнинг баргларини ёзниң биринчи ярмида ҳали улар ёш, баргларининг ости қалин, оқ туклар билан қопланган вақтда терилади. Йиғилган хом-ашёни 2-3 см қалинликда қофоз ёки мато устига ёйиб, ангар ёки ҳаво яхши айланадиган айвонларда қуритилади. Барги юза кисми яшил, пастки



қисми оқ-кулранг ранг ҳолатдалигиди терилади. Ҳидсиз, таъми аччиқроқ. Таркибидаги намлик 13% дан ошмаслиги керак. Умумий кули 20% гача, қўнғир рангга айланган барглари 5% дан ортиқ, касалланган барглари 3% дан ошмаслиги керак. Тайёрланган хомашё қопларга 20 кг.дан солинади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимликнинг барг дамламаси юмшатувчи, балғам кўчирувчи, дезинфекция қилувчи, яллиғланишга қарши таъсир этувчи восита сифатида бронхит, ларингит, турли ўпка касалликлари ва бошқа шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади.


Гулли саватчаси таркибida фарадиол, арнидиол, тараксантин, сигмастерин, ситостерин ва ошловчи моддалар бор. Баргиди аччиқ гликозидлар (2,63% гача), ситостерин, олма ва вино кислоталари, сапонинлар, каротиноидлар (5,18%), аскорбин кислотаси (5 мг%), инулин ва декстрин мавжуд.

Тавсиялар. Табиий захираси етарли даражада. Агротехник тадбирлар ишлаб чиқилмаган, шундай бўлсада оддий оққалдирмоқни алоҳида текис майдонларда эмас балки, ўрмон ҳудудларида ариқлар ва каналлар бўйларида, тоғли ҳудудлардаги сойлар ва булоқлар бўйларида экилса мақсадга мувофиқ. Оддий оққалдирмоқ асосан кўчатдан экиласди.

ЗАРАФШОН ҚИЗИЛАРЧАСИ - МОЖЖЕВЕЛЬНИК ЗАРАФШАНСКИЙ - *JUNIPERUS SERAVSCHANICA* КОМ.

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимлик денгиз сатҳидан 1000-2500 метр баландликдаги тоғ қояларида, тошли, шағалли жойларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида учрайди. Помир-Олой тизмасида: Тян-Шан, Коратоғ ва Шимолий Афғонистоннинг Ҳиндукуш тоғларида тарқалган.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликни экиш учун аввал унинг уруғлари кузда териб олинади. Териб олинган уруғлар уст қисми текис бўлган полга ёйилиб, тахта ўқлов



ёрдамида эзилади ва уруғлари ажратилади. Сўнгра уруғлар нам қумга 1-1.5 ой давомида стратификация (уруғ бўртиши учун қумга кўмилади) қилинади. Тайёрланган полларга уруғ сепилади ва маҳсус тайёрланган (1-1-3=қумгўнг-тупрок) субстрат билан уруғ усти 2-3 см қалинликда беркитилади. Мазкур полларда 3 йил давомида сақланади, ниҳол тайёр ҳолга (40-50 см) келгандан сўнг 90 см қатор оралиғида, туп оралиғи 40-50 см да катта майдонга кўчирилади. Гектар ҳисобига 350-400 дона кўчат сарфланади. Бу майдонларда кўчатлар 4-5 йил давомида парвариш қилинади. Зарафшон қизиларчаси ҳам дастлабки вегетация йиллари кўп микдорда намлик талаб этадиган ўсимлиқдир. 1-вегетация йилида 5-6 марта суғорилади, 2 марта қатор оралиқлари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. 1-йилда 15-20 см, 2- ва ундан кейинги йилларда 20-30 см.гача ўсиш кузатилади. Кўчат баландлиги 1,5 метрга етганда, уни ариқ бўйларига, экин майдонларининг атрофларига, экин майдонлари жойлашган йўлларнинг атрофига экиш мумкин.

Хосилдорлик гектар ҳисобига ўртacha 20-25 центрнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Қизиларчанинг мевалари кузда (август-ноябр) улар тўқ-қўнғир рангга кириб, тўлиқ етилганида териб олинади. Йиғиб олиш учун албатта маҳсус халтачалар ва арчанинг нинасимон баргларидан ҳимояланиш учун брезент кўлқоплар бўлиши шарт. Меваларни териш учун новдалар қўл билан ушлаб туриб, аста

силкитилади, бунда етилган мевалар тўкилади, етилмаган яшил мевалар эса новдада қолади. Тўкилган мевалар нинабарглардан тозаланиб, халтачаларга солинади. Меваларни теришда новдани таёклар ёрдамида қоқишга йўл қўйилмайди, чунки бунда етилмаган меваларнинг ҳам тўкилиб тушиши ва кейинги йил ҳосилини камайишига сабаб бўлади. Хом-ашёнинг қуритилиши секинлик билан олиб борилади. Мевалар соя жойларда, уларни ҳар куни аралаштириб турган ҳолда қуритилади. Бунинг учун ҳаво яхши алмашиб турадиган, усти ёпиқ жойлардан фойдаланиш мумкин. Хом-ашёни маҳсус электр қуритгичларда қуритишига йўл қўйилмайди, бу унинг сифатини пасайишига олиб келади.

Одатда талаб даражасидаги тайёр хом-ашё мевалар 5-7 мм шарсимон, пўстлоғи эгилувчан, тўқ-қўнғир ёки қорамтири рангда бўлади. Ҳиди ўзига хос хушбўй, таъми ширинроқдир. Хом-ашёда эфир мойлари 0,5% дан кам бўлмаслигига; хом-ашёда 5% гача кул моддалари бўлишига; 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кулнинг миқдори 0,5%; органик ва минерал қўшимчалар 0,5%; бегона заҳарсиз мевалар 0,5% ни ташкил этишига йўл қўйилади. Қуритилган хом-ашё 40-50 кг (хақиқий оғирлиги) қопларга жойлаб қўйилади. Улар ҳаво яхши айланадиган салқин хоналарда сақланади. Қизиларчани сақлаш давомида унда доимий равишда эфир мойларининг миқдорини камайиб бориши кузатилади. Хом-ашё 2 йилгача сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Меваларининг дамламаси сийдик ҳайдовчи, касалликларга қарши ва ўт ҳайдаш хусусиятларига эга.

Зарафшон Қизиларчаси ўрмон мелиоратив тадбирлари учун ниҳоятда кимматбаҳо ўсимликдир. У тоғ қояларини сурилишидан, ювилиб кетишидан сақлаб туради. Хушбўй ёғочи қурилиш саноатида жуда қадрланади.

Унинг ёш новдаларида 0,45-0,75% эфир мойи мавжуд бўлиб, у кадинен, терпен, мирцен, цедронлардан ташкил топган. Эфир мойлари миқдори баҳордан кузга томон ошиб боради. Меваларида 10-30% қандлар, юниперин гликозиди, 9% смола, органик кислоталар, ёш новдалари пўстлоғида 8,3% ошловчи моддалар, 120-140 мг/% С витамини мавжуддир.

Тавсиялар. Табиий заҳираси етарли даражада, шунингдек Зарафшон арчасини шўрланган ҳудудларда экиш тавсия этилмайди. Қарийб барча ўрмон ҳудудларида бу ўсимликни экиш мумкин.

ТУРКМАН МАНДРАГОРАСИ - МАНДРАГОРА ТУРКМЕНСКАЯ - *MANDRAGORA TURCOMANICA MIZG.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Туркман мандрагораси Ғарбий Копеттоғ эндем ўсимлиги бўлиб, Ўзбекистон интродуцент ўсимлик сифатида етиширилади.

Ўсимликнинг тавсифи. Мандрагора (*Mandragora*) — итузумдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Барглари йирик, тухумсимон, яхлит, бўйи 80 см.гача, гуллари сарғиш-яшил, зангори, бинафша ёки оқ. Меваси — тўқ сариқ, думалоқ, йирик резавор-мева. Ўрта денгиз соҳиллари ва Ҳимолайда 5 тури, Туркманистанда 1 тури ўсади. Органлари таркибида алкалоидлар (гиосциамин, скополамин ва б.) мавжуд. Ундан тайёрланадиган препаратлар организмдаги оғриқни қолдириш учун ишлатилади. Ўзбекистонда доривор ўсимлик сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий ишлаб чиқариш марказининг ботаника боғида ўстирилади. Уни кўпайтириш йўллари ишлаб чиқилган.

Агротехник тадбирлар. Тажрибалардан маълумки, Туркман мандрагораси 2 хил усулда: уруғдан ва вегетатив йўллар орқали кўпайтирилади.



бўлади. Барг қалин, тўрланган, оч яшил ранга бўлади. Вакт ўтиши билан баргнинг ранги тўқ тусга киради. Ўсимлик кўчат ҳолатига июнь ойида тайёр бўлади. Ўсимликнинг ер устки қисми ёки икки баргнинг узунлиги 10-15 см.га етади. Илдизнинг узунлиги 7-8 см.дан иборат бўлади. Бу ниҳоллар махсус поллардан сентябрь ойида майдонларга кўчирилади. Плантацияларни ташкил этиш учун яrim соя бўлган таъминланган лалми ерлар, яrim соядан иборат бўлган адирликлар, бута ва дараҳтлардан иборат бўлган тоғолди худудлари танланади. Танланган майдонга дастлаб, 40x40 см тизимидағи чуқурлар ковланади. Хом-ашёси илдизи ҳисобланганлиги учун, илдизни тезроқ муддатда катталаштиришга эътибор қаратилади. Бунинг учун тайёрланган чуқурлар махсус субстрат (1-1-3= қум-гўнг-тупрок) билан тўлдирилиб, 10-15 см чуқурликда кўчат илдизи жойлаштирилади ва субстратга ўрнашиши учун 2-3 литр микдорда сув қўйилади. Ўсимлик экилгандан сўнг бошқа агротехник тадбирлар талаб қилмайди. Ўсимлик илдизи 4-5 йилларда тайёр ҳолга келади. Илдиз ковлангандан кейин, илдиз бўғзисидан 6-7 см узунликда кесиб олиниб, экиш учун ажратилади ва қолган илдиз қисми хом-ашё учун тайёрланади. 2. Кесиб қолдирилган 6-7 см.ли қаламчалар, яrim соя бўлган таъминланган лалми ерларга, яrim соядан иборат бўлган адирликлар, бута ва дараҳтлардан иборат бўлган тоғолди худудларига 40x40 см тизимидағи чуқурларга экилади. Хом-ашёси илдизи ҳисобланганлиги учун, илдизни тезроқ муддатда катталаштиришга эътибор қаратилади. Бунинг учун тайёрланган чуқурлар махсус субстрат (1-1-3= қум-гўнг-тупрок) билан тўлдирилиб, 10-15 см чуқурликда кўчат илдизи жойлаштирилади ва субстратга ўрнашиши учун 2-3 литр микдорда сув қўйилади. Ўсимлик экилгандан сўнг бошқа агротехник тадбирлар талаб қилмайди.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига баргидан ўсимлик вегетациясининг 2-йилидан бошлаб, 3-4 центнерни ташкил этади. Илдизнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи 12-13 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлариниши ва унинг сифати. Ўсимликнинг барги ва илдизи хом-ашё ҳисобланади. Ўсимликнинг барглари 2-йилдан бошлаб, май ойларида илдиз бўғзидан 3-4 см қолдириб кесиб олиниади. Барглар соя жойда қуритилиб, 20 кг.ли қопларга жойланади. Саклаш муддати 2 йил. Илдизи ўсимлик вегетациянинг 4-5 йилларида ковлаб олиниади. Илдиз дарҳол бўлакларга бўлиб, соя жойга қуритишга қўйилади. 10 кг.ли қоғоз кутиларга жойланади. Саклаш муддати 3 йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Мандрагоранинг доривор ўсимлик эканини инсонлар жуда қадимдан яхши билган. Чиндан ҳам унинг кенг қамровли қўлланилиши туфайли, ўтмишда «рухий куч берувчи ўсимлик» номини олган. Масалан, Фарбда бу ўсимликдан ҳомиладорликни барқарорлаштириш мақсадида фойдаланилган. Швейцарияда мандрагора тинчлантирувчи, ошқозон, жигар хасталикларини даволаш

восита ҳисобланган. Аммо ўсимлик ўта заҳарли бўлгани боис ундан тайёрланган доридармонлар мутахассислар назорати остида қўлланилган.

Ўсимлик таркибида алкалоидлар (скополамин, антропин, гиосциамин, псевдогиосциамин) ва С витамини мавжуд. Сўнгти илмий тадқиқотларда унинг меваси ҳиди 55 компонентдан иборатлилиги аниқланган.

Тавсиялар. Туркман мандрагорасини Ўзбекистоннинг ярим соя бўлган таъминланган лалми ерларга, ярим соядан иборат бўлган адирликлар, бута ва дараҳтлардан иборат бўлган тоголди ҳудудларига экиш тавсия этилади. Бундан ташқари ҳовлиларда ва кўп қаватли уйларда гул тувакларида ҳам етишириш мумкин.

ОЛТИН ТОМИР – РОДИОЛА РАЗНОЗУБЧАТАЯ - *RHODIOLA HETRODONTHA (HOOK. & THOMS.) BORISS.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Олтин томир хақиқий яйлов ўсимлигидир. Тоғнинг альп ва субальп минтақаларида ўсади. Ўсимлик денгиз сатҳидан 900-2800 м баландликлардаги учрайди, 1700-2000 м баландликларда қалин ўтлоқзорлар ҳосил қиласи.

Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг 4000 м баландликдаги тоғ чўққиларида ўсади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Ўсимликни бир жойдан ковлаб олиш даврийлиги 20 йилдан кам бўлмаслиги лозим. Хом-ашё тайёрлашнинг қулай вакти август ойи – ўсимлик уруғлари ерга тўкилганда амалга ошириш лозим. Илдизпояни ковлаб олишда унинг бир қисми тупроқда қолдирилади.



Ковлаб олинган илдизпоялар оқар сувда яхшилаб ювилади ва сояда қуритилади. Сўнгра улар қирқилиб 50-60°C печларда қуритилади. Бундай ҳолда қуритилган илдизпоялар 30 кг.ли қопларга солиниб, қуруқ ва яхши ҳаво айланадиган омборхоналарда сақланади.

Тайёр маҳсулот илдиз бўлакчаларидан иборат бўлиб, улар йўғон, усти ғадир-будир, ялтироқ-кулранг, ичи оқиши, сарғиш ёки бироз қўнғирроқ, таъми аччикроқ-буруштирувчи, атиргулга ўхшаш ҳиди бор.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Доривор хом-ашё сифатида илдизпояси ишлатилади. Олтин томир илдизпоясининг суюқ экстракти ҳолсизликда, толиқканда организм тонусини кўтарувчи восита сифатида қўлланилади. Соматик ва инфекцион касалликларда; нерв тизимининг функционал касалликларида – невроз, гиптонияда кенг фойдаланилади. Нерв тимзимининг жуда қўзғалиши билан боғлиқ касалликларда, гипертонияда тавсия этилмайди.

Олтин томир илдизпояси таркибида 0,5-1,2% родиолозид (салидрозид) гликозиди бор. Ундан ташқари антрацен унумлари, 20-25% ошловчи моддалар, 5% эфир мойлари, флавоноидлар, органик кислоталар, С ва PP витаминлар, кумарин ва лактонлар бор. Марганец элементи кўплаб учрайди.

Тавсиялар. Табиий заҳираси етарли даражада аммо, Ғарбий Тянь-Шаньнинг баланд тоғларида ўсганлиги учун заҳирасини тайёрлаш қийинчилиги мавжуд. Бу ўсимликни фақатгина ўсиб турган популяциясини сақлаб қолиб ва ўз-ўзидан қўпайишини таъминлаш мумкин. Етишириш усуслари ишлаб чиқилмаган.

ОДДИЙ БЕЛЛАДОННА – БЕЛЛАДОННА (КРАСАВКА) - *ATROPA BELLADONNA* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Асосан Шимолий Африка (Жазоир, Маракко), Марказий, жанубий, шаркий ва ғарбий Европа, Крим, Кавказ, Туркия, шунингдек Сирияда кенг тарқалган. Денгиз сатхидан 1000 метр баланд бўлган, кора қайнин, эман, пихта ва сийрак ўрмонларда ўсади.



Ўсимликнинг тавсифи. Баландлиги 1-2 метрга етувчи кўп йиллик ўсимлик. Илдизи кўп сонли илдиз пояга эга. Пояси баланд, тўғри, шоҳланган, қалин, ширали ва яшил ёки кора – сиёҳ рангда.

Барги бандли, кенг ланцетсимон, поядаги кетма-кет, жуфт-жуфт бўлиб бир бирига яқин, зич ва барг узунлиги 20 см, кенглиги 10 см қорамтиришил рангга эга. Барг ташқи томони – тухумсимон ёки узунчоқ тухумсимон, барг учи ўткир, кирсимон. Барг юза катлами ранги яшил ёки қорамтириш, пастки томони эса очиқ ранга эга.

Гуллари юқори барг кўйнидан чикқан, букри, яккасимон ва кичик, кўнғироқчали, сиёҳрангли (баъзида яшил) ҳисобланади. Май ойидан бошлаб то куз ойи охиригача гуллайди. Меваси оч-кора рангли (баъзида яшил рангда) ва кўп сонли уруғлари билан кул ва сиёҳрангли ширага эга, баъзида у майда олчани эслатади. Меваси асосан июль ойидан бошлаб вегетация даврининг охиригача пишиб етилади.

Агротехник тадбирлар. Оддий белладонна уруғидан кўпаяди. Катта майдонларда уруғдан экиш баъзи-бир нокулайликлар туғдиради. Оддий белладонна уруғлари жуда хам майда бўлиб, майдонда экилса ўсимлик уруғининг унишидан аввал бегона ўсимликларнинг ривожланиши тезроқ бўлади. Қаторларда экилган ўсимликларни ўташ, юмшатиш кўп меҳнат талаб қиласи ва ўсимлик жуда майдалиги сабабли бегона ўсимликлар унинг ўсишига имкон бермайди. Шу сабаб, ўсимликнинг катта плантацияларини яратиш учун унинг уруғлари маҳсус полларда экилиб, кўчкат тайёрланади. 1 гектар майдонга кўчкат тайёрлаш учун 2-3 кг уруғ сарфланади. Ўсимликнинг уруғлари маҳсус полларда, кеч кузда, очиқ ҳаводаги полларда ёки иссиқхонада экилиб, кўчкат тайёрланади. Кўчкат тайёрлаш учун полларнинг субстратини унумдорлиги яхшилаш, полдаги тупроқ, чириган гўнг, барг чириндиси ва қум аралашмаси асосида тайёрланиши зарур. Экилган уруғлар 25-35 кун ўтгандан кейин ўртача 60-65%, униб чиқади. Тайёрланган майдон юзасига уруғлар сепилади. Уруғлар сепилган полларга 0,3-0,5 см қалинликда маҳсус тайёрланган субстрат (1-1-3=қум-гўнг-тупроқ) сепилади. Сугориш ҳар 2 кунда 1 марта лейка ёрдамида амалга оширилади. Тупроқнинг намлиги ўртача меъерда сақлаб турилади. Шундагина майда уруғларнинг унувчанлиги тезлашади ва кўчкат тезда тайёр бўлади. Кўчкат 70-80 кунда етилади, апрель ойининг бошларида 25-30 см чуқурликда шудгор қилинган, молаланиб текисланган ва 60-70 см қатор тортилган майдонга помидор кўчатини экиш сингари экиласи. Кўчкатлар экилгандан сўнг заҳлатиб (1000-1200³) суғорилади. Кўчкатлар тез ўсади. Май ойининг охирларида уларнинг бўйи 40-50 см.га етади. Июнь ойининг бошларида улар ғунчалайди, июль ойида гуллайди ва июль-август ойида мевалайди. Дастлаб мевалари яшил тусда бўлиб, 20-30 кунда кора тусга киради. Ҳар бир меванинг ичида 40-50 та уруғлар бўлади. Ўсимлик йил давомида 10-12 марта суғорилади ва 3-4 марта қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Сабаб, ўсимлик жуда намни севадиган, ярим соя жойда ўсадиган ўсимликлар сирасанга киради. Сентябрь ойида ўсимликнинг уруғи пишади ва ана шу даврда унинг мевалари териб олинади. Мева териилгандан сўнг, ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олинади. Ўсимликни ўришда ва унинг хом-ашёсини тайёрлашда алоҳида эҳтиётлик чоралари талааб этилади. Яъни, қўлга алоҳида қўлқоплар тутиш ва юзнинг бурун қисми беркитиш зарур.

Ўсимликнинг ер устки ва остки қисмлари кучли заҳарли алкалоид сақлайди.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига ер устки қисми 8-10 центнерни ва уруғ 0.2-0.3 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Юкорида келтирилганидек, ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олинаётганида албатта эҳтиётлик чоралари талаб этилади. Яъни, кўлга маҳсус қўлқоплар кийиш, юзнинг бурун қисми 2-3 қават докадан тайёрланган бурунбоғда беркитилиши зарур. Ўсимликнинг ер устки қисми ўриб олингандан сўнг, улар поялари, барглари, ён шохлари ва мевалари алоҳида қисмларга ажратилади. Маҳсус қуритгичларда 13% намлик миқдори қолгунча қуритилади. Крафт қофозли қопларда алоҳида-алоҳида қисмларда қопланади, омборхонага ёки тайёрлов пунктларига жўнатилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ушбу ўсимликнинг барча қисми жуда заҳарли ҳисобланиб, унда алкалоид группасига тегишли антропин мавжуд. Илдизида бу модда 1,3%, баргида 1,2% ва поясида 0,65%, гулларида 0,6%, пишган мевасида 0,7% ни ташкил этади. Белладонна ўсимлигига антропиндан ташқари яна гиоциамин ва гиоцин (скополамин) мавжуд. Антропин ўткир заҳарланишини олиб келиш мумкин.

Францияда асабларни, юз асаб ҳужайраларини, жигар ва буйраклардаги кучли оғриқларни қолдиришда, ич кетишда фойдаланилади ҳамда кўплаб бошқа касалликларни даволашда йифмалар таркибига киради.

Халқ табобатида белладонна ўтидан, қутуриш касаллигини, заҳм, бронхиал астма, енгил силни даволашда, мевасининг спиртли тиндирмасидан қон аралаш ич кетишни, янги узилган баргларидан олинган суюқлигини суюлтирилган спирт билан аралаштириб, одамларда ва ҳайвонлардаги сурункали кўз шамоллашини, қайнатилган барг буғларидан сут безларининг саратон касалликларни даволашда ишлатишган.

Тавсиялар. Оддий белладонна уруғлари билан кўпайтириш ҳамда суғориладиган типик унумдор бўз тупроқли ерларда катта плантацияларда экиб ўстириш тавсия этилади.

ИККИ БЎЛАКЛИ ГИНКГО - ГИНКГО ДВУЛОПАСТНЫЙ (ХРАМОВОЕ ДЕРЕВО) - *GINKGO BILOBA L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Гинкго синфига кирувчи ўсимликлар асосан ер юзида мезазой эраси давридан бошлаб кенг тарқалган. Кўп йиллар мобайнида, биз бу ўсимликни табиий ҳолда табиатда учрамайди деб караган бўлсак, бу табиий турдаги гинкго ўсимлиги Шарқий Хитойнинг икки кичик минтақасида ўсиши маълум бўлди. Аммо, ушбу минтақа кейинги минг йиллик давр ичida инсонлар томонидан ўзлаштирилганлиги сабабли, уларнинг бугунги кунга келиб, ўсимликнинг сони кескин камайиб кетмоқда. Гинкго таржимада “кумуш ўрик” маъносини бериб, бу Хитойда аввалдан маълум бўлган эндемик дараҳт тури ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда манзарали, доривор дараҳт сифатида етишириб келинади.



Ўсимликнинг тавсифи. Икки бўлакли гинкго дараҳтининг баландлиги 40 м, тана диаметри 4.5 метрни ташкил этади.

Икки бўлакли гинкго ўсимлиги икки уйли, оталик ўсимликларда зираксимон спорангияда чанг доначалари ривожланади. Оналик ўсимликларда эса иккиласми чуркуртак ривожланади. Баҳор ойи охирларида шамол ёрдамида чангланади. Чангланишдан сўнг бир қанча ой ўтиб, кузда, чангланган чуркуртакларда уруғланиш юз бериб, ундан яшил рангли уруғ пишиб етилади ва тўкилади. Уруғи ўрик меваси уруғига ўхшаш бўлиб, аммо у аччиқ таъмли ва кучли хидга эга. Уруғ

пўстлоғи уч қатламдан ташкил топған: яъни ташқи томони- этсимон, яшил қаҳраболи, ўрта қатлами – қаттиқ, чўзинчоқ қовурғасимон, ички томони – ингичка қофозсимон.

Кучли шамол ва қор кўчкиларига чидамли яхши ривожланган илдиз тармоқларига эга. Айрим ҳолларда дарахтнинг ёши 2500 ёшга етади. Эрта кузда барги сариқ тусга кириб тез барг ташлайди.

Агротехник тадбирлар. Ўсимлик мевалари катта ёшдаги дарахтлардан октябрь-ноябрь ойиларида териб олинади. Уруғлар мева этидан ажратилади. Ажратилган уруғларни сувда яхшилаб ювилади. Сўнгра, қуритилади. Ўсимлик уруғлари маҳсус полларда экилиб, кўчат тайёрланади. Кўчат тайёрлаш учун полларнинг субстратини унумдорлиги яхшилаш, полдаги тупроқ, чириган гўнг, барг чириндиси ва кум аралашмаси асосида тайёрланиши зарур. 1 гектар майдонга кўчат тайёрлаш учун 8-10 кг уруғ сарфланади. Тайёрланган майдон юзасига уруғлар сепилади. Уруғлар сепилган полларга 3-4 см қалинликда маҳсус тайёрланган субстрат (1-1-3=қум-гўнг-тупроқ) солинади. Ҳар 2 кунда 1 марта лейка ёрдамида суғорилади. Тупроқнинг намлиги ўртача меъёрда сақлаб турилади. Экилган уруғлар баҳорда ўртача 50-55% униб чиқади. Уруғдан унган ниҳоллар полларда 2 йил давомида парваришланиб, сўнгра кичик майдонларга 60 см қатор оралиғида ва туплар ораси 20-25 см қилиб экилади. Йил давомида 8-10 марта суғорилади. Ҳар 2 марта суғоришдан сўнг, қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Ушбу кичик майдонларда ниҳоллар 3 йил давомида парваришланади. Сўнгра ўсимлик плантациясини ташкил этиш учун катта майдонларга 6x5, 6x6, 6x7, 6x8 метр оралиғида кўчат ўтқазилади. Ўсимликнинг хом-ашёси сифатида барги, мева эти ва мева кўсак уруги тайёрланади. Ҳосил, дастлаб плантация ташкил этилгандан сўнг 3-4 йилларда терилади.

Ҳосилдорлик барг ҳисобига дастлабки йилларда ҳўл ҳолда 3-4 центнер ва қуруқ ҳолда 1 центнергача, мева кўсак ҳосилдорлиги 9-10 йилларда терилади ва дастлаб мева эти 1 центнергача ва мева кўсак уруғи 1-1.5 центнерни ташкил этади. Кейинги йиллардан бу кўрсаткичлар доимий равишда 2 бараварга ошиб боради.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Гинкго барглари унинг хом-ашёси ҳисобланади. Барг Ўзбекистон шароитида октябрь ойидан сарғайиб боради. Лекин биринчи ўта қаттиқ совуқ ва изғирин даврида дарахтдаги барглар сарғаяди. Қор тушиши билан улар ерга тўкилади. Ана шу барглар терилади ва қуритгичларда қуритилиб крафт қофозли қопларда қопланади. Барг тўкилгандан сўнг дарахтларнинг мева кўсаклари шохларда қолиб кетади. Хом-ашё сифатида унинг мева кўсакларидан фойдаланилади. Бу мева кўсаклар шохларда автокўттармалар ёрдамида териб олинади ва мева этидан уруғлари ажратилади. Мева эти алоҳида ва уруғи алоҳида тайёрлов пунктларига топширилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Охириги йилларда Гинкго билоба дарахти баргидан ажратиб олинаётган бирикмалар фармокотерапия соҳасида бир қанча нерв ва қон томирлари касалликларида, атеросклероз, хотирани яхшилаш ва диққатни жамлашда кенг фойдаланилмоқда. XX аср охирига келиб медицина соҳасида “Гинкго” машхур препаратга айланди.

Тавсиялар. Гинкго дарахти манзарали ва доривор фойдали хусусиятга эга бўлган ўсимликлар сирасига кириб, бу дарахтни тоғ ва тоғолди худудларига, маъмурий биноларнинг олд қисмларини кўкамламзорлаштиришга, истироҳат боғларини кўкаламзорлаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, Гинкго дарахтини экин майдонларининг атрофларида, ариқ ва каналларнинг бўйларида экиш мақсадга мувофиқдир.

ҚОРА МЕВАЛИ АРОНИЯ - АРОНИЯ ЧЁРНОПЛОДНАЯ - ARONIA MELANOCARPA L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Қора мевали арониянинг асл ватани Шимолий Американинг шарқи ҳисобланади. Ўзбекистонда интродуцент ўсимлик ҳисобланади.



Ўсимликнинг тавсифи.

Қора мевали Арония - баландлиги 3 метрга етувчи ва кучли шохланувчи бута бўлиб, ўзининг табиий ареалида (Шарқий, Шимолий Америка) одатда 0,5 м дан 2 мертгача, баъзи ҳолларда 4 метргача етади. Ёш даврида шох-шаббаси қисилган компакт тарзида бўлиб, кейинчалик ўсиб, диаметри 1,5 метрдан 2 метрга етади. Бир йиллик новдалари қизилкорамтири бўлиб, кейинчалик қора-кулранг тусга киради. Барги оддий, бутун ва узунлиги 4-8 см, барг кенглиги эса 3-5 см айлана тухумсимон шаклда. Барг юза қатлами қалин, этли, очик, қорашил; пастки томони – оқ, доғлар билан қопланган ва кам тукли ҳисобланади. Гуллари кичик ва икки жинсли, беш гулбаргли, оқ ёки бир оз оч-қизил рангда, қалқонсимон, диаметри 5-6 см гултожида зич жойлашган. Май – июнь ойларида гуллайди. Гуллаш даври 12-16 кун давом этади. Меваси август-сентябрь ойларида пишади. Меваси юмалоқ, баъзида ғадир-будир айлана шаклда, қорамтири ёки қора-қирмизи рангда, диаметри 6-8 мм, нордон – чучук таъмли. Битта мева оғирлиги 0,6-1,5 грамм. Маданийлаштирилган навларининг мевалари йирикроқ бўлади.

Агротехник тадбирлар. Тупроқ шароитига кам талабчан. Озиқаси кам бўлган тупроқларда хам яхши мева беради. Сояга чидамли, лекин бундай шароитларда ҳосилдорлик сезиларли даражада пасайиб кетади. Агар, Америка аронияси совуқ иқлим шароитига ўртacha чидамли бўлса, маданийлаштирилган арония ўсимлиги эса $-35\text{--}40^{\circ}\text{C}$ эга бўлган қишиқи совуқларга ўта чидамли. Уруғларини асосан стратификациялаш йўли билан кўпайтирилади.

Ўзбекистон шароитида вегетатив усулда, қаламчалар ёрдамида кўпайтирилади.

Аниқланишича, бир йиллик новданинг ўрта ва юқори қисмларидан ривожланиш тўхтаган даврда тайёрланган қаламчаларнинг илдиз отиши кучли бўлади. Қаламчалар күёшдан пана ердаги усти оч рангли мато билан қопланган плёнкали иссиқхоналарга экилганида, иссиқхоналарга вақти-вақти билан пуркаб турадиган туман ҳосил қилувчи мослама ўрнатилганида, гетероуксин (бета-индолил сирка кислота)-ИУК, альфа-нефтил сирка кислота - НУК, бета-индолил ёғ кислота - ИМК сингари ўстирувчи моддалар билан ишлов берилганида, қаламчаларнинг томир олиш миқдори ортади.

Ўстирувчи моддалар сувда яхши эримайди, шунинг учун дастлаб оз миқдордаги спиртда эритилиб, кейин сувга аралаштирилади.

Етилмаган (ҳали ёғочланмаган) қаламчаларга ишлов бериш учун паст, чала етилганлар учун ўрта, ёғочланган қаламчалар учун эса юқори даражадаги ўстирувчи моддалар аралашмаси ишлатилади.

Эритманни икки босқичда тайёрлаш тавсия этилади. Дастлаб кур эритма, қуюқ аралашма, кейин керакли даражада аралашмали ишчи эритмаси. Кур эритма тайёрлаш учун, 1 грамм ўстириш моддаси шиша идишда 50 ml^3 96 % спиртда эритилади, кейин 1 литр дистилланган сув қўшилади. Бунда 0,1 % аралашмали, 1 литр ҳажмда кур эритма ҳосил бўлади, уни салқин жойда сақланади. Тегишли аралашмали ишчи эритма, кур эритмага ичимлик суви кўшиши йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, 50 мг/л аралашмали 1 литр ишчи эритма тайёрлаш учун, 50 мл кур эритма олиш зарур. 25 мг/л аралашмали 8 литр эритма тайёрлаш учун, эса 200 мл. кур эритма керак бўлади, ишчи эритманинг умумий миқдори 8 литрга етади.

Шундай килиб, тегишли аралашмали ишчи эритма тайёр бўлди. Кейин қирқиб, нам матога ўралган қаламчалар 25 тадан қилиб боғланади ва боғ-боғи билан ванначага ёки шиша, сирланган, зангламайдиган пўлат идишга жойланади. Эритма қатлами 3-3,5 см.дан катта ва 1,5-2 см.дан кам бўлмаслиги керак. Қаламчаларга соат 17.00-17.30 да ишлов

берилади, туни билан қолдирилиб, эрталаб ичимлик сувида яхшилаб ювилади ва экилади. 15-16 соат мобайнида ишлов берилади. Сувдаги эритмалар ҳарорати 20-25 даражада оралиқда бўлиши керак.

Илдиз оттириш учун арония қаламчалари мавсум охирларида, октябрь-ноябрь ойларида тайёрланади. Қаламчалар 20-25 см узунлиқда қирқилиб, полларда 10-15 см чуқурликда қумга қадалади. Шунингдек, бундай қаламчаларни иссиқхоналарда маҳсус тайёрланган субстратларда қадаш мумкин. Қаламчалар очик ҳавода 2 йил давомида ва иссиқхоналарда 1 йил давомида тайёр кўчат бўлиб етилади. Иссиқхонада чириган гўнг билан ўғитланган (1 m^2 га 2 челак миқдорида) ва яхшилаб чопилган, текисланган, устига 15 см қалинликда дарё қуми тўшалган тупроқ қаламча экиш учун оптималь мухит ҳисобланади. Қаламчалар 5-10 см чуқурликка қиялатиб экилади. Кунига 4 марта, ҳар уч соатда суғориб турилади.

Қаламча тайёрлашда гетераауксиндан (туман ҳосил қилувчи мослама йўқлигидан) фойдаланиш илдиз отишни 10-15 % оширади. Оз миқдорда марганцовка эритмаси ёрдамида ишлов бериш ҳам илдиз отишни тезлаштириб, тупроқдаги чириш жараёнини пасайтиради. Қаламча экилганидан 20-30 кун ўтгач, илдиз отиш нукталари бўртиши намоён бўлади. Бу вақтга келиб кундалик суғориш миқдори 2 мартагача камаяди (эрталаб ва кечкурун). 40-50 кунда иссиқхона плёнкаси олиниб, ўрнига оқ мато ёпиб қўйилади. Суғориш миқдори 1 гача камайтирилади (эрталаб). Сентябрь бошларида иссиқхонанинг куйи кисмидан ёпқич мато олинади. Ҳафтасига бир марта суғорилади ва октябрда суғориш тўхтатилади.

Кўчатлар бўйи 50-80 см.га етади, бир неча поя ҳосил қилади ва плантация ташкил этиш учун кўчатлар тайёр ҳолга келади.

Кузда арония экишга ажратиб қўйилган майдон 25-30 см чуқурликда хайдалади. Баҳорда текисланади ва молаланади. Қўлда ёки чуқурча ковлагичда 40x40 см ўлчамда ва 50 см чуқурликда кўчат ўтқазиладиган уячалар қазилади. Ана шу чуқурчанинг ҳар бирига бир челакдан фосфор аралаштирилган чириган гўнг (1:5) солинади. Чуқурча тубидаги тупроққа ўғит аралаштирилади.

Экиш олдидан кўчатларга қўйидагича ишлов берилади: заарланган илдизлари олиб ташланади, барча илдизларнинг учлари қирқилади, тупроқ устидан буғланишини камайтириш учун поя узунлиги қисқартирилади, бу эса кўчатнинг яшовчанлигини ошириш ва ривожланиш имконини беради.

Экиб бўлинганидан кейин “окучник”- чопик асбоби ёрдамида ўсимлик экилган уячалар яқинидан суғориш эгатлари олинади. Уячалардаги тупроқ тўла намиқадиган даражада жилдиратиб суғорилади. Биринчи йили 10 мартагача суғорилади (май-1, июнь-сентябрь-2 тадан, октябрь -1(0)).

Ҳар 2-3 суғоришдан кейин культивация қилинади, чуқурлардан ўсиб чиқсан йирик бегона ўтлардан тозаланади. Бунда шуни ҳам назарда тутиш керакки, культиватор чуқур ботганида ёки қўл кучи билан чуқур чопилганида илдиз тармоғи заарланиши мумкин. Илдиз заарланган ерда бачкилари кўпайиб кетади, бу ўсимлик турининг ривожланишига халал беради, туп ҳосили камаяди. Ҳосил бўлган илдиз бачкилари аста олиб ташланиши керак.

Тавсия этилган агротехникага қатъий амал қилинганда навли арония экилганидан кейинги иккинчи йили ёк мевага киради. Кўчатлар 3-4-йили ва ундан кейинги йилларда ялпи мевага киради.

Ҳосилдорлик (мевалар) гектар ҳисобида дастлабки йилларда 3-4 центнерни, кейинги йилларда 10-12 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Хом-ашё сифатида мева пишиб этилгандан кейин териб олинади. Мевалар август ойининг охирларида қора тусга кира бошлайди. Октябрь ойларида унинг шохидаги шингил мевалари тўқ-қора тусга киради ва мевалари пишиб этилган ҳисобланади. Мева ўсимликнинг барглари совуқ уриб тўлиқ тўкилганидан сўнг териб олинади. Териб олинган мевалар қуритгичда қуритилади ва

майиз ҳолига келтирилади. Тайёр хом-ашё крафт қофозли қопларга қопланади ва тайёр маҳсулот сифатида истеъмолга етказиб берилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Мевасининг 10% миқдорини шакар (асосан глюкоза ва фруктоза) ва спирт сорбит ташкил этиб, озиқ-овқатга ширин таъм беради ва инсонларда қандли диабет касалликларида қанд миқдорини сезиларли камайтириш хусусиятига эга. Ўсимлик мевалари Р витаминларга бой (ўртacha 2000 мг%, ҳатто 6500 мг% этиши мумкинлиги аниқланган). Арония ўсимлиги меваларида каротин (провитамин А), В, PP, Е, С витаминлари мавжуд. Меваси таркибида ўртacha антоцион пигментларнинг миқдори 6,4% ни ташкил этади.

Арония ўсимлиги меваси таркиби микроэлементларга бой бўлиб, улар билан бошقا ўсимликлардан тубдан ажралиб туради. Унинг меваси таркибида бор, фтор, йодли бирикма (100 г тоза мевасида 6-10 мг) темир, мис, марганец, молибден бирикмалари мавжуд. Мевасининг умумий ишқорлик даражаси олма мевасидан 1,3% га кам. Бундан ташқари мевасида нордон таъмни берувчи пектин ва ошловчи моддалар билан бирг, а гликозид амегдалинлари ҳам мавжуд.

Тавсиялар. Ўзбекистоннинг тоголди, суғориладиган ҳудудларнинг ариқ ва канал бўйларига экиш мумкин. Шунингдек, маъмурий бинолар, истироҳат боғларидаги кўкаlamзорлаштирилган майдонларда ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш ускуналари ёрдамида ўстириш мумкин.

ДОРИВОР РОЗМАРИН - РОЗМАРИН АПТЕЧНЫЙ -*ROSMARINUS OFFICINALIS* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Африкада (Жазоир, Ливия, Марокко, Тунис), Туркия, Кипр, Европанинг шимолий қисми, собиқ Югославия давлатлари, Греция, Италия, Португалия, Испания, Францияда табиий ҳолда ўсади.



Аксарият ҳолларда, таркибида оҳак кўп бўлган тупроқларда, қуруқ қояларда, тоғларнинг жанубий ёнбағирларида, қуёш яхши тушадиган жойларда учрайди.

Ўсимликнинг тавсифи. Доривор розмарин, бўйи 50-100 см гача етадиган доим яшил бута. Пояси тик ўсуви, шохланган, ёш новдалари тўрт киррали. Илдиз тизими яхши тараққий этиб, тупроққа 3-4 м гача кириб боради. Баргларининг узунлиги 4 см, эни 0,3 см, чўзинчоқ қалами шаклда, бандсиз ёки қисқа банди билан пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки лабли майда, оч бинафша рангда. Уруги тухумсимон, жигарранг, усти силлиқ, узунлиги 2-2,5 мм, эни 1-1,5 мм. Меваси думалоқ-силлиқ, жигарранг ёнгоқ. 1000 дона уруғ вазни 1,2-1,4 г.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликини плантациясини ташкил этиш учун аваломбор, кўчат тайёрлаш зарур. Бизнинг шароитда ўсимлик уруғ бермайди. Шу сабабли вегетатив усулда қаламчалардан кўпайтирилади.

Етилмаган (ҳали ёғочланмаган) қаламчаларга ишлов бериш учун паст, чала етилганлари учун ўрта, ёғочланган қаламчалар учун эса юқори даражадаги ўстирувчи моддалар аралашмаси ишлатилади.

Эритмани икки босқичда тайёрлаш тавсия этилади. Дастроб қур эритма-қуюқ аралашма, кейин тегишли аралашмали ишчи эритма тайёрланади. Қур эритма тайёрлаш учун 1 г ўстириш моддаси шиша идишда 50 мл³ 96 % спиртда эритилади, кейин 1 л дистилланган сув қўшилади. Бунда 0,1 % аралашмали 1 л ҳажмида қур эритма ҳосил бўлади, уни салқин жойда сақланади. Тегишли аралашмали ишчи эритма қур эритмага ичимлик суви қўшиш йўли билан ҳосил қилинади. Масалан, 50 мг/л аралашмали 1 литр ишчи эритма тайёрлаш учун 50 мл қур эритма олиш зарур. 25 мг/л аралашмали 8 литр

эритма тайёрлаш учун эса мувофиқ равища, яъни 200 мл қур эритма керак бўлади, ишчи эритманинг умумий миқдори 8 литрга етади.

Шунингдек, қаламча тайёрлашда гетероауксиндан (туман ҳосил қилувчи мослама йўқлигига) фойдаланиш илдиз отишни 10-15 % оширади. Оз миқдорда марганцовка эритмаси ёрдамида ишлов бериш ҳам илдиз отишни тезлаштириб, тупроқдаги чириш жараёнини пасайтиради.

Қаламчалар июль-август ойларида пояси ёғочланган новдалардан 15-20 см узунликда кесилади. Нам матога ўралган қаламчалар 25 тадан қилиб боғланади ва боғбоғи билан ванначага ёки ҳар қанақа шиша, сирланган, зангламайдиган пўлат идишга жойланади. Эритма қатлами 3-3,5 см дан зиёд ва 1,5-2 см дан кам бўлмаслиги керак. Қаламчаларга соат 17.00-17.30 да ишлов берилади, туни билан қолдирилиб, эрталаб ичимлик сувидаги яхшилаб ювилади ва экилади.

Илдиз оттириш учун бундай қаламчаларни иссиқхоналарда маҳсус тайёрланган субстратларга қадаш керак. Иссиқхонада чириган гўнг билан ўғитланган (1 m^2 га 2 челак миқдорида) ва яхшилаб чопилган, текисланган, устига 15 см калинликда дарё қуми тўшалган тупроқ қаламча экиш учун оптималь муҳит ҳисобланади. Қаламчалар 5-10 см чуқурликка қиялатиб экилади. Кунига 4 марта, ҳар уч соатда суғориб турилади. Қаламча экилганидан 20-30 кун ўтгач, илдиз отиш нуқталари бўртиши намоён бўлади. Бу вақтга келиб кундалик суғориш миқдори 2 марта гача камаяди (эрталаб ва кечкурун). Октябрь ойида суғориш миқдори 1 гача камайтирилади (эрталаб). Сўнгра ҳафтасига бир марта кўчкат тайёр бўлгунга қадар суғорилади. Қаламчалар иссиқхоналарда эрта баҳорда тайёр кўчкат бўлиб етилади.

Тайёр бўлган кўчкатлар плантацияга экилгунга қадар, майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади, текисланади, молаланади ва 60-70 см оралиғида қатор тортилади. Туплар оралиғи 20 см масофада кўчкатлар ўтқазилади ва захлатиб суғорилади. Йил давомида ўсимликлар 8-9 марта суғорилади.

Ҳар 2-3 суғоришдан кейин культивация қилинади, бегона ўтлардан тозаланади. Тавсия этилган агротехникага қатъий амал қилинганда ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши талаб даражасида бўлади.

Ҳосилдорлик (ўсимлик асосий пояси ва ён шохларининг 10-15 см учки қисми ва бутун тупдаги барглар) гектар ҳисобида 5-7 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Плантацияда ўсимликнинг хом-ашёсининг ийғиб олиш август-сентябрь ойларида амалга оширилади. Яъни, дастлаб асосий поянинг 15 см.гача бўлган учки қисмлари, кейин ён шохларининг 15-20 см.гача бўлган учки қисмлари кирқиб олинади. 3-марта ҳосил йиғиш тадбирида ўсимлик тубида қолган барглар териб олинади. 1 ва 2-тадбирда кирқиб олинган ҳосил маҳсус кесгичларда 5-10 см қайта кесилади, 3-тадбирдаги терилган барглар ангарлардаги сеткали стеллажларда куритилади. Тайёр хом-ашё крафт қофоз қопларида қопланади ва қайта тайёрлаш пунктларига етказиб берилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Розмарин новдаларининг юқори қисмида, гулида, баргига эфир мояи сақлайди. Эфир мояи таркибида α – пинен (30%), камfen (20%), цинеол (10%), борнеол, L –камфора, кариофиллен, борнилацетат, лимонен, смола ва бошқа моддалар мавжуд.

Розмарин кучли хушбўй ва ёқимли хидга эга. Барги, гули, ёш новдалари қуруқ холда балиқ маҳсулотларига ишлов беришда қўлланилади. У оз миқдорда қовурилган гўшт, қовурилган товук, қийма гўшт, кўзиқоринли салатлар, сабзавотли қайнатма ва бошқа таомларга таъм берувчи зиравор сифатида қўшилади.

Тавсиялар. Доривор розмаринни републикамиз шароитида унумдор, суғориладиган асосий қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонларда экиб ўстириш мақсадга мувофиқ.

ОДДИЙ ҚУЛМОҚ - ХМЕЛЬ ОБЫКНОВЕННЫЙ -*HUMULUS LUPULUS L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Табиий ҳолда асосий Европада; Днепрнинг юқори қисмида, Крим, Кавказ ҳамда Ўрта Осиёда; Тянь-Шань тоғ тизмаларида учрайди. Ўзбекистон флорасида янги интродуцент ўсимлик ҳисобланади. Ҳозир қулмоқ турлари АҚШ, Чехия, Словакия, Польша, Украина, Кавказ, Крим ўлкаларида асосий қишлоқ хўжалиги ўсимлииги сифатида экилади. Россиянинг Пенза, Рязань, Олтой, Қозон каби шаҳарларида, боғ ва хиёбонларида манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ушбу ўсимлик Тошкент Ботаника ботаникниг Доривор ўсимликлар интродукцияси лабораториясига 1964 йилда интродукция қилинган. Ҳозирги кунда оддий қулмоқнинг Ўзбекистонда мавжуд бўлган экоформаларини йиғиш ва коллекциясини барпо этиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Агротехник тадбирлар. 1.



Майдон тайёрлаш. Оддий қулмоқнинг плантацияларини ташкил этиш учун майдон кузда 20-25 см чуқурликда ҳайдалади. Сўнгра баҳорда майдон қайтадан шудгор қилиниб, молаланади ва 4 метр оралиқда 90 см.ли (суғориш учун) оралиқдаги қаторлар тортилади. Кейинги тадбир 90 см.ли оралиғида олинган қаторларга келажакда ўсимликнинг ишкомларини барпо этиш учун 8-10 метр масофада 3,5 метр баландликдаги бетон тиркагичлар ўрнатилади. Уларга 4 қатор юмшоқ симлар тортилади.

2. Ўсимликни экиш. Ўсимлик вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Апрель ойининг бошида ўсимликнинг ер устки қисми 5-10 см га етганда илдизпоялари ковлаб олиниб, улардан 10-15 см узунликда қаламчалар тайёрланади ва

тайёрланган қаторларга 50 см туп оралиғида қаламчалар экилади ва захлатиб суғорилади. Ўсимлик жуда тез ўсади. 30-40 кун мобайнода биринчи қатордаги симларга илашади. Вегетация давомида ўсимлик 7-8 марта суғорилади ва 2 марта қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Июнь ойида ўсимлик ғунчалаш фазасига киради. Июнь-июнлда дастлабки куббалар намоён бўлади. 30-40 кун давомида бу қуббалар етилади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига биринчи вегетация йилида 0,8-1 центнер, 2-3 йилларда 2,5-3 центнердан, кейинги йилларда 5-6 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Оддий қулмоқнинг хом-ашёси йиғиш йилнинг икки вақтига тўғри келиб, дастлаб июнь-июль ойларига ва такрорий ҳосил септембр-октябрь ойларида амалга оширилади. Яъни, яшил тусдаги қуббалар териб олинидади. Бунда қуббаларнинг рангги сарғайишга йўл қўйилмаслиги зарур. Яшил қуббалар териб олиниб, қуритишга қўйилганда уларнинг яшил туси ўзгармайди ва сифатли хом-ашё тайёрланади. Шунингдек, ангарлардаги сетка стеллажларда куббаларни ёйишда 5-7 см қалинликдан ошмаслиги зарур. Агар қуббалар қалин ёйилса, улар могорлайди ва могор ҳиди сезилади. Хом-ашё тайёрлашда унинг қуритиш муддати 4-5 кунни ташкил этади. Ана шу муддатда тайёрланган хом-ашёда 12-13% намлик сақланиб қолинади. Тайёр хом-ашё крафт қоғозли қопларда 4-5 кг оғирликда қопланади ва қопларнинг оғизлари беркитилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Оддий қулмоқ куббалари тарикебида аччиқ моддалар, эфир мойи, flavanoidлар, хумулин алкалоиди, кислоталар, кўп микдорда смола (лупулин), ошловчи моддалар бўлиб, расмий ва ҳалқ табобатида оғриқ қолдирувчи дори сифатида, жигар, буйрак ялигланиши ҳамда нерв системасини тинчлантирувчи сифатида фойдаланилади.

Тавсиялар. Ўсимликни типик бўз тупроқлар ва ўртача шўрланган тупроқларда плантациясини ташкил этиш мумкин.

ХУШБЎЙ РУТА - РУТА ДУШИСТАЯ - *RUTA GRAVEOLENS* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Табиий ҳолда Ўрта ер денгизининг барча ҳудудларида: Канар оролларидан то Кичик Осиёгача бўлган ҳудудларда, шу билан бирга Жанубий Кримда учрайди. Ҳозирги вақтда кўпчилик тропик ва субтропик мамлакатларда маданийлаштирилган. Ўзбекистонда интродуцент ўсимлик бўлиб, Тошкент Ботаника боғи Доривор ўсимликлар интродукцияси лабораториясида интродукция қилинган.



яраларни келтириб чиқаради. Куруқ ҳолатлар сезиларли даражада камаяди.

Ўсимликнинг ер устки қисми, ялпи гуллаш даврида, июнь-июнль ойларида йигиб олинади. Дастреб асосий поянинг ва ён шохларининг 15-20 см.гача бўлган учки қисмлари кирқиб олинади. Сўнг ўсимлик тубида қолган барглар териб олинади. Йигиб олинган ўсимлик шохлари маҳсус кесгичларда 5-10 см қайта кесилади. Хом-ашё ангарлардаги сеткали стеллажларда куритилади. Тайёр хом-ашё крафт қофоз қопларида қопланади ва қайта тайёрлаш пунктларига етказиб берилади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Хушбўй рута майсаси таркибида эфир мойи (0,25-1,2%), витамин С (156,6 мг%), ошловчи моддалар, фуранокумарин, алколоидлар ва флавонгликоид моддалари мавжуд. Мевасида скиммиамина (0,018%) ва кокусагинина моддалари аниқланган. Илдизида кумарин, фурокумарин, алколоидлар ва эфир мойи сақлайди.

Хушбўй рутанинг бир йиллик новдалари ва барглари таомларга таъм бериш ва доривор сифатида фойдаланилади.


Тиббиётда тонусни кўтарувчи, оғриқ қолдирувчи, тутқаноқ тутганда, қон тўхтатувчи, антиоксик, асад тизимини тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади. Ўсимликнинг дамламаси ёки баргининг ўзи буйрак, ошқозон ва аёллар жинсий органларининг айrim касалликларида ичилади. Рута ўсимлигидан тайёрланган дорилардан айниқса эпилепсия, бош айланиши ва бош оғриғида, тез чарчаб қолишда, вахимага босганда фойдаланилади. Шу билан бирга атеросклероз, климактерик неврозда ҳам рута ўсимлигидан тайёрланган дориларни тавсия этилади.

Тавсиялар. Ўсимликни типик бўз тупроқлар ва ўртача шўрланган тупроқларда плантациясини ташкил этиш мумкин.

ҚОРАҚАНД - СМОРОДИНА ЧЕРНАЯ -*RIBES NIGRUM L.*

Ўсимликнинг тарқалиши. Табиий ҳолда МДҲ давлатларининг Европа қисми ўрмонларида, ғарбий, шарқий, жанубий Сибир текисликлари, тоғликларида учрайди. Ўрмон ўсимлиги хисобланади.

Қора қорақанд сой, кўл, дарё, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, кенг баргли, игна баргли ва аралаш ўрмон текисликларида нам, чириндига бой тупроқларда учрайди.



Ўсимликнинг тавсифи. Бўйи 1-2 метрга етадиган бута. Қизил смородинадан хушбўй барглари ва қора мевалари билан фарқ қиласди. Барглари 3-5 панжали, май-июнь ойларида гуллайди. Меваси июль-августда пишади. Барги ва мевасидан фойдаланилади.

Агротехник тадбирлар. Қора қорақанд мевасининг таркиби билан жуда ҳам кўп витаминларга бой ўсимликдир. Ўсимлик боғдорчиликда катта ўрин тутади. Ўсимликни маданий ҳолда кўпайтириш учун асосан уларнинг пояларидан қаламчалар тайёрланади. Қаламчалар 25-40 см узунликда пишган шохларидан кесилади ва катта тупдан чиқкан майда бачки кўчатлар ажратиб олинади.

Ўсимлик ҳосилга киргандан сўнг унинг ҳосил шохлари йиллар давомида эскиради. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида қора қорақанд мева шохлари кесилиб турилади. Бу тадбир мева шохларини кўпайтириш, ўсимлик ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш усули бўлиб, боғдорчиликда қабул қилинган. Шунингдек, ўсимликнинг уруғидан кўпайтириш фақатгина селекция илмий тадқикот ишларида фойдаланилади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 2-3 йилда 2-3 центнер, 4-7 йилларда 8-10 центнергача етади. Ўсимлик тупларининг катталашиб бориши билан ҳосилдорлик ошиб, 15 ёшдан катта бўлган ўсимликларнинг ҳосилдорлиги 25-30 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Қора қорақанднинг мевалари йил давомида икки марта терилади. Яъни, мева июль ойида пишиб етилади. Меваларни териш вақтида ўсимлик шохларини синдириш ман этилади. Мевалар алоҳида тагига оқ мато ўралган саватчаларга терилади ва хом-ашё тайёр ҳисобланади. Шунингдек, сентябрь ойининг охирида иккинчи тартибли поялардаги мевалар пишиб етилади. Ана шу даврда иккинчи марта мева териш амалга оширилади. Мевалар юкорида келтирилганидек алоҳида саватчаларга терилиб, хом-ашё етказиб берилади.

Шунингдек, терилган мевалар қуритилишга ҳам қўйилади. Бунда қуритилган меваларнинг сифати қуйидагича бўлиши шарт: хом-ашё таркибидаги намлик 18%дан, кул 3%дан, ўсимликнинг бошқа қисмлари (барг, шохча қисмлари) 1%дан, етилмаган мевалар 5%дан, ўта қуриб кетганлари 3%дан ошмаслиги керак. Қуритилган хом-ашё хўл ҳолдаги меваларнинг 1/5 ташкил этади. Қуритилган хом-ашё оқ мато қопларда 30-40 кг.дан қопланади. Сақлаш муддати бир йил.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Меваси витаминлар, аскорбин кислота (0,4% гача) каротин, углевод (16,8%), органик кислоталар (2,5-4,5%), пектин моддалар (0,5%), цианидин, дельфинидин ва унинг глюкозидлари, кверцетин ва изокверцетин; новдалари - эфир мойи (0,6%); d-пинен, 1- ва d- сабинен, d-кариофиллен, спирт ва феноллар сақлайди. Ундан ташқари новдаларида кам ўрганилган органик кислоталар топилган. Барглари эфир мойи ва аскорбин кислотаси сақлайди. Қора қорақанд меваси ярим витамин модда сифатида гиповитаминоз ва авитоминаноз касалликларини профилактик даволашда фойдаланилади. Ёш барглари қуюқ дамламасидан тери касалликлари, шамоллашда, сийдик йўллари, буйрақдаги тош ва туз ҳайдашда шунингдек, ревматизм касалликларини даволашда фойдаланилади. Қора

қорақанд шарбати ва қуйқаси томоқ касалликларини, қандли диабед, кокшол (коклюш), ошқозон яраси ва ичак касалликларига самарали фойда беради. Қора қорақанд барглари таркибидаги инфузион кислотаси ва шовул кислотаси танага ёрдам беради, шунинг учун у ревматизм ва подагра касалликларини даволаш учун тавсия этилади.

Халқ табобатида гуллари йўтал, бавосил, зобга, аёл касалликлари, милк касалликлари касалланганда ичилади; мевалари ёки шамоллаш учун мураббо тарзида, юрак хасталиги, ошқозон касалликларида истеъмол қилинади.

Тавсиялар. Қора қорақанд ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кичик масштабда экилади. Бу ўсимликни плантацияларини ташкил этиш учун сугориш тармоқлари йўлга қўйилган тоғолди адирликлари, адирликларнинг пастки қисмлари ариқ ва каналларнинг қирғоқлари кулагай хисобланади.

ЯПОН СОФОРАСИ - СОФОРА ЯПОНСКАЯ - *SOPHORA JAPONICA* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. Япон софорасини ватани Хитой. Корея ярим ороли, Япония, Вьетнэм ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида кенг миқиёсда етиштирилади. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади.



Ўсимликнинг тавсифи. Япон софораси оқ акацияни эслатувчи, бўйи 15-20 метр баландликдаги дарахт хисобланади. Ўсимлик барглари 11-15 жуфт ҳолда, шакли тухумсимон ёки овалсимон кўринишда бўлиб, поядга якка ҳолда жойлашади.

Агротехник тадбирлар. Ўсимлик плантацияларини ташкил этиш учун кўчатхоналарда дастлаб кўчат тайёрланади. Кўчат тайёрлаш учун майдон 25-30 см чуркуликда шудгор қилинади ва текисланади. 60-70 см масофада қаторлар тортилади. Уруғларни баҳорда экиш учун уруғлар пўстлоғидан тозаланади ва сувга ивитиб қўйилади. Уруғларда ниш ҳосил бўлиши бошлаганда 20 см оралиқда тайёрланган майдонларга экилади. Уруғларни кузда уруғ пўстлоғидан тозаламасдан

экилади. Кузда экилган уруғлар март ойининг охирларида ёки баҳорда экилган уруғлар 15-20 кун давомида униб чиқади. Униб чиқсан ниҳоллар йил давомида 8-10 марта сугорилади. Қатор оралари 2 марта юмшатилиб, доимий равишида бегона ўтлардан тозаланиб турилади. Ниҳолхоналарда 3-4 йил давомида парваришланади. Тайёр бўлган кўчатлар тоғолди адирликларидаги экин майдонларининг атрофларида, адирликлардаги йўлларнинг бўйларида, асосий қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг атрофларида экилади. Кўчат экишдан олдин дастлаб, 40x40 см катталикда чуқурчалар тайёрланади. Бу чуқурчаларда чириган гўнг-1, кум-1 ва тупроқ-3 схемада аралашма субстрат тайёрланниб кўчатлар ўтказилади. Кўчат илдизининг субстратга жибласиши учун сув қуйилади. Йил давомида кўчатлар 3-4 марта сугорилиши мақсадга мувофиқдир. Япон софораси кўчатлари 7-8 йил давомида ҳосилга киради. Дастлаб унинг ҳосилдорлиги кам бўлиб, 3-4 йилдан сўнг дарахт ялпи ҳосилга киради. Унинг ҳосил қисми ғунчалари ва мевалари хисобланади. Ҳосилни теришда нарвонлардан ва автокўтаргичлардан фойдаланилади. Ғунчалари май ойининг охирларида терилади. Ғунчалар йигиб олинниб, маҳсус қуритиш ангарларидаги сеткали стеллажларда 1-2 см қалинликда ёйилади ва 4-5 кун давомида қуритилади. Қуритилган хом-ашё крафт қоғозли қопларда қопланади.

Шунингдек, япон софорасининг мевалари ноябрь-декабрь ойларида терив олинади. Терив олинган мевалар маҳсус қуритичларда 13% намлик микдоригача қуритилади ва қопланади. Тайёр бўлган хом-ашё тайёрлов пунктларига етказиб берилади.

Ҳосилдорлик ғунча хом-ашёси гектар ҳисобида 2-3 центнер ва мева 15-20 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Хом-ашё сифатида ўсимликнинг меваси йигиб олинади. Софора мевалари ёғингарчилик бўлмаган қуруқ вақтда йигиб олинади. Бунинг учун шингил мевалар тўлиқ пишиб етилмаган вақтда, гул қайчида кесилади ёки эҳтиётлик билан синдириб олинади. Бу вақтда мевалар этли ва сувли бўлади. Йигилган мевалари ҳаво айланиши яхши бўлган ангарларда ёки маҳсус қуригичларда 25-30°C температурада қуритилади. Қуритилган ва тозаланган мевалар 2 ёки кўп қаватли қофоз қопларга қопланади. Япон софораси ғунчалари тўпгулидан айрим ғунчалар тўклишини бошлаганда, июнь-июль ойларида, ҳаво очиқ ва қуруқ бўлган вақтларда гул қайчида кесилади ёки эҳтиётлик билан синдириб олинади. Йигиб олинган тўпгуллар зудлик билан қуритилади. Қуритишда ҳаво айланиши яхши бўлган ангарларда ёки қуригичларда 40-45°C температурада қуритилади. Қуритилган хом-ашё тўпгул шохларидан ва бошқа чиқитлардан тозаланади. Тайёр хом-ашё қофоз қопларга қопланади. Япон софораси мевасидан тайёрланган хом-ашё таркибида намлик 14%, кул 3%, қорайган ва хом мевалар 10%, шохлари ва барглари 3%, органик қўшимчалар 0,5%, минераллар 1% дан ошмаслиги талаб этилади. Япон софораси ғунчасидан тайёрланган хом-ашё таркибида намлик 12%, кул 8%, органик қўшимчалар 3,5%, минераллар 1% дан ошмаслиги ва рутин 16% дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Мева ва ғунчалари қуруқ, ҳаво яхши айланадиган биноларнинг стеллажларида 1 йилгача сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Япон софораси ғунчаларидан олинган рутин моддаси капиллярлар деворларини мустаҳкамлаб, иммунитетни оширади. Япон софораси ғунчаларидан порошок, таблетка, умумий таъсир қилувчи препаратлар: аскорутин, аэровит, амитетравит, глутамевит, компливит тайёрланади. Ўсимликнинг тез ривожланувчи органларида: ёш новдаларида ва меваларида кўп микдорда рутин тўпланади. Энг кўп рутин ўсимликнинг ғунчаларида йиғилиши аниқланган. Меваларнинг пишиш даврида 8 хилдаги флавоноидлар бўлиб, уларнинг микдори ўсимликнинг жойи ва хом-ашё йиғишнинг вақтига қараб ўзгариб туради. Ўсимликнинг баргida ҳам рутин (софорин) ва 47% витамин С мавжудлиги аниқланган. Уруғларида 10% гача ёғ-мой мавжуд.

Тавсиялар. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларининг типик бўз тупроқлари, кам шўрланган ерлар ўстириш учун қулай ҳисобланади.

РЕБАУДИАН СТЕВИЯ - СТЕВИЯ РЕБАУДИАНА - *STEVIA REBAUDIANA* BERTONI.

Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимлик табиий холда Парагвайнинг тоғли ҳудудларида, Rio Monday водийсининг 25-26° жанубий кенглигига дарё ўзанларига яқин қумли тупроқда ўсади. Табиий ўсимлик заҳиралари денгиз сатҳидан 300 метр баландликда ҳам учрайди.

Агротехник тадбирлар. Ургунинг унувчанлиги паст ва тезда унувчанлик қобилиятини йўқотади. Стевия ўсимлиги уруғини экишнинг оптималь муддати январь ойи ҳисобланади. Стевия ўсимлигини плантацияларини ташкил этиш учун иссиқхоналардаги маҳсус полларга уруғлар сепилади. Экилган уруғларнинг устидан элакдан ўтказилган

аралашма (гўнг, қум, тупроқ 1-1-3) тупроқни 0,2-0,3 см қалинликда сепилади. Март ойининг охири ва апрель ойининг бошларида ниҳолларнинг бўйи 15-20 см.га етиб, очиқ майдонга олиб чиқиш учун тайёр ҳолга келади.

Ўсимликни экиш ва парвариш учун қуёш нури тушадиган, унумдор ва сугориш имконияти етарли бўлган майдон танланади. Сабаб, бу ўсимлик соя, унумсиз тупроқларда яхши ўスマйди. Шу билан бирга



стевия зич бўлмаган, дренаж тизими яхши бўлган тупроқларда яхши ўсиб ривожланади. Ўсимлик ниҳолларини экиш учун танланган майдондаги тупроққа кузда ҳайдашдан олдин гектар ҳисобига 100 тонна гўнг, 200 кг фосфор солинади. Барг ёки уруғ ҳосили олиш учун қатор оралиқлари 2 хилда тортилади. Барг ҳосили олиш учун қатор оралари 70 см.дан тортилиб, ниҳолларни 20 см оралиқда, уруғ ҳосили олиш учун қатор оралари 90 см.дан тортилиб, ниҳолларни 25 см оралиқда экилади. Мавсум давомида (октябрь ойигача) 11-12 марта суғорилади, 2 марта культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланади. Стевия 20°C дан паст бўлган ҳароратда ва суткалик кун микдори 12 соатдан кам бўлганда ўсишдан тўхтайди.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобида дастлабки йилларда 5-8 центнергача ва кейинги йилларда 18-20 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Ўсимлик хом-ашёси барги ҳисобланади. Барглар мавсум давомида 2 марта июль-сентябрь ойларида териб олинади. Барглар териб олингандан сўнг ангарларда сеткали стеллажларда қуритилади. Тайёр хом-ашё 15-20 кг дан қоғоз қопларга солинади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимлик жуда кўп биологик актив моддалар: каротиноидлар, минерал тузлар (калий, кальций, магний), ошловчи моддалар, эфир мойи, аминокислоталар сақлайди. Стевия ўсимлиги баргларида органик ширин модда (стевиогликозид) сақлаши катта аҳамиятга эга. Табиий ҳолда ўсуви ўсимлик барглари таркибida стевиогликозид 3-9%, баъзи навларида эса 15-20% ташкил этади. Ўсимликнинг баъзи турлари ўта ширин таъм берувчи, баъзилари ўртacha ва ҳатто аччиқ таъм берувчи гликозидлар сақлайди. Бундан ташқари, ўсимлик баргларида стевиозид 5-10% ва ребаудиозид A 2-4% моддалари ҳам мавжуд. Стевиозид шакардан 110-270 марта, ребаудиозид A эса 150-320 марта ширин ҳисобланади. Стевия навларининг сифати, ўсимлик таркибидаги стевиозид ва ребаудиозид A моддалари кўп бўлиши билан белгиланади. Тиббиётда ўсимликдан олинган моддалар дори-дармонларнинг таъмини яхшилашда (ширинлигини оширишда) қўлланилади. Стевия дамламасини мунтазам ичиш натижасида организмдаги қанд, радионуклеотидлар ва ҳолестерин микдори камаяди. Бундан ташқари, ҳужайралар тикланишини тезлаштириб, қон айланишини яхшилайди ва ошқозон-ичак яралари касалликларида қўлланилади. Стевиозидни истеъмол қилиш алкоголь ва никотинга бўлган мойилликни сусайтиради.

Тавсиялар. Республика миёсида биринчи марта А. Бегматов томонидан диссертация иши химоя қилинган. Сурхондарё ва Каҳшадарё вилоятларида плантацияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

КАТТА ҚОНЧЎП - ЧИСТОТЕЛ БОЛЬШОЙ - *CHELIDONIUM MAJUS L.*

Ўсимликнинг тавсифи. Катта қончўп кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, ўсимликнинг барча органлари пушти рангдаги сутли шарбат сақлайди. Ўсимлик илдизининг ички қисми сариқ, ташқи томони эса қизил рангли. Пояси тик ўсуви, кам тукланган ёки тукланмаган, 25-100 см узунликда. Барглари яшил узунлиги 7-20 см, эни 2,5-9 см. Поянинг юқори қисмida жойлашган барглари бандсиз, пасткилари узун бандли бўлади. Баргларининг шакли тухумсимон ёки юмалоқ, барг четлари бутун айrim ҳолларда



кирқилган. Гуллари сариқ, узун гулбандли, диаметри 15-20 мм ташкил этади. Меваси кўзок мева, узунлиги 3-6 см, эни 2-3 мм. Уруғлари тухумсимон, жигарранг, кўзокда икки қатор бўлиб жойлашади.

Ўсимлик май-август ойларида гуллайди. Ўсимликнинг ўсиш жойига қараб мевалаш жараёни июль-сентябрь ойларида кузатилади. Ўсимлик уруғларидан кўпайтирилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми хом-ашё сифатида фойдаланилади. Ўсимликдан тайёрланган шарбат аччиқ ва қўланса ҳидга эга.

Ўсимликнинг тарқалиши. Катта қончўп табиий ҳолда Европа ва Ўрта ер денгизи мамлакатларида учрайди. Ўзбекистонда интродукция қилинган.

Агротехник тадбирлар. Ўсимликни плантацияси ташкил учун намлиқ юқори ва соя жойдаги майдонлар танланади. Дастреб ўсимликни экиш учун унинг уруғларини тайёрлаш зарур. Уруғ тайёрлашда эҳтиётлик чоралари кўрилиши керак, сабаб катта қончўп заҳарли ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик уруғларини териш учун дастреб, ўсимликнинг учки қисмларида сарғайган қўзоклари терилади. Кундан ўтиши билан ўсимликдаги қўзоклар сарғайиши билан улар терилаверади. Қўзок мевалар соя жойда қоғоз ёки брезент устига ёйилади. 2-3 кундан сўнг қуриган қўзокларнинг пўчоги ажратиб олинади ва қоғоз ёки брезент устида қолган тоза уруғлар йиғиштириб олинади.

Ўсимликни экиш учун майдон тайёрлашда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: 25-30 см чуқурлиқда шудгор қилинади, молаланади ва 60 см қатор оралиқлари тортилади. Уруғлар қишида ёки эрта баҳорда сепилади ва захлатиб суғорилади. Ниҳолларнинг униб чиқиши билан қатор оралари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Катта қончўп мезофит ўсимлик ҳисобланганлиги учун мавсум давомида тупроқдаги намлиқ миқдорини юқори даражада ушлаб туриш керак, яъни июнь ойининг охиригача ўсимликни 8-10 мартағача суғориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобида 8-10 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Ўсимликнинг ер устки қисмини гуллаган вактида эҳтиётлик билан 25-30 см узунлиқда кесиб олинади. Кесиб олинган хом-ашё зудлик билан ангарларда юпқа қилиб ёйилади ва доимий аралаштириб қуритилади. Тайёр хом-ашё қоғоз қопларга жойланиб, ҳаво яхши айланиб турадиган омборларда сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимликда заҳарли, алкалоидлар: гомохелидонин, хелеритрин, сангвинарин, протопин мавжуд. Ўсимлик таркибидаги хелидонин алколоиди таркибига кўра параверин ва морфинга яқин ҳисобланади. Ўсимликда эфир мойи қолдиқлари, кўп миқдорда аскорбин кислотаси (1000 мг% гача), каротин, flavonoидлар, сапонинлар, органик кислоталар: хелидонин, олма кислотаси, лимон ва янтарь кислотаси ҳамда смола мавжуд. Ўсимлик бактерицид хусусиятга эга. Катта қончўп шарбати ҳалқ табобатида сўгалларни, қадоқларни ва теридаги бошқа ўスマларни йўқотишида қўлланилади.

Тавсиялар. Соя тоғолди текисликларида, суғориш имконияти кўп бўлган, хаётый шаклига кўра бута ёки дараҳт доривор ўсимликлари ташкил этилган плантацияларида, қатор ораларига, экин майдонлари атрофида экилган дараҳтлар остида, ариқ ва каналлар бўйларида экилган дараҳтларнинг остида экиш мумкин.

ГУЛБАХМАЛ, ХАТМИГУЛ - ШТОК-РОЗА РОЗОВАЯ - *ALCEA ROSEA L.*

Ўсимликнинг тавсифи. Гулбахмал кўп йиллик, бўйи 80-250 см.га етадиган, пояси тик ўсуви ўсимлик. Интродукция шароитида 1 йиллик ўсимлик сифатида етиштирилади. Барглари катта, панжасимон кўринишда. Гуллари катта, диаметри 12 см, турли хил оқ, қизил ва қора рангда, кўнғироқ шаклида, тўпгулда жойлашган. Июль-сентябрь ойларида гуллайди.

Ўсимликнинг тарқалиши. Гулбахмалнинг ватани Болқон ярим ороли. Ўзбекистонда манзарали ва доривор ўсимлик сифатида интродукция қилинган.

Агротехник тадбирлар. Гулбахмал одатда уруғлари орқали кўйпайтирилади.

Ўсимлик катта майдонга экиш учун қуёш нури яхши тушадиган майдон танланиши керак. У унумдор тупроқни ёқтиради. Ҳайдаб дам бериб қўйилган,



шунингдек ҳайдаб экин экиладиган ерларда гулбахмал етиштириш мақсадга мувофик. Ўсимлик узоқ вақт ва ялпи гуллаши учун кучли равишда фосфор ва азотли ўғитлар солиши керак. Кузги шудгор вақтида ҳар гектар ерга 30-40 тоннадан гўнг ёки 20 тонна гўнгга 45 кг азотли ёки 60 кг фосфорли ўғитлар аралаштириб солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади, молаланади ва 90 см оралиқда қаторлар тортилади.

Гулбахмал эрта баҳорда экилади. Уруғ 2-3 см чуқурга қадалади. Гектарига 10-12 кг.дан уруғ экилади. Уруғлар, уруғ экиш ускунаси ёрдамида экилади. Апрел ойида майсалар униб чиқади. Агар уруғ экилаётганда 1:3 нисбатда чириган гўнг аралаштирилса, қатқалоқ ҳосил бўлмайди.

Парвариш қилиш ишлари дастлабки қўчат ҳосил бўлиши биланоқ бошланади. Биринчи ўтоқ вақтида ягана ҳам қилиниб, қатор оралари 15-20 см масофада, ҳар бир уяд 1-2 тадан ўсимлик қолдирилади. Қатор оралари юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланади.

Мавсум давомида гулбахмал майдони 13 марта сугорилади (майда-1, июнь-июль-август-2-3 мартадан, сентябрь-2). Ҳар 2-3 сугоришдан кейин зарурат туғилганида, шоҳшаббаси бир-бири билан туташиб кетгунига қадар ер юмшатилади, қаторлардаги бегона ўсимликлардан тозаланади.

Ўсимлик яхши ривожланиб, шоҳ-шаббалари баланд бўлиши, гулларидан юқори ҳосил етиштириш учун, гектарига 50 кг. ҳисобида икки марта азотли ўғит берилади: биринчи ўғитлаш - майса ҳосил бўлганидан 15-20 кун кейин, иккинчиси гуллашнинг бошланишида ўтказилади. Шунингдек, маҳсус уруғчилик экинзорлари барпо этилганида, текис, сув таъминоти яхши ва ҳосилдор тупроқли алоҳида ерлар ажратилади. Бундай майдонларда гулбахмал агротехникаси саноат учун хом-ашё етиштириладиган экинзорлардагига ўхшаш, лекин гулбахмал туплари орасидаги масофа 20-25 см бўлади.

Гулбахмалнинг гуллаш даври июнь-август ойларига тўғри келади. Сентябрь ойида уруғ пишиш бошланиб, тўп тугма уруғлар ой охирида терилади.

Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 6-8 центнерни ташкил этади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Гулбахмал гулларидан хом-ашё тайёрлаш ўсимлик гулга кириши билан бошланади. Бутун ёз давомида гуллари териб борилади. Гулларни тераётганда ёнидаги ғунчаларга зарар етказиб қўймасликка эътибор бериш керак. Терилган гуллар зудлик билан қуритилади. Хом-ашё ҳаво яхши айланиб турадиган ангарларнинг сеткали стеллажларида қуритилади. Қуритилган хом-ашё шоҳ ва бошқа чиқитлардан тозаланади. Хом-ашё фақатгина гулнинг тожибарги ва косабаргидан иборат бўлиши керак. Тайёр хом-ашёда намлик 16% дан ошмаслиги, тожибарг қора-сиёхранг бўлиши, косачабарг кулранг-яшил рангда бўлиши керак.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимликнинг маданий навлари гулчиликда кенг фойдаланилади. Ўсимликнинг қора-қизил гултожбарглари вино, ликёрларга ранг беришда, матоларни бўяшда фойдаланилади. Пояларидан арқон, шпагат тайёрлаш учун толалар олинади. Тиббиётда ўсимликнинг қуритилган гулларидан тайёрланган қайнатмаларидан ўттални юмшатишда фойдаланилади.

Тавсиялар. Тоғолди адирликларининг текис, унумдор ва қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари экиладиган майдон атрофларида экиш мумкин.

ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ - ЭХИНАЦЕЯ ПУРПУРНАЯ -*ECHINACEA PURPUREA* L.

Ўсимликнинг тарқалиши. АҚШ шарқий қисми ўсимлиги. Ўзбекистонда манзарали ва доривор ўсимлик сифатида етиштирилади.

Ўрмон ва адирларнинг қуруқ ва очиқ жойларида ўсади.

Ўсимликнинг тавсифи. Эхинацея кўп йиллик ўсимлик, бўйи 1 м. Туплари 0,5 м диаметрни эгаллайди. Иқлимга боғлиқ равишда май ойи охирдан ёки июль бошидан

гуллайди. Алоҳида гуллари гермафродит. Ўсимлик ҳашоратлар (капалак, ари) ёрдамида чангланади.



Агротехник тадбирлар. Эхинацея одатда уруғлари орқали кўпайтирилади.

Эхинацея ўсимлигининг плантацияларини ташкил этиш учун март ойида маҳсус полларга уруғлар сепилади. Гектар ҳисобига етадиган кўчат тайёрлаб олиш учун полларга 3-4 кг уруғ сепилади. Полларда маҳсус тайёрланган тупроқ (1-1-3=кумгўнг-тупроқ) бўлиши керак. Экилган уруғлар устидан элақдан ўтказилган чириндига бой тупроқ 2-3 см қалинликда сепилади. Уруғлар сепилгандан

сўнг 25-30 кунда униб чиқади. Мавсум давомида 8-9 марта суғорилиб, доимий равишда begona ўтлардан тозаланади. Йил давомида ўсимликнинг бўйи 15-20 см.га етади ва катта майдонга кўчириб ўтказиш учун тайёр холга келади.

Ўсимлик катта майдонга экиш учун қуёш нури яхши тушадиган майдон танланиши керак. Ўсимлик ниҳолларини экиш учун танланган майдон сентябрь ойида ҳайдашдан олдин 50 тонна гўнг, 100 кг фосфор гектарига солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади, молаланади. Кўчатлар қатор оралиғи 70 см, туп оралиғи 25 см масофада экилади. Мавсум давомида 8-10 марта суғорилади, 2 марта культивация қилиниб, begona ўтлардан тозаланади.

Хом-ашё тайёрлаш ва унинг сифати. Ўсимлик иккинчи йили гуллайди. Хом-ашё ўсимликнинг ер устки қисми, илдиз ва илдизпояси ҳисобланади. Ўсимликнинг гул саватчалари ялпи гуллаш даврида гул қайчилар ёрдамида кесиб олинади. Шу вақтда барглари ҳам териб олинади. Териб олинган барг ва гул саватчалари ангарларда сеткали стеллажларда алоҳида-алоҳида қилиб қуритилади. Қуритилган хом-ашё қоғоз ёки картон пакетларда 2 йил давомида сақланади. Илдиз ва илдизпоялари кеч кузда ёки эрта баҳорда ковлаб олинади. Ковлаб олинган илдиз ва илдизпоялар тупроқдан тозаланиб, оқар сувда ювилади. Ювилгандан сўнг қуритилади. Куруқ илдиз ва илдизпояларни тегирмонда туйилиб, порошок ҳолида оғзи берк шиша идишларда сақланади.

Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби. Ўсимлик иммун тизимини умумий барқарорлаштиш хусусиятига эга. Ўсимликдан Герменияда 200 дар ортиқ препаратлар тайёрланади. Ўсимликнинг илдизи ва ер устки қисмидан яраларни, куйишни даволашда ишлатилади. Эхинацея моддалар алмашинувини барқарорлаштирувчи, антисептик, ўт ҳайдовчи, овқат хазм бўлиши ва сўлак ажралишини яхшиловчи хусусиятга эга. Қизил эхинацеяниң ер устки қисми полисахаридлар: гетероксиланин, арабинорамногалактанин, эфир мойи 0,15-0,50%, flavonoидлар, цикорин, ферулин, кумарин, кофеин кислоталар, ошловчи моддалар, сапонинлар, полиаминлар, эхиацин, эхинолин, эхинакозид органик кислоталари, смолалар, фитостеринлар тутади. Илдизпояси ва илдизи инулин 6%, глюкоза 7%, эфир ва ёф мойлари, фенолкарбон кислоталари, бетаин ва смолалар тутади. Ўсимликнинг барча қисми ферментлар, макро (калий, кальций) ва микроэлементлар (селен, кобальт, серебро, молибден, цинк, марганец ва бошқалар) тутади.

Тавсиялар. Тоғолди адирликларининг текисликларида, суғориш имконияти яхши бўлган унумдор тупроқларда етиштириш мумкин.

РОЗМАРИН ВА ТОҒ ЖАМБИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Розмарин (*Rosmarinus officinalis*) лабгулдошлар (*Lamiaceae*) оиласига мансуб, күп йиллик доривор ўсимлик бўлиб, бўйи 1,5–2 м гача етадиган доим яшил бута. Пояси тик ўсиб, ёш новдалари тўрт қиррали, оқиш қалин, қуюқ туклар билан қопланган. 3-4 йиллик шохлари ёғочлашган. Илдиз системаси бақувват, кучли ривожланиб, тупроқ ичига 3-4 м гача кириб боради. Барглари майда, қисқа банди билан пояда қарама-қарши жойлашган, етли, узунлиги 4 см гача, ени 2-3 мм келади. Чўзинчоқ қалами шаклда. Гуллари майда, оч пушти ёки оқиш бинафша бўлиб, икки лабли. Гуллари шохчалардаги барг қўлтиғидан ўсиб чиқиб, қалин попуксимон тўпгулни ташкил етади. Меваси косача барг билан бирлашган юмалоқ тухумсимон 4 та ёнғоқчадан иборат. Уруғи силлиқ, майда, оч жигарранг ёки тўқ жигаррангда, ялтироқ, чўзинчоқ ёнғоқча. Эрта баҳорда феврал ойидан май ойигача гуллаб туради. Камдан кам ҳолларда кузда сентябр-октабр ойларида иккинчи марта гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Ўртаер денгизи мамлакатлари бўлиб, Фарбий Европа жанубида Мадейра оролларидан Кичик Осиёгача, Африкада еса Алжир ва Тунисдан тортиб марказий раёнларгача кенг тарқалган. Шарқда Кичик Осиёнинг Туркия ва Ливан худудларида учрайди. Қашқадарё флорасида бу турнинг учрамаслиги ўрганилди.

Кимёвий таркиби. Росмаринус официналис Л. таркибида ефир мойларини кўп сақлаши билан қимматлидир. Эфир мойининиг катта микдорини гуллаш даврига ўтиш



**1-rasm. *Rosmarinus officinalis* – dorivor
rozmarin**

вақтида ҳамда мева ҳосил даврида тўплайди. Эфир мойларини гидродистиллясия (буғлантириб тоза, соф сув, суюклиқ ҳосил қилиш) усулида ажратиб олинади. Бир йиллик новдалардан олинган ефир мойлари оч яшил рангли, ҳавони тозаловчи хушбўй ҳидли суюклиқ бўлиб, пинин (30 %), камфора (7 %), карифилен ва борнеласетатдан таркиб топган. Шунингдек баргларида алкалоидлар, кислоталар, ошловчи моддалар, смолалар, аччиқ таъмни учратиши мумкин.

Ишлатилиши. Ҳозирги кунда Росмаринус официналис Л. ўзининг шифобахшлик хусусияти билан тиббиётда ўз ўрнини топган. Розмариндан доривор кукун тайёрлаш учун унинг ер устки органлари таркибидаги ефир мойидан фойдаланилади. Айниқса, розмарин органларидан ажратиб олиб тайёрланган розмарин мойи жуда қимматли ҳисобланади. Бронхиал астмада ўсимлик қайнатмасидан ҳар куни истеъмол қилиш тавсия етилади. Қон босими тушганда, юрак фаолияти ўзгаришида, ҳайз кўриш

қимматли ҳисобланади. Бронхиал астмада ўсимлик қайнатмасидан ҳар куни истеъмол қилиш тавсия етилади. Қон босими тушганда, юрак фаолияти ўзгаришида, ҳайз кўриш

жараёнини тезлаташда розмарин баргидан тайёрланган қайнатмадан даволовчи восита сифатида фойдаланилган.

Халқ табобатида бир йиллик новдаларидан истеъмол қилганда жинсий заифликда қувватни оширувчи, аёлларда климакс (жинсий безлар фаолиятининг, ҳайз кўришнинг тўхтай бориш даври) даврида нерв фаолиятининг бузилишини тартибга солувчи, юрак соҳаси оғриганда ва ошқозон санчиганда оғриқ қолдирувчи, ошқозон-ичак касалликларида ошқозон шираси ажралишини кучайтирувчи ва ҳазм қилишни яхшиловчи восита сифатида таъсир кўрсатади. Невралгия (асаб системасининг бирор ери касалланиши ёки яллигланиши натижасида пайдо бўладиган оғриқ), ревматизм, паротит, тромбофит касалликларида, яралар битишида суртма сифатида фойдаланилса ижобий натижа беради. Бош айланиши ва асаб бузилишида худди чой каби дамлаб ичиш тавсия этилади.

Розмарин мойи кучли антисептик ва тетиклантирувчи таъсир кўрсатиб, қон айланиши ва ҳужайраларнинг тикланишини тезлаштиради. Шунинг учун ёғли терида қон айланиши бузилганда фойдаланилади. Ажобиб буриштирувчи хусусияти билан теридаги тешикчаларни торайтириб, терини юзасини силлиқлайди ва қора хуснбузлардан тозалайди. Тешикчаларни қисқартириши билан тери юзасига шира ажралишига тўсқинлик қиласди.

Қуруқ ва сўлғин тери учун ҳам яхши таъсир кўрсатиб, қон айланиши кучайтиради, теридаги шишларни кетказиб, қайишқоқлигини тиклайди, теридаги сув балансини тартибга солиб, тери рангини яхшилайди. Розмарин тери юзасини текислаб, дағал жойларини юмшатади ва қотиб қолган безларни кетказади, тери епидермисининг қайишқоқлиги ва нафислигини тиклайди. Бундан ташқари теридаги ажин ва бурмаларни текислаб, ҳар хил пигментли доғларни кетишини осонлаштиради.

Кўлланиладиган қисми. Ўсимликнинг ер устки қисмлари.

Тоғ жамбили (*Thymus vulgaris*) лабгулдошлар (*Laviataye*) оиласига мансуб, кўп йиллик хушбўй ўсимлик бўлиб, бўйи 40–60 см га етадиган яримбута. Асосий илдизи пастга қараб бурама ҳосил қилиб ўrnashgan. Пояси тик ўсуви, юқори қисмидан



шохланадиган, пастки қисми ёғочланган шохлари сертук ва тўрт қиррали. Барглари майда, қисқа банди билан пояда қарама-қарши жойлашган, етли, узунлиги 5-10 мм, ени 2-3 мм келади. Тухумсимон шаклда. Гуллари майда, оч пушти ёки оқиши бинафша, икки лабли. Гуллари шингилсимон тўпгулда тўпланади. Август-сентабр ойларида мева ҳосил қилиб, уруғ беради.

Географик тарқалишии. Тоғ жамбилининг ватани Ўртаер

2-rasm. *Thymus vulgaris* – тоғ' жамбили

денгизининг шимолий-ғарбий қисми ҳисобланади. Краснодар ўлкаси, Кримда, Украина нинг жанубий туманларида, Молдавияда тоғ жамбилини ефир мойи олиш учун етиштирилади.

Кимёвий таркиби. Тоғ жамибилнинг таркибида ефир мойи ва тимол моддасини олиш учун махсус екиб ўстирилади. Бундан ташқари унинг таркибида симол, борлеол, пинин, карвакрол, оз миқдорда ошловчи моддалар ва флаваноидлар ҳам борлиги аниқланган. Бундан ташқари тоғ жамбилида азотли моддалар, қанд, клетчатка, минерал моддалар бор.

Ишлатилиши. Тоғ жамбилидан табобатда дизенфексияловчи, оғриқ қолдирувчи, балғам кўчирувчи, гижжага қарши восита сифатида ишлатилади. Қуюқ екстрактларидан еса томоқ ва бронхлар, ошқозон-ичак касалликларида, уйқусизлик, бўғим касалликлари, асад ва тери касалликларида, ҳамда стамологик муаммоларда ишлатилади. Бу ўсимлик спиртли ичимликларга мойилликни камайтириб, алкоголизмни даволашда қўлланилади. Радикулит, ревматизм ва моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ касалликларда тоғ жамбили ўсимлигидан ванна қилиш йўли билан даволаниш тавсия етилади. Болалар тажрибасида еса уйқусизлик, тошма тошиши, тери касалликлари, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши каби касалликларда ҳам фойдаланилади. Тери касалликларида жамбилдан тайёрланган суюклика докани намлаб терининг хасталангандан қисмiga боғланади.

Халқ табобатида тоғ жамбил сийдик ва тер ҳайдовчи, иштаҳа очувчи омил сифатида, йўтал ва тумовга қарши, дизентерия, меъда хасталикларида, бош оғриғи, ичак фаолиятининг бузилишида тавсия етилади. Қайнатмани совутилган ҳолда овқатдан олдин, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади. Стоматитда оғиз бўшлиғи тўлиқлигича жамбил қайнатмаси билан чайқалади. Тоғ жамбилининг қуюқ екстракти “Пертуссин” таркибида бўлиб, йўтални юмшатиш, бронхит, юқори нафас йўллари касалликларини даволашда ишлатилади.

Доривор ўсимликларнинг систематик таҳлили ва тарқалиши

Доривор ўсимликлар фанини асосий қисмини ўсимликлардан олинадиган доривор маҳсулотлар ҳамда уларни ўрганиш ва таҳлил (анализ) қилиш ташкил қиласи. Фан дастури ва режасига биноан ўрганиладиган доривор ўсимликлар рўйхати анча катта ва

улар таркиби турли кимёвий бирикмалардан ташкил топган (асосий таъсири етувчи моддалар ва бошқалар). Шу сабабли доривор ўсимликларни синфларга бўлиб ўрганилади. Доривор ўсимликларни синфларга бўлишда турли омиллар асос қилиб олинган: уларнинг морфологик тузилиши (ер устки қисми, барги, гули, меваси, ер остики органлари ва бошқалар), доривор маҳсулотларнинг фармакологик таъсири, доривор маҳсулот

таркибидаги айрим бирикмаларнинг хоссалари (масалан, сапонинларнинг турғун кўпик ҳосил қилиши) ва бошқалар. Натижада доривор ўсимликларнинг ботаник, фармакологик ва кимёвий таснифлари — классификациялари бўлган ва шу асосида улар ўрганилган.

3-rasm. *Plantago major* — katta zubturum

Доривор ўсимликларнинг ботаник таснифи қуидаги жадвалда берилган.

Таркибида полисахаридлар бўлган доривор ўсимликлар

Катта зубтурум — *Плантаго мажор* L. зубтурумдошлар — *Плантагинацеae* оиласига киради. Зубтурум кўп йиллик, калта ва йўғон илдизпояли ўт ўсимлик. Илдизпоясининг юқори томонидан (ер устида) узун, қанотли бандли илдизолди тўпбарглар, пастки томонидан еса (ер остида) жуда кўп майдада илдизлар ўсиб чиқсан бўлади. Илдизолди тўпбарглари кенг еллипссимон ёки кенг тухумсимон, текис қиррали ва йирик бўлади. Гул ўқи битта ёки бир нечта, туксиз, бўйи 10-45 см. Гуллари оддий бошоқقا тўпланган. Гули майдада, кўримсиз. Гулкосачаси тўрт бўлакка қирқилган, гултожиси оч қўнғир рангли, тўрт бўлакли, оталиги 4 та, оналик тугуни икки хонали, юкорига жойлашган.

Меваси — тухумсимон, кўп уруғли кўсакча. Май-июн ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Собиқ Иттифоқнинг ҳамма туманларида йўл ёқаларида, далаларда, екинзорларда, ўтлоқларда, ўрмон четларида, ариқ бўйларида ва бошқа намерларда ўсади.

Маҳсулот тайёрлаши. Ўсимлик барги йил бўйи йигилади. Юпқа қилиб ёйиб, сояерда қуритилади ёки қуритмай ишлатилади.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида аукубин (ринантин) гликозиди, аччиқ, шиллиқ ва ошловчи моддалар, flavonoидлар (апигенин, гомоплантагенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари ва бошқалар), каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталар, фактор Т ва витамин К бўлади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, янги йигилган, қуритилмаган баргнинг консервация қилинган шираси, плантоглюсид препарати, барг брикети.

Тиббиётда катта зубтурум билан бир қаторда ўрта ҳамда лансецимон зубтурум ўсимликлари ҳам ишлатилади.

Ўрта зубтурум — *Плантаго медиа* Л. Ўсимлиги баргининг ҳар икки томони тукли ва банди калта бўлади.

Лансецимон зубтурум — *Плантаго ланцеолата* Л. Ўсимлигининг барги лансецимон бўлиб, узунлиги 15 см, ени — 2—2,5 см.

Зигир (*Linum usitatissimum*) зифирдошлар *Линацеае* оиласига киради. Бир йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, ингичка, силиндрсизмон, юқори қисми шохлаган. Барги лансецимон ёки чизиқсизмон, ўткир учли, текис киррали бўлиб, поядга кетма-кет, бандсиз ўрнашган. Гуллар поя ва шохлари учидаги бўлади. Косача барги, тож барги ҳамда чангчиси (оталиги) бештадан, оналик тугуни еса беш хонали, юқорига жойлашган.

4-rasm. *Linum usitatissimum* — Тожбарги зангори, томири еса чангчи ипига ўхшаб, бинафша рангга бўялган. Меваси — 10 уруғли, юмалоқ, қуруқ кўсакча. Июн-август ойларида гуллайди.

Экиладиган зигир бир неча хил бўлиб, узун толали ҳамда сершохлиси алоҳида аҳамиятли хисобланади. Узун толали зигир асосан тола, сершохлиси еса мой олиш учун екилади. Узун толали зигирнинг баландлиги 60—120 см бўлиб, пояси кўп шох чиқармайди, кўсаклари пишганда очилмайди. Сершох зигирнинг баландлиги 30—50 см бўлиб, кўсаклари пишганда очилади.

Географик тарқалиши. Узун толали зигир Украина, Белорус, Россиянинг Европа қисми Марказий ва ўарбий вилоятларида, сершох зигир еса жанубий туманларда, ўарбий Сибир ва Шимолий Кавказ ҳамда Ўрта Осиёда ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Зигир уруғи таркибида 30—48% қурийдиган мой, 5—12% шиллик моддалар, 18—33% оқсил моддалар, 12—26% углеводлар, ферментлар ва каротин бўлади. Ўсимликнинг ҳамма органларида (айникса, майсасида) линамарин глюкозиди учрайди.

Ургунинг шиллик моддалари гидролиз қилинса, галактоза, ксилоза, арабиноза ва рамноза қандлари ҳамда галактурон кислота ҳосил бўлади.

Ишлатилиши. Зигир мойи тиббиётда, озиқ-овқат саноатида ва техникада кўлланилади.

Зигир поясини ивитиб олинган тола тўқимачилик саноатида кенг ишлатилади.

Доривор препаратлари. Шиллик еритмаси, 15—20% ли қайнатма, уруғ қукуни — порошоги (уни), ливиан препарати.

Таркибида витаминлар бўлган доривор ўсимликлар

Қора смородина (*Ribes nigrum L.*) тошёрапдошлар *Сахифрагацеае* оиласига

киради. Қора смородина бўйи 1—1,5 (баъзан 2) м бўлган бута. Поясининг пўстлоғи тўқ сариқ қўнтири ёки қизил жигарранг тусли бўлади. Барги панжасимон 3—5 бўлакли бўлиб, банди билан пояда кетма-кет ўрнашган. Гуллари шингилга тўпланган. Косачабарги 5 та, тожбарги ҳам 5 та, пушти-кулранг, оталиги 5 та, оналик тугуни бир хонали, пастга жойлашган. Меваси — хушбўй ҳидли, юмалоқ шаклли, кўп уруғли хўл мева.

5-rasm. *Ribes nigrum* - qora smorodina

Май-июн ойларида гуллайди, меваси июл-августда пишади.

Географик марқалиши. Қора смородина ёввойи ҳолда Россия ўрмон зонасидаги нам ўрмонларда, нам ўтлоқларда, ботқоқ четларида ва ариқ бўйларида ўсади. Россиянинг Европа қисмида, Сибирда ва бошқа раёнларда кўплаб ўстирилади.

Маҳсулот тайёрлаши. Қора смородина ўсимлигининг барги ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида, меваси еса пишганида териб олинади. Йиғиб олинган барг салқин ерда, меваси еса печларда куритилади. Хўл мевадан витамин шарбати ҳам тайёрланади.

Кимёвий таркиби. Барг таркибида 0,25% аскорбин кислота ва ефир мойи бўлади. Мева таркибида 0,4% аскорбин кислота, 3 мг % каротин, В₁ ва Р витаминлари, 2,5—4,5% гача органик кислоталар, 4,5—16,8% гача қанд, 0,43% гача ошловчи ва 0,5% гача пектин моддалар, антоциан бирикмалари ва уларнинг гликозидлари ҳамда флаваноидлар бор.

Доривор препаратлари. Дамлама. Ўсимликнинг барги ва меваси витамин чойлари — йиғмалар таркибига киради.

Жағ-жағ (Ачамбити) (*Capsella Bursa Pastoris*) карамдошлар (*Брассицацеае*) оиласига киради. Бир йиллик, бўйи 20—30 (баъзан 60) см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси битта, баъзан бир нечта, тик ўсуви, шохланган ёки шохланмаган. Илдизолди барглари бандли, чўзиқ лансецимон бўлиб, турлича қирқилган барг пластинкасига ега. Поядаги барглари майда бўлади. Гуллари шингилга тўпланган. Меваси — қўзоқча. Апрел ойидан бошлаб кузгача гуллайди, меваси июндан бошлаб етилади.

Географик марқалиши. Собиқ Иттифоқнинг узок Шимол ва чўл туманларидан ташқари барча аҳоли яшайдиган ерларда, йўл ёқаларида, ўтлоқларда ва бегона ўт

сифатида екинлар орасида ўсади. Маҳсулот Украина республикасида ҳамда Волга бўйи туманларида йигилади.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида гиссонин гликозиди, бурса кислота, 0,12% аскорбин кислота, витамин К₁, олма, лимон, вино, фумар кислоталар, холин, ацетилхолин, тирамин, инозит, флавоноидлар (диосмин ва бошқалар), сапонинлар, ошловчи ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Таркибида липидлар бўлган доривор ўсимликлар

Оддий канакунжут (*Ricinus communis*) сутламадошлар — еупхореиацеае оиласига киради. Бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 2 м га етади. Пояси шохланган. Барги йирик, туксиз, 5—11 бармоқсимон бўлакли бўлиб, барг пластинкасининг марказига ўрнашган узун банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Барг бўлакчалари чўзиқ тухумсимон, чети тиҳсимон қиррали. Гуллари шингилга тўпланган. Гули кўримсиз, бир жинсли, гулкўрғони оддий, оналик гуллари шингилнинг юқори қисмига, оталик гуллари еса пастки қисмига жойлашган. Меваси уч уруғли, уч чаноқли, тикан билан қопланган кўсак. Кўсак пишганда ёрилади ва уруғлари сочилиб кетади.

Июн-сентабр ойларида гуллайди, меваси июл-октабрда етилади.

6-rasm. *Ricinus communis* - oddiy



kanakunjut

Географик тарқалиши. Ватани тропик Африка.

Тропик зонада ўсадиган канакунжут кўп йиллик бўлиб, пояси ёғочланган, бўйи 10 м га етади. Канакунжут бир йиллик ўт ўсимлик сифатида Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ,

Украинанинг жанубий қисмида ва Волга бўйида екилади.

Уруғнинг ташқи кўриниши. Уруғ тухумсимон бўлиб, ялтироқ, қаттиқ, мўрт, гулдор пўст билан қопланган. Пўсти кулранг ёки оч кўнғир рангли бўлиб, қизил-кўнғир доғ, нуқта ва чизиқлари бор. Уруғ учida кичкина оқ карункула-уруг ўсимтаси бўлади. 1000 дона уруғнинг оғирлиги 800 г келади.

Канакунжутнинг йирик ва майда уруғли навлари бўлиб, улар уруғларининг катта-кичиклиги, оғирлиги, шингилда

кўплиги ва уруғ таркибида мойнинг кўп ёки оз миқдорда бўлиши билан бир-биридан фарқ қилади. Йиригининг уруғи 15—22 мм, майдасининг уруғи еса 5—7 мм узунликда бўлади. Уруғ яхши пишмаган (пўстининг усти ялтироқ бўлмаса), езилган бўлса, сифаиз хисобланади.

Канакунжут уруғи заҳарли бўлгани сабабли тиббиётда ишлатилмайди. У факат мой олинадиган маҳсулот сифатида хизмат килади.

Кимёвий таркиби. Уруг таркибида 40—56% қуримайдиган мой, 14—17% оқсил моддалар, 0,1—1% рицинин ва никотин алкалоидлари, 18—19% клетчатка, липаза ферменти, кучли заҳарли оқсил модда — рицин ва бошқа моддалар бўлади.

Рицин ўз таркибида 17 та аминокислота сақлайдиган оқсил модда. Ўзига хос дисулфид боғланишга ега 2 та полипептид (биринчисининг таркибига аланин ва изолейсин, иккинчисининг таркибига аланин-фенилаланин ва серин киради) бирикмаларининг рицин таркибида учраши ўта даражада заҳарли бўлишининг сабабчисидир.

Тиббиётда ишлатиладиган канакунжут мойи уруғдан совук пресслаш усули билан олинади. Мойдаги заҳарли модда - рицинни парчалаш учун ундан иссиқ сув буғи ўтказилади. Канакунжут мойи сарғиш тиник куюқ суюқлик бўлиб, ҳиди ва мазаси ёқимсиз. У спиртда яхши ериди (бошқа мойлардан фарқи). Мой 10-18°C ҳароратда қотади. Мой 80—85 % рицинол (оксиолеин) кислота глицеридларидан ташкил топган. Унинг таркибида яна стеарин, олеин, линол ва диоксистеарин кислоталарининг глицеридлари учрайди.

Доривор препаратлари. Канакунжут мойи, мой емулсияси, уруғдан тайёрланган паста ва ундецилен кислотадан тайёрланган суртма. Ундецилен кислота тери касалликлари — дерматозлар ва псoriasisни даволашда ишлатиладиган „Синкундан“ ва „ундецин“ суртмалари ҳамда „дустундан“ кукуни (порошоги) таркибига киради. Бундан ташқари, мой Вишневский суртмаси ва еластик колодий таркибига ҳам киради.



Мой совун олишда, техникада еса моторларни мойлашда, пластмасса, линолеум, ҳамда бошқа материаллар тайёрлашда ишлатилади.

Канакунжут мойининг паст ҳароратда қотиши, спиртда ериши, ниҳоятда ёпишқоқлиги ҳамда сурги хусусияти унинг

7-rasm. *Amygdalus communis – bodom gulli shoxchasi*

рицинол кислота гидроксил гурухини, мой еса юқорида айтиб ўтилган хоссаларини ўйқотади. Шу сабабдан мойини овқатга ишлатиш учун канакунжут Хитойда ва Ҳиндистонда кўп екилади.

Бодом (*Amýgdalus cõmmunis*) раънгулдошлар *Rosaceae* оиласига киради. Бодом дарахтининг бўйи 2-5, баъзан 8 м бўлади. Новдалари қизғиши-жигарранг, шохларининг пўстлоғи кулранг-кўнғир, танасиники еса қорамтири. Барги оддий, лансецимон ёки енсиз еллипссимон, ўтқир учли, чети еса ўтмас, майда тишсимон бўлиб, банди билан поядади.

кетма-кет ўрнашган. Гуллари оқ ёки оч пушти рангда бўлиб, шохларида якка-якка жойлашган. Гулқўргони мураккаб, тўғри, косача ва тожбарглари 5 тадан, бирлашмаган, оталиги қўп сонли, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси қийшиқ ёки чўзиқ тухумсимон данакли мева. Бодом феврал-апрел ойларида, барг чиқармасдан гуллайди. меваси июн-июл ойларида пишади.

Географик тарқалиши. Аччиқ бодом ёввойи ҳолда тог ёнбағирларида ва денгиз сатҳидан 800—1800 м баландликдаги тогли туманларда ўсади. Аччиқ бодом асосан Ўрта Осиё тогларида (Тяншан, Помир-Олой, Копетдаг), Озарбайжоннинг жанубий қисми, Жанубий Арманистонда ўсади. Аччиқ ва чучук бодом Ўрта Осиёда, Кавказда ва Кримда қўп ўстирилади.

Бодомнинг 2 тури учрайди, уларни фақат мағзининг аччиқ-чучуклигига қараб ажратилади: чучук бодом - *Амугдалус қоммунис*, аччиқ бодом *Амугдалус бучарица*.

Уруғнинг ташқи кўриниши. Бодом уруғининг ўртacha узунлиги 2 см, ени еса — 1,5 см. Иссик сув билан намланганда, пўсти тез кўчади. Уруғ иккита палладан иборат. Эмбрионнинг илдизчаси ва куртаги уруғининг уч томонига жойлашган. Чучук бодом уруғи хидсиз, ёғсимон ёқимли мазаси бор. Аччиқ бодом уруғи еса аччиқ, қуриганида хидсиз бўлади, намлаб ҳавончада езилса, сианид кислота ҳиди келади.

Чучук бодом уруғи орасида синган уруғлар ва аччиқ бодом уруғи бўлмаслиги керак. Синган уруғлардаги мой уруғни сақлаш даврида (пўсти бўлмаганидан) ҳаво ва намлик таъсирида оксидланади ва парчаланиб бузилади.

Кимёвий таркиби. Ҳар иккала бодом уруғи таркибида 45—62% мой, витамин В₂, 20% оқсил моддалар, 2—3% сахароза ва емулсия ферменти бўлади. Аччиқ бодом уруғида яна 2,2—3,5% амигдалин глюкозиди учрайди.

Тиббиётда ишлатиладиган бодом мойи совуқ пресслаш усули билан олинади. Бодом мойи куюқ, сарғиш суюқлик бўлиб, унинг зичлиги 0,913—0,918 тенг. Мой 10°C ҳароратгача совутилганда қотмаслиги керак. Бодом мойи қуримайдиган суюқ мойларга киради, унда 83% олеин, 16% линол кислоталарнинг глицеридлари ва 0,5% гидролизланмайдиган моддалар бор.

Доривор препаратлари. Бодом мойи ва мой емулсияси, чучук бодом уруғидан тайёрланган емулсия.



8-rasm. *Amygdalus communis* dan dorivor mahsulot tayyorlash jarayoni

Таркибида ефир мойлар бўлган
доривор ўсимликлар

Доривор лимонўт (*Melissa Officinalis*) ясноткадошлар *Lamiaceae* (лабгулдошлар — *Lamiataye*) оиласига киради. Кўп йиллик, сертукли, 30—60 см баландликдаги ўт ўсимлиқ.

Пояси битта ёки кўп, қарама-қарши шохланган. Барглари тухумсимон, бир оз ўткир учли, сер тукли (устки томонидан), арасимон қиррали бўлиб, қисқа банди билан поя ва шохларида қарама-қарши ўрнашган. Оқ рангли, тукли, икки лабли гуллари гул банди билан барг қўлтиғига жойлашиб, тўп гулни ҳосил қиласи. Меваси — 4 та ёнғоқча.

Июн-августда гуллайди, меваси июл-августда етилади.

9-rasm. *Melissa officinalis* - dorivor limono't

Географик тарқалиши. Ўрта Осиё, Крим, Кавказ, Россиянинг Европа қисмининг жанубида ва бошқа давлатларда дараҳт сояларида, тоғли туманларда тошлар соясида ва бошқа соя ерларда ўсади. Ўзбекистоннинг Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида учрайди.



соябонгулдошлар *Умбеллиферае* оиласига киради.

Икки йиллик, бўйи 30—80 см га етадиган ўт ўсимлик. Биринчи йили илдизидан илдизолди барглар, иккинчи йили еса илдизолди барглар ҳамда поя ўсиб чиқади. Пояси тик ўсуви, силиндрисимон, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Илдизолди барги узун бандли, поядагилари еса қисқа банди билан кетма-кет жойлашган. Барги 2 ва 3 марта чизиксимон барг бўлакларига ажралган. Гуллари майда бўлиб, мураккаб соябонга, тўпланган. Косачабарглари аниқ билинмайдиган, тожбарги оқ ёки пушти рангда, оталиги 5 та, оналик тугуни 2 хонали, пастга жойлашган. Меваси — чўзиқ қўшалоқ писта.

Июн-июл ойларида гуллайди, меваси июл-августда пишади.

10-rasm. *Carum carvi* - oddiy qora zira

Географик тарқалиши. Ўрмонларда, ўрмон четларида ва ўтлоқ ерларда ёввойи ҳолда ўсади. Асосан Украина, Белорус, Россиянинг

Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон чўл зоналарида, Сибирнинг жанубида, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида учрайди. Россия, Украина, Белорус республикаларида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Мева таркибида 3—7% ефир мойи, 14—22% ёғ, 20—23% оқсил моддалар, флавоноидлар (кверсетин ва кемферол) ҳамда ошловчи моддалар бўлади. XI ДФ га кўра мева таркибидаги ефир мойининг микдори 2% дан кам бўлмаслиги лозим.

Эфир мойи майдаланган мевадан сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади.

Қора зиранинг ефир мойи сарғиш суюқлик бўлиб, зичлиги 0,905—0,915; рефраксия сони 1,4840—1,4890. Мой таркибида 50—60% карвон, 40—50% лимонен, 40—70% карвакрол, дигидрокарвон ва дигидрокарвеол бирикмалари бўлади.

Қора зира меваси озиқ-овқат, парфюмерия ва бошқаларда ҳам катта аҳамиятга ега.

Доривор препаратлари. Қора зира меваси, ефир мойи (қандга 1—3 томчи томизиб истеъмол қилинади) ва мева суви. Меваси меъда йиғмалари-чойлари таркибига киради.

Таркибida алкалоидлар бўлган доривор ўсимликлар

Бангидевона (*Datura stramonium*) итузумдошлар — *Solanaceae* оиласига киради. Кўп йиллик (ўстириладигани бир йиллик), бўйи 60—150 см га етадиган ўт ўсимлик. Пояси тик ўсуви, яшилроқ ёки қизғиш-бинафша рангли, сертук, айрисимон шохланган. Барги оддий, бандли, кулранг-яшил, тухумсимон ёки чўзиқ-тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали ёки чети бир оз ўйилган ва пояда кетма-кет жойлашган бўлиб, бошни айлантирувчи ёқимсиз ҳиди бор. Гуллари йирик, оқ, фақат бир кеча гуллайди. Гулкосачаси сертук, беш тишли, шишган ва узун найсимон, асос қисми мева билан бирга қолади, гултожиси найча шаклидаги воронкасимон, беш тишли бўлиб, учлари қайрилган; оталиги 5 та, оналик тугуни юқорига жойлашган. Меваси — кўп уруғли, шарсимон, кулранг-яшил ёки қўнғир рангли ва тиканли кўсакча.

Мексика бангидевонаси июл-октабр ойларида гуллайди, меваси август ойидан бошлаб пишади.

Ўсимликнинг ҳамма қисми заҳарли.

Географик тарқалиши. Ватани Марказий ва Жанубий Америка. Полтава ва Чимкент вилоятларида, Краснодар ўлкасида, Кримда ва Молдова республикасида ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида (баргига 0,23—0,39%, поясига 0,15—0,24%, илдизига 0,21—0,46%, мевасига 0,76—0,83%, уруғига 0,83%) алкалоидлар

бўлади. Асосий алкалоиди скополамин. Меваси таркибида 0,38—0,55% ва уруғида 0,31—0,77% скополамин бўлади. Мевадан скополаминдан ташқари гиоссиамин, норгиоссиамин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Доривор препарати. Скопаламин гидробромид. Скопаламин алкалоидининг камфора билан ҳосил қилган биримаси аерон препарати таркибига киради.



11-rasm. *Datura stramonium* - bangidevona

Пушти катарантус (пушти бўригул) (*Catharanthus roseus*) кендиридошлар *Anaçınaceae* оиласига киради. Тик ўсувчи ёки ёйилиб ўсувчи, баландлиги (узунсимон) 30—60 см ли пояли, доим яшил бута. Пояси силиндрсимон, туксиз ёки баъзи формаларида тукли. Барглари еллипссимон ёки чўзиқ еллипссимон, тўқ яшил, ялтироқ, қалин текис киррали бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шохларида қарама-карши жойлашган. Йирик, чиройли, қизил-


12-rasm. *Catharanthus roseus* - pushti katarantus

пушти рангли гуллари 2—4 тадан поянинг юқори қисмидаги барглар қўлтиғидан ўсиб чиққан. Гулқўргони мураккаб. Гулкосачаси беш бўлакли, яшил рангли, гултожибарглари бирлашган, баъзан оқ, пушти ва қизил рангли бўлиши мумкин. Меваси — қўшбаргча.

Географик тарқалиши. Ёввойи ҳолда нам тропик ерларда Индонезияда (Ява оролида), Ветнам, Малайзия, Ҳиндистон ва ва бошқа давлатларда ўсади. Ажария республикасининг Қора дengиз бўйида жойлашган „Кобулецкий“ совхозида ўстирилади.


Маҳсулот тайёраш. Ўсимлик барглари у қийғос гуллаб, мева туга бошлаган даврида йиғилади. Бунинг учун иккинчи даражали новдаларни ердан 10—15 см баландликда қирқиб, 40—50°C да куритгичларда куритилади. Сўнгра қуриган маҳсулотни майдалаб, йирик поялардан ажратилади.

Кимёвий таркиби. Махсулот таркибидаги индол унуми бўлган икки гурухга кирувчи 80 тагача алкалоидлар бор: мононерлар (аймалин, серпентин, лохнерин ва бошқалар) ҳамда димерлар (винбластин, винкристин ва бошқалар). Мономер алкалоидлари рауволфияни алкалоидлари сингари организмга таъсир кўрсатади. Димер алкалоидлари алоҳида диққатга сазовордир. Улардан 6 таси ёмон шишларни — рак касаллигини даволаш таъсирига ега бўлиб, шулардан иккитаси — винбластин ва винкристин тиббиётда қўлланилмокда.



R = 3-O-(6-O-4-coumaroyl)glucoside (abundant)
R = 3-O-glucoside (trace to up to 10%)

Flavonols



Anthocyanins and Flavonols in *Catharanthus roseus*

Note: the backbones are mainly distinguished by the **methylation** patterns; hydroxylation patterns at the B-ring are variable only in the flavonols.

© Joachim Schröder

Алкалоидлардан ташқари, маҳсулотда яна оксикарбон кислоталар, флавоноидлар, гликозидлар ва бошқа молладар бор.

Доривор препарат. Розевин сулфат (винбластин сулфат) (ампулада ва шиша идишда қуритилган ҳолда чиқарилади), винкристин сулфат (шиша идишда қуритилган ҳолда ампуладаги еритувчи билан биргаликда чиқарилади).

Таркибида гликозидлар бўлган доривор ўсимликлар



**13-rasm. *Orthosiphon stamineus* - ortosifon,
buvrak chov**

Ортосифон, буйрак чой

(*Orthosiphon stamineus*)

ясноткадошлар *Lamiaceae*

(лабгулдошлар — *Laviaataye*)

оиласига киради. Кўп йиллик, бўйи 1—1,5 м га етадиган доим яшил ярим бута ёки бута. Пояси бир нечта, тўрт киррали, асос қисми ёғочланган бўлиб, пастки қисми тўқ бинафша, юқори қисми яшил-бинафша ёки яшил,

бўғимлари еса бинафша ранга бўялган. Барги оддий, банди билан поядা буцимон шаклда қарама-

карши ўрнашган. Гуллари ҳалқага ўхшаш тўпланиб, шингилсимон тўпгулни ташкил етади. Гули кийшиқ, оч бинафша рангли. Гулкосачаси қўнфироқсимон, икки лабли, гултожиси ҳам икки лабли, оталиги 4 та, оналик тугуни тўрт бўлакли, юқорига жойлашган. Меваси — 1—4 та ёнгоқчадан иборат. Июл-август ойларида гуллайди.

Географик тарқалиши. Ватани Жануби-Шарқий Осиёning тропик раёнлари. У ёввойи ҳолда Индонезияда (Ява, Суматра ва Борнео оролларида), Бирмада, Филиппинда ва Шимолий-Шарқий Австралияда ўсади. Бир йиллик ўсимлик сифатида Грузияning субтропик туманларида ўстирилади. Ўсимлик қишида оранжереяда сақланади. Эрта баҳорда ундан 2 та баргли новдачалар кирқиб олинади ва оранжереяда кўчат қилиб ўтқазилади. Май ойида еса бу кўчатлар очик ерга ўтқазилади.

Кимёвий тарқиби. Маҳсулот таркибида тритерпен сапонинлар, м-инозит, аччиқ ортосифонин гликозиди, 1,5% гача вино, лимон ва бошқа кислоталар, 0,2—0,66% ефир мойи, 5—6% ошловчи ва бошқа моддалар ҳамда кўп миқдорда калий тузлари бўлади. Сапонинлардан бирининг англикони — сапофанин а-амирин еканлиги аниқланди.

Нашасимон кендир (*Apoignum canabinum*) кендирдошлар — *Apoignaцаеae* оиласига киради. Нашасимон кендир кўп йиллик, бўйи 1—1,5 см га етадиган ўт ўсимлик. Илдиз системаси ер остида жуда кучли таракқий етган бўлиб, ўсимликнинг вегетатив кўпайишида катта аҳамиятга ега. Ер остида илдизнинг юқори қисмидан турли томонга йўналган ҳамда горизонтал жойлашган ер остки ётиқ новдалар — столонлар чиқади.

Столонлар маълум ерда ер устки поя ва илдизлар ҳосил қиласи. Натижада кендири ўсимлиги бир-бири билан ер остида чатишиб, бир неча гектарга тарқалиб кетади.

Пояси тик ўсувлари, яшил ёки тўқ қизил рангли бўлиб, қарама-қарши шохланган.



14-rasm. *Alocynum cannabinum* - nashasimon kendir

Барги оддий, лансецимон ёки чўзиқ тухумсимон, ўткир учли, текис қиррали, туксиз пояди қисқа банди билан қарама-қарши, баъзан кетма-кет ўрнашган. Гуллари рўваксимон қалқонга тўпланган. Гулкосачаси чуқур беш бўлакка қирқилган, гултожиси пушти ёки оқ, силиндрсимон-қўнғироқсимон бўлиб, ярмисига қадар беш бўлакка қирқилган. Оталиги 5 та, оналиги иккита мева баргидан ташкил топган. Меваси — пишганда очиладиган баргча.

Июн-август ойларида гуллайди, меваси сентябр-октабрда етилади.

Географик тарқалиши. Бу ўсимлик ёввойи ҳолда Шимолий Америкада ўсади. Москва вилояти, Ўзбекистонда (Тошкент вилоятида) ўстирилади.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибидаги 0,8% гача юрак гликозидлари, танин, каучук, оз миқдорда алкалоидлар, органик кислоталар, тритерпен (олеанол кислота, амирин, лупеол ва бошқалар) ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Илдизпоя ва столонидан 0,17—0,50% гача симарин (гидролизланганда симароза кандигав ва строфантидин агликонига парчаланади), апоканнозид, синоканнозид, 0,33% гача К-строфантин-б ва бошқа юрак гликозидлари ажратиб олинган. Уругида 0,35%, баргига еса кам миқдорда юрак гликозидлари бор.

Доривор препаратлари. Симарин стандарт.

**Доривор ўсимликларни йигиш, дамлама ва
қайнатмалар тайёрлаш**

Доривор маҳсулот сифатида ўсимликнинг ҳамма органлари (барги, гули, меваси, уруғи, пўстлоғи, куртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзбоши) айрим-айрим ҳолда ёки ҳаммаси биргаликда (ўсимликнинг бутун ер устки қисми) қўлланиши мумкин. Баъзан ўсимлик органларидан бирламчи ишлов бериш йўли билан (ефир мойлари, ёғлар, шира, шарбат) ёки ўсиб турган ўсимликдан (смола, дараҳт елимлари, дараҳт шираси) олинган моддалар ҳам доривор маҳсулот бўлиб хизмат қиласи.

Доривор маҳсулотлар таркибида биологик фаол моддалар кўп тўпланган, яъни сифати ошган даврда дори тайёрланади. Шунга кўра, маҳсулотлар ўсимликлардан турли фаслларда йифилади ва улар ўз қимматини йўқотмаслиги учун зудлик билан қуритилади ёки қуритилмай фармацевтика заводи, фабрика ва лабораторияларига юборилади. Ҳўллигича ишлатилмайдиган маҳсулотларни ўз вақтида қуритилмаса, ўсимлик органлари намлиқ ва иссиқлик таъсирида қизиб, таркибидаги биологик фаол моддалар парчаланади, доривор ўсимликлар ўз қимматини йўқотади.

Барглари, одатда, ўсимлик гуллашидан олдин ёки гуллаганида жуда еҳтиёткорлик билан, иложи борича зарап етказмасдан йиғиб олинади.

Ўсимликнинг ер усткиқисми (ўти) ўсимлик гуллаганида поясининг енг тагидаги барги олдидан ўриб олинади. Бўйи баланд бўлган ўсимликларнинг еса поясининг тепа қисми (10-25 см узунликда) ва шохлари кесиб олинади.

Куртаклари ерта баҳорда, ўсимлик танасида суюқлик юра бошлаган вақтда, очилмасдан олдин йифилади. Куртаклар, одатда, қўл билан териб олинади ёки куртакли шохлари киркиб олиниб, қуритилади ва аста қокиб йиғиб олинади.

Пўстлоқлари ҳам ерта баҳорда, ўсимлик танасида суюқлик юришиб, ёғоч қисмидан осон ажраладиган даврда пояси билан йўғон шохларидан шилиб олинади.

Гуллари ўсимлик қийғос гуллаганида алоҳида-алоҳида ёки майда гуллари билан гул тўпламининг ҳаммаси кесиб олинади. Баъзи гулларнинг факат айрим қисмлари (гултоҷ барглари ёки саватчадаги тилсимон гуллари) йиғиб олинади.

Мева ва уруғлари тўлиқ пишиб етилганда қўл билан териб ёки ёғоч ёрдамида қокиб олинади. Кўпчилик ўт ўсимликларнинг майда мева ва уруғлари дон ўсимликлари сингари ўриб, хирмонда қуритилади, сўнгра янчилади ва елпиб ажратиб олинади.

Ер остки органлари (илдизпояси, илдизи, туганаги ва пиёзлари) ўсимлик ўзининг ўсиш даврини тугатиб, уйкуга кирган вақтида — кеч кузда ёки уйкудан уйғонмасдан бурун — ерта баҳорда, кетмон, белкурак, теша ва бошқа асбоблар билан ковлаб олинади ёки катта майдонларда жуда қўплаб ўсиб, ер остки органлари яхши тараққий етган бўлса, плугли трактор ёрдамида ҳайдаб йиғиб олинади. Йиғиб олинган ер остки органларини лой, тупроқ, кум ҳамда барг ва поядан тозалаб, сувда ювиб, йирикларини майда бўлакларга қирқилади ва қуритишга тайёрланади.

Ўсимликнинг ер устки қисмини (барги, гули, ўти) ҳавонинг очиқ вақтида ерталабки шудринг ва нам кўтарилигандан сўнг йифилади. Акс ҳолда гул ва барг устидаги намлиқ

куритиши вақтида ўсимлик рангининг ўзгариши, қорайиб ёки сарғайиб кетишига, уларнинг сифати бузилишига олиб келади.

Йиғилган маҳсулотларни кераксиз қисмлардан, қум-тупроқлардан тозалагандан сўнг тезлик билан куритиш лозим. Чунки нам маҳсулотлар бир ерда йиғилиб турса қизиб, чирий бошлайди, таркибидаги биологик фаол моддалар парчаланади. Натижада доривор ўсимликлар ўз шифобахш хусусиятини йўқотади.

Ўсимликларнинг гули, барги, ер устки қисми ва куртаклари соя (шийпонда, чордокларда ёки хоналарда) ва ҳаво яхши ўтиб турадиган ерда, бирор нарсанинг (фанер, коғоз, березент, қоплар ва бошқалар) устига юпка қилиб ёйиб қуритилади. Зарурат туғилса, ҳарорати 50—60° ли қуритгичларда қуритилади.

Ўсимликларнинг қолган қисми (меваси, уруғи, пўстлоғи, илдизпояси, илдизи, туганаги, пиёзи ва бошқалари) очик жойда, офтобда бирор нарсанинг устига ёйиб қуритилади.

Маҳсулотлар яхшилаб қуритилгандан сўнг қоп, яшик, пакетларга солиниб, қурук, соя, салқин ва ҳаво кириб турадиган жойда сақланади.

Маълумки, доривор ўсимлик маҳсулотлари турли касалликларни даволашда ишлатилади. Бунинг учун улардан турли усулда дори тайёрланади. Уй шароитида тайёрланадиган д а м л а м а в а қ а й н а т м а шулар жумласидандир.

Уй шароитида дорилар факат заҳарли бўлмаган доривор ўсимликлардан тайёрланади. Одатда, доривор ўсимликларнинг юпқа ва нозик қисмларидан — барги, ер устки қисми, гули ва баъзи мева ҳамда уруғларидан дамлама, ер остки органлари, пўстлоғи, каттиқ пояси, меваси, уруғи ва баъзи қалин баргларидан қайнатма тайёрланади. Заҳарли бўлмаган доривор ўсимликлардан дамлама ва қайнатма 1:10 нисбатда тайёрланади, яъни оғирлиги 10 қисм маҳсулотдан докада сиқиб сузуб олингандан сўнг ҳажми 100 қисм дамлама ёки қайнатма олиниши керак.

Дамлама ва қайнатма тайёрлаш усуллари. Сув ҳамомида 15 минут қиздирилган шиша ёки сирланган идишга (кичик кастрюлкага) йирик майдалангандоривор ўсимлик маҳсулотидан керакли микдорда солиб, устига керакли микдорда уй ҳароратидаги сув қуйилади, копқоғи ёпилади ва яна қайнаб турган сув ҳамомида тутиб турилади (дамлама 15 минут, қайнатма 30 минут). Қиздириш вақтида маҳсулот тез-тез чайқатиб турилади. Сўнгра дамламали (ёки қайнатмали) идишни сув ҳамомидан олиб уй ҳароратида 45 минут (қайнатма 10 минут) совутилади. Сўнг икки қават докада сиқиб сузилади. Дамлама (ёки қайнатма) одатда кўрсатилган микдорда совуқ ёки илиқ ҳолида ичилади. Сув ҳамоми ўрнида сув қуйиб қайнатилган ҳар қандай идишдан фойдаланиш мумкин.

Ер остки қисмлари хом-ашё сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар

Ер остки қисмлари доривор маҳсулот берадиган ўсимликларга мисол қилиб ёронгул (Гераниум цоллинум Степх.), етмак (Ацантхопхйллум САМ) ва откулокни (Румех цонфертурес Виллд.) кўрсатиш мумкин. Бу ўсимликларнинг барчаси Ўрта Осиёда учрайди.

Ёронгул Ёронгулдошлар — *Geraniaceae* оиласига мансуб, бўйи 15-60 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Халқ табобатида ишлатиладиган ер остки қисмлари — илдизпояси ва илдизи кеч кузда, меваси етилиб тўкилгандан кейин ёки ерта баҳорда кавлаб олинади, сув билан ювиб, тупроқ ва лойдан тозаланади ва очик ҳавода, қуёшда куритилади.

Ёронгул илдизпояси ва илдизида 23,5% гача ошловчи ва бошқа моддалар, баргида 29,6-45,7 мг% витамин С бор. Ўсимлиknинг ер остки қисмидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида ич кетиш ва бошқа меъда-ичак касалликларини ҳамда турли қон оқишиларни (тукқандан кейин қон кетиши, қон тупуриш, ичдан қон кетиши ва бошқаларни) тўхтатиши учун қўлланилади.

Етмак Чиннигулдошлар — *Caprifoliaceae* оиласига мансуб, бўйи 80 см гача етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Унинг А. гландилосум Бге., А. гипсопхилоидес Ргл. ва А. паникулатум деб номланган уч турининг илдизи ўсимлик гуллаб бўлгандан кейин кавлаб олинади ва қуёшда куритилади.



**15-rasm. *Acanthophyllum gypsophiloides* – yetmak, beh
(bo'ritikan)**

Етмак (бўритикан)
Acanthophyllum gypsophiloidec
турларининг илдизи 10-30%
таркибида тритерпен сапонинлар ва
бошқа моддалар бор.
Унинг илдизи балғам
кўчирувчи сифатида бронхит, нафас
йўлларининг бошқа
касалликларида
қўлланилади. Ундан тоза
сапонинлар олинади. Бу
ўсимлик илдизидан озик-
овқат, енгил саноатда
ҳамда халқ хўжалигининг

бошқа тармоқларида кенг миқёсда фойдаланилади. Етмак илдизи кўпиртириш хусусиятига ега бўлганлиги учун ундан узок вақтлардан бери нишолда ва турли хил ҳолвалар тайёрлашда фойдаланиб келинади.

Отқулоқ Торондошлар - *Полігонацеае* оиласига мансуб, бўйи 60-150 см бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлиқ. Унинг илдизи кузда - ер устки қисми қуригандан кейин кавлаб олинади, тупроқдан тозаланади, сув билан ювилади ва майда бўлакларга бўлиб, очик ҳавода - қуёшда қуритилади.

Илдизи таркибида 4% гача антрацен ҳосилалари 8-15% ошловчи моддалар, флавоноидлар, 0,19% ефир мойлари, смолалар, витамин К ва бошқа моддалар бор. Илдиз қайнатмаси ва кукуни дизентерия, колит, ентероколит ва бошқа меъда-ичак касалликларини даволаш учун қўлланилади. Отқулоқ доривор препаратлари кичик дозада ич қотириш, катта дозада ич юмшатиш хусусиятига ега.

Ер устки қисмлари хом-ашё сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар

Ер устки қисмлари доривор маҳсулот берадиган ўсимликларга мисол қилиб наъматак (Роса Л.), себарга (Трифолиум пратенсе Л.) ва кийикўтни (Зизипхора педицеллата Пазиж.) кўрсатиш мумкин. Бу ўсимликларнинг барчаси Ўрта Осиёда учрайди.

Наъматак Раъногулдошлар — Росацеае оиласига мансуб, бўйи 1,5-3 м, баъзан 6 м га етадиган тиканли бута. Халқ табобатида сохта меваси ишлатилади. Ўсимликтининг меваси август ойининг охирларидан бошлаб, кеч кузгача йигилади. Совук урган меваларида витамин С микдори камайиб кетади. Йигилган мевалар тезда очик ҳавода қуёшда ёки 80-90 °С ли печларда қуритилади. Баъзан наъматак меваси қуритилмасдан доривор препаратлар олиш учун тўғридан-тўғри фармацевтика заводларига юборилади. Қуритилган меваларини ишқалаб, косачабарг қолдиқлари тушириб юборилади.

Меваси таркибида 4-6%, баъзан 15% гача витамин С, витамин Б₂, П, Э ва К, 12-27% каротин, 29% гача органик (лимон, олма ва бошқа) кислоталар, 18% гача қандлар, 3,7% гача пектин, 4,5% гача ошловчи моддалар, уруғида мой ва бошқа бирикмалар бор.

Наъматакнинг меваси турли витаминалар сақловчи поливитаминли меваларга киради. Юқори витаминли турлари (Роза беггериана Счренк. ва Роса федцченкоана Ргл.) авитаминоз касалликларини даволаш ва уларнинг олдини олиш учун қўлланилади. Уруғидан олинадиган мойи ва мевасининг юмшоқ қисмидан тайёрланган мойли екstractи — каратолин куйганни, тропик яраларни, экзема, тери касалликларини, ярали колит ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Наъматак турларининг баъзиларидан витаминли концентратлар, шарбат тайёрланади, витамин С (аскорбин кислота) олинади, қуруқ мевасидан таблетка тайёрланади. Бу дорилар авитаминоз касаллигини даволашда ва унинг олдини олишда ишлатилади. Аскорбин кислота кўпгина комплекс препаратлар таркибига киради.

Витамин С камроқ бўладиган наъматак турларидан итбурун наъматаги (меваси таркибида 0,2-2,2% гача витамин С бўлади, холос) мевасидан тайёрланган холосас препарати жигар касалликларини (холецистит, гепатит ва бошқаларни) даволаш учун ишлатилади.

Себарга (*Tripholiu*m) Дуккақдошлар — *Фабацеae* оиласига мансуб, бўйи 25-50 см гача етадиган қўп йиллик ўт ўсимлик. Халқ табобатида себарганинг ер устки қисмлари ва гули ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтда унинг ер устки қисмлари ёки айрим гуллари йифилади ва соя ерда қуритилади.



шамоллашни даволаш учун ҳамда балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи ва антисептик дори сифатида қўлланилади.

16-rasm. *Trifolium - Sebarga*

Ламиацеae оиласига мансуб, бўйи 16-40 см бўладиган қўп йиллик ўт ўсимлик. Кийикўтда тритерпен гликозидлар, флавоноидлар, ошловчи моддалар, кумаринлар билан оксикумаринлар, аминокислоталар, витаминлар, жумладан, токоферол бор. Кийикўт селен тўплаб борадиган ўсимликлар қаторига киради. Бу ўсимликда ҳар хил микро- ва макроэлементлар (калций, кремний, алюминий, темир, магний, кобалт, рух, мис, марганец, молибден, хром) бор.

Кийикўтнинг елими таркибида қўзга даво бўладиган дорилар бор. У иссиқ йўтални юмшатиш хусусиятига ега, ўпка яраларидан келадиган зарарни камайтиради ва овозни яхшилайди.

Хитой табобатида илдизидан тайёрланган тинктура ёки кукун турли меъда-ичак касалликлариган қарши, шунингдек, сийдик ҳайдайдиган ва терлатадиган дорисифатида қўлланилади. Уни диабетда, фурункулёз, пиодермияда бошқа доривор ўсимликлар билан

